

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УЎК: 821.512.133(092) (584.4) Мутриб (043:3)

Мадиримова Сохиба Махмудовна

МУТРИБ ХОНАХАРОВ ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

**Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Кириш	3-10
I боб. Мутриб илмий биографияси асослари ва шоир девони қўлёзмаларининг илмий-монографик тавсифи	
1.1. Мутриб Хонахароб илмий биографияси асослари.....	11-21
1.2. Шоир девони қўлёзмаларининг илмий-монографик тавсифи.....	21-49
II боб. Мутриб девонининг таянч манбаларини аниқлаш мезонлари ва шоир асарларини ўрганишда матн тарихи ҳамда таҳрирининг ўрни	
2.1. Мутриб девонининг таянч манбаларини аниқлаш мезонлари.....	50-70
2.2. Шоир асарларини ўрганишда матн тарихининг ўрни.....	70-80
2.3. Матн таҳрири ва унинг намоён бўлиш усуллари.....	80-96
III боб. Мутриб асарлари аслият ва нашр нусхаларининг қиёсий-матний тадқиқи	
3.1. Мутриб асарларидаги матн тафовутлари таҳлили.....	97-127
3.2. Шоир асарлари илмий-танқидий матнини яратиш тамойиллари.....	127-156
Хулоса	157-159
Фойдаланилган адабиётлар	160-173
Иловалар	174-184

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон халқлари матншунослигида миллий адабий меросни бирламчи манбалар асосида ўрганишга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайиб бормоқда. Қўлёзма манбалар тадқиқи, қайси даврда яшаган бўлишидан қатъи назар, шоир ёки адиб асарларининг аслиятга мувофиқ (ҳеч бўлмаганда унга яқин) матнларини тиклаш имконини беради. Ишончли матнни тикламай туриб, шоир ижодини адабиётшуносликнинг назарий муаммолари кесимида таҳлил этиб бўлмайди.

Дунё матншунослигида қўлёзма манбаларни қиёсий таҳлил этиш, ижодкор илмий биографиясини яратиш, бадий асар матни тарихини ўрганиш каби илмий муаммолар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар сирасидан дунё кутубхоналари бўйлаб тарқалган Шарқ қўлёзмалари, жумладан, туркий адабиётнинг буюк намояндalари Алишер Навоий ва Бобур асарлари манбаларини ўрганиш доирасида катта тажриба, билим ҳамда материал тўпланди. Олиб борилган кенг тадқиқотлар матншуносликнинг назарий асослари яратилишига замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек матншунослиги мавжуд илмий тажрибалар негизида тараққий этиб, мумтоз адабий манбаларни ўрганиш борасида муайян натижаларга эришди ва эришмоқда. Миллий адабиёт тарихида ёрқин из қолдирган ижодкорлар адабий меросини аслият асосида тадқиқ қилиш, қўлёзма ва тошбосма манбаларни илмдаги сўнгги ютуқларга таяниб ўрганиш манбашунослик ва матншуносликнинг устувор вазифаларидандир. Негаки, “...ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўпқиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш катта аҳамиятга эга”¹. Шунга кўра, Хоразм адабий муҳити намояндаси Мутриб Хонахароб (1853-1923) лирик девони

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги. // Халқ сўзи. – Тошкент, 2018 йил 8 август.

манбаларининг илмий-монографик тадқиқини амалга ошириш, шоир асарлари матн тарихини ўрганиб, илмий-танқидий матнини тайёрлаш тамойилларини ишлаб чиқиш долзарб экани аён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПҚ – 4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ – 2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқи ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Матншуносликнинг назарий асослари Д.С.Лихачев², Б.В.Томашевский³ каби рус олимлари ҳамда П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон, Ғ.Каримов, Ш.Сирождидинов, Н.Жабборов, А.Эркинов, Н.Шодмонов, Р.Зоҳидов сингари ўзбек матншунослари илмий ишларида ўрганилган⁴. Мазкур олимлар тадқиқотларида эришилган илмий

² Лихачев Д.С. При участие А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во «Алетейя», 2001, стр. 34-35.

³ Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – М., 1959, стр. 148.

⁴Шамсиев П. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» дostonининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари хақида: Фил.ф.н... дис. - Тошкент, 1952; Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Фил.ф.д...дис. - Тошкент, 1970; Сулаймон Ҳ. «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. /Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959, – Б.5-28; Каримов Ғ. Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари. /Ғулом Каримов – маърифат фидойиси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б.56-63; Сирождидинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Тошкент: Akademnashr, 2015.- Б. 7-9; Матншунослик сабоқлари. – Тошкент.:

натижалар алоҳида ижодкорлар асарларининг кўлөзма манбаларини ўрганишда илмий-назарий асос вазифасини ўтаб келмоқда.

Мутриб ижодини ўрганиш шоир ҳаётлигидаёқ бошланган. Табибий “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий”⁵ ҳамда “Мажмуату мухаммасот уш-шуарои Ферузшоҳий”⁶ мажмуаларида шоирнинг шеърят ва мусикадаги ютуқларини эътироф этади. Ҳасанмурод Лаффасийнинг “Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари”⁷, Бобожон Тарроҳнинг “Хоразм шоир ва навозандалари”⁸, Ю.Юсупов (Айёмий)нинг “Ўт чакнаган сатрлар”⁹, Пўлатжон Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий”¹⁰ асарларида ҳам шоир ижоди ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ижодкор адабий мероси юзасидан О.Шарафиддинов, М.Юнусов, Н.М.Маллаев, Ю.Юсупов, М.Пирназаров, А.Абдуғафуров каби олимлар мақолалар эълон қилган¹¹. Ушбу мақолаларда шоир таржимаи ҳоли, асарларининг ғоявий қамрови ва бадиияти, адабий меросининг мавзу ва жанр хусусиятлари ёритилган. Лекин уларнинг аксаридида шоир асарлари коммунистик мафкура таъсирида талқин этилган.

М.Пирназаров Мутриб лирик меросининг кўлөзма ва тошбосма манбалари, мавзу кўлами, жанр хусусиятлари, бадиий маҳорати масалаларини ўрганган¹². Ушбу тадқиқот ўз даври учун қимматли маълумотлар берган

Navoiy universiteti, 2019. – Б.18; Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари /«Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари» мавзuidaги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2014.- Б. 28-32; шу муаллиф. Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари /«Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари» мавзuidaги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, Adabiyot uchqunlari, 2016.- Б. 99-105; шу муаллиф. Матншуносликнинг айрим назарий масалалари / «Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари» мавзuidaги Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, Насаф, 2019. - Б. 3.7; Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Тошкент, 1997; Алишер Навоий «Хамса»си талқини (XV – XX аср боши). – Тошкент: Tamaddun, 2018; Матншунослик ва манбашунослик асослари. –Тошкент, 2019; Шодмонов Н. «Шоҳиду-л-икбол» – адабий манба. – Тошкент: Muhattir, 2009. - Б. 22-26; Зоҳидов Р. «Саботул ожизин». (Манбалар, шарҳлар, илмий-танқидий матн). – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015.- Б. 184-185.

⁵ЎЗР ФА ШИ. Асосий фонд, инв, №1152. –Б. 470^а.

⁶ЎЗР ФА ШИ. Асосий фонд, инв, №1134. –Б. 129^{а/б}.

⁷ЎЗР ФА ШИ. Асосий фонд, инв, № 9494. –Б. 50-51. №12561 инв, –Б. 73-74. –Б. № 11499 инв, –Б. 36-37.

⁸Бобожон Тарроҳ-Ходим. Хоразм шоирлари ва навозандалари (Табдил қилиб, нашрга тайёрловчилар: Отамуродова А., Абдурахимов О.). –Тошкент, Tafakkur qanoti. 2011. –Б. 136-140.

⁹Юсупов Ю. Ўт чакнаган сатрлар. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. –Б. 180.

¹⁰Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. III жилд. –Тошкент: ЎЗР ФА Кўлөзмалар институти. 1998. –Б. 599-600.

¹¹Шарафиддинов О. Йиллар ва йўллар. Адабиётимизнинг ярим асри. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. –Б. 172; Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. –Тошкент: Фан. 1965. –Б. 169-175;–Б. 48-75; Маллаев Н. Классик адабиёт бойликларини чуқур ўрганайлик ва кенг оммалаштирайлик. //Ўқитувчи, 1957. 12 март. №24; Юсупов Ю. Мутриб. // Хоразм ҳақиқати. 1970, 29 август; Пирназаров М. Ободлиг айёмидир. // Гулистон. 1974, №7. –Б.28; <https://kh-davron.uz> 2013, 28 октябрь, 2015, 13 декабрь.

¹²Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. Фил. фан. номз... дисс. Самарқанд, 1973. – Б. 6-7.

бўлса-да, шоир илмий биографиясини яратиш, ижодкор асарларини матншуносликнинг назарий муаммолари кесимида тадқиқ қилиш, илмий-танқидий матнини яратиш каби муаммолар ҳануз ечимини кутиб турибди. Шоир адабий меросини ўрганишда “Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа)” китоби эътиборга молик¹³. Бироқ бу шеърлар матни тўлиқ эмаслигидан ташқари, сўзларнинг ўқилишида ҳам хатоликлар учрайди.

Ушбу диссертация Мутрибнинг лирик асарлари кўчирилган қўлёзма манбалар – девон, баёз, мажмуа ва тазкираларни тўплаш, шоир асарларининг мукамал нашрини тайёрлаш ва унинг адабиётимизда тутган ўрнини кўрсатишига кўра бошқа тадқиқотлардан фарқ қилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклорини ўрганишнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мутриб таржимаи ҳоли ҳамда адабий меросига доир қўлёзма ва тошбосма манбаларини қиёсий-матний, шоир девонининг таянч манбаларини аниқлаш ва ижодкор асарларини ўрганишда матн тарихининг ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

манбалар таҳлили асосида Мутриб Хонахароб илмий биографиясини янги маълумотлар билан тўлдириш;

шоир асарлари кирган қўлёзма манбаларнинг илмий-монографик тавсифини амалга ошириш ҳамда шеърлар девонининг таянч манбаларини аниқлаш;

ижодкор асарларининг матн тарихини ўрганиш, матн таҳрирининг намоён бўлиш усулларини илмий далиллаш;

¹³Пирназаров М. Мутриб Хонахаробий (рисола-мажмуа). –Тошкент, 2001. - Б. 40.

Мутриб қўлёзма асарлари қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш ҳамда шоир шеърӣ асарлари илмий-танқидий матнини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

шоир қўлёзма асарлари тадқиқи орқали ижодкорнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Муҳаммад Ҳасан Мутриб девонининг ЎзР ФА ШИ асосий ҳамда Ҳ.Сулаймон фондларида сақланаётган 906/VI, 903/IV, 2679/II рақамли қўлёзмалари, шунингдек, қўлёзма баёз, мажмуа ва тазкиралардаги туркий шеърлари, Хива Ичонқалъа Муҳаммад Раҳимхон Феруз музейидаги қўлёзма баёзлар танланди.

Тадқиқотнинг предметини Мутриб Хонахароб илмий биографиясини тиклаш, шоир асарлари қўлёзмаларининг қиёсий-матний тадқиқи, шоир лирик асарлари матн тарихини ўрганиш каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда статистик, тарихий-қиёсий, матний-қиёсий, герменевтик ҳамда биографик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мутриб ҳаётига доир манбалар асосида шоирнинг илмий биографияси бойитилиб (туғилгани, вафоти, таҳаллуси), адабий меросининг қўлами ва жанр хусусиятлари аниқланган;

шоир девонининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари негизида таянч манбалари белгиланган ҳамда ёндош манбалар – баёзлар ва мажмуалардан 992 мисра ҳажмида мутахассисларга аниқ бўлмаган шеърлари аниқланган;

ижодкор асарларининг матн тарихи, шеърлари матнининг девон қўлёзмалари, баёз ва мажмуалар ҳамда нашр вариантларидаги тафовутлари сабаблари очиб берилган ва дастлабки манбага мувофиқ матнлари тикланган;

шоир девони қўлёзмаларининг қиёсий-матний жиҳатдан лирик асарларнинг илмий-танқидий матнини яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Мутриб ҳаёт йўлига оид янги маълумотлар аниқланиб, шоир илмий биографияси яратилган;

ижодкор девони ҳамда асарлари кирган баёз ва мажмуалар қўлёзма манбаларининг илмий-монографик тавсифи амалга оширилган; манбалардан шу пайтгача илм аҳлига маълум бўлмаётган 992 мисра шеър топилиб, илмий истифодага олиб кирилган;

илмий тажрибаларга суянилиб, шоир асарларининг илмий-танқидий матнини тайёрлаш тамойиллари ишлаб чиқилган, ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган тўқсонга яқин қўлёзма, ўнта тошбосма ва бир қанча тазкиралар асосида шоир асарларининг ишончли матнлари тикланган;

шоир девони қўлёзмасининг илмий-танқидий матнини яратишда талаб этиладиган тамойиллар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги бирламчи манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг матншунослик аспектида кўриб чиқилгани, асосий ва ёндош манбалар асосида далиллангани, амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Мутриб Хонахароб қўлёзма девонининг илмий-танқидий матнини тайёрлашга доир тамойиллар ишлаб чиқилгани, илмий хулосалар матншунослик ва манбашуносликка оид назарий қарашларни бойитиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация материалларидан “Матншунослик назарияси”, “Илмий-танқидий матн назарияси”, “Матн ва талқин муаммолари” фанларида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, Мутриб ижоди юзасидан махсус курс ва семинарлар ташкил қилишда тайёр манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мутриб Хонахароб адабий меросининг манбалари ва матний тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Мутриб Хонахароб илмий биографияси, хусусан, таваллуд ва вафот санаси, тахаллус танлаш сабаблари тадқиқидан ҳамда шоир девонининг ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланиб, мутахассислар назаридан четда келган 2679/II рақамли қўлёзма манбасига доир маълумотлардан; қўлёзма манбалардан янги аниқланган ғазал, мухаммас ва мураббаъ жанрларига мансуб 992 мисра шеърига доир таҳлилий фикр ва хулосалардан ОТ-Ф1-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 21 сентябрдаги 01-1691-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг Хоразм адабий муҳитига бағишланган жилди Мутриб Хонахароб девони қўлёзмаларига доир янги маълумотлар билан бойитилган;

Мутриб илмий биографиясини яратиш асослари ва шоир девони қўлёзмаларининг илмий-монографик тавсифи, шоир девонининг таянч манбаларини аниқлаш мезонлари ва ижодкор асарларини ўрганишда матн тарихининг ўрни ҳақидаги илмий хулосалардан ПЗ-20170925213 рақамли “ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма девонлар каталогини тузиш” (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 16 октябрда имзолаган 01/1-1904-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиётига доир қўлёзма девонлар каталогини тузиш ҳамда кўп нусхали манбаларни тавсифлаш, уларнинг таянч манбаларини аниқлашга доир илмий-назарий тамойиллар ишлаб чиқилишига асос бўлган;

шоир илмий биографияси, адабий меросининг қўлами ва жанр хусусиятлари, асарларининг матн тарихи, девон қўлёзмалари, баёз ва мажмуалар ҳамда нашр вариантларидаги матн тафовутлари сабаблари ва бирламчи манбага мувофиқ ишончли матнларининг тикланиш жараёнига доир

янги маълумотлар ва илмий хулосалардан “O‘zbekiston” телеканалининг “Ассалом, Ўзбекистон”, “Ижод маҳсули”, “Қалб гавҳари” ҳамда “O‘zbekiston tarixi” телеканаллари “Мавзу”, “Тақдимот” ва “Аслида қандай..” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 октябрдаги 01-02-1627-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатувлар сифати ошиб, қўлёзма манбаларнинг адабиёт тарихини ўрганишдаги ўрни кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти фаслдан таркиб топган уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 159 саҳифани ташкил этади.

И-БОБ. МУТРИБ ИЛМИЙ БИОГРАФИЯСИ АСОСЛАРИ ВА ШОИР ДЕВОНИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-МОНОГРАФИК ТАВСИФИ

1.1. Мутриб Хонахароб илмий биографияси асослари

XIX асрнинг охири – XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити ўзининг илм-фан, адабиёт ва санъат ривожигаги ўрни билан алоҳида ажралиб туради. Давр адабий муҳити Муҳаммад Раҳимхон Феруз¹⁴ ҳукмронлиги йилларида янги қиёфа касб этиб, мавзу, жанр ва шакл жиҳатдан такомилга эришди. Ана шу муҳитнинг салоҳиятли вакили Муҳаммад Ҳасан Мутриб ижодий мероси адабиётшуносликда нисбатан кам ўрганилган. Ижодкор ҳаёти ва ижод йўли бўйича 1973 йили биргина диссертация ҳимоя қилинган бўлиб, биринчидан, унда шоир девони қўлёзмалари тўлиқ жалб этилмаган, иккинчидан, бу иш адабиётшунослик аспектида бажарилган, учинчидан, шоир таваллуд ва вафот саналари тўғри белгиланмаган, тахаллуси нотўғри талқин этилган. Тўртинчидан, шоир асарларининг бир қисми ўрганилган, холос¹⁵. Шоир адабий мероси кейинги қарийб ярим аср давомида адабиётшунослик эътиборидан четда келди.

Ўзбек адабиёти тарихида Мутриб тахаллуси билан бир қанча шоир ижод қилгани маълум. Мутриб Хонахаробдан ташқари Мутрибий (Самарқанд)¹⁶, Мутриба (Самарқанд)¹⁷, Девонаи Мутриб (Қўқон)¹⁸ сингари ижодкорлар

¹⁴ Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон Соний даври маданияти тарихидан. // Шарқшунослик. №13. 2008. –Б. 177-181; Махаммадиева Ю. Ферузнинг бадиий маҳорати. Ф. ф. б. ф. д. (PhD) дисс. –Тошкент, 2021. –Б. 134.

¹⁵ Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. Фил. фан. номз... дисс. Самарқанд, 1973.

¹⁶“Тазкират уш-шуаро”си билан машҳур бўлган Мутрибий Самарқандий 1559-1639 йилларда яшаган. **Бу ҳақда қаранг:** Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Мутрибий ҳақида янги маълумотлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. №4. –Б. 25-29; Вячеславович Н.Б. Антология Хасана Нисари и Мутриби Самарқанди как источники по истории письменной культуры Маверауннахра XVI – первой трети XVII вв. Дис. ... канд. ист. наук. Санкт-Петербург. 2005. Стр. 3-349; Бекчанов И. Мутрибий ижодининг ўрганилиши. // Шарқшунослик. №13. 2008. –Б. 172-179; Бекчанов И. Мутрибий “Тазкира туш-шуаро”сининг таркибий тузилиши. // Шарқшунослик. №3. 2010. –Б. 34-36; Абдуғафуров А. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент, Давлат илмий нашриёти. 2003. №6. –Б. 166-167; Жабборов Н. Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари. /Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2016. –Б. 99-105.

¹⁷Каттақўрғонлик Саломат Парда қизи Мутриба 1894-1964 йилларда яшаган. **Бу ҳақда қаранг:** Ўзбек адабиёти (антология). V том, II китоб. –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968. –Б. 299-317.

¹⁸“Шоҳномаи девона Мутриб” достони муаллифи Девонаи Мутриб 1843-1875 йиллар яшаган. **Бу ҳақда қаранг:** Қайюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII-XIX аср). Филол. фан. д-ри... дисс. –Тошкент, 1961; Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. III жилдлик. III жилд. –Тошкент: ЎзР ФА Қўлёзмалар институти. 1998. –Б. 522; Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. –Тошкент, Akademyashr. 2010 й. –Б. 155-156. ЎзР ФА ШИ. Асосий фонд, инв, 596/IV.

фаолияти бунинг исботидир. Мутриб Хонахаробнинг салмоқли адабий мероси йирик ҳажмли шеърлар девонида жамланган. Шоир девонини, аввало, манбашунослик ва матншунослик йўналишида тадқиқ этиш, шу асосда шоирнинг миллий адабиётимизда тутган ўрнини баҳолаш илмий заруриятдир.

Манбаларда Мутриб Хонахаробнинг таваллуд санаси 1852, 1860, 1865, вафоти санаси эса 1922, 1923, 1925 тарзида турлича келтирилган¹⁹. “Тазкираи Қайюмий”да унинг 1923 йили вафот этгани, 70 йил умр кўргани айтилган. Замондошларидан Лаффасий шоирнинг 1923 йилда вафот этгани, Бобожон Тарроҳ 70 йил умр кўргани ҳақида ёзиб қолдирган. Мазкур маълумотлардан Мутриб 1853 йилда туғилиб, 1923 йилда вафот этгани маълум бўлади²⁰.

Муҳаммад Ҳасан девон Ҳожи Табиб ўғли Мутриб Хонахароб Хива шахрининг ташқари қалъасида, яъни Қалли Оқсоқол қавмида туғилган. У асли эронлик бўлиб, илк устози отаси бўлган. Кейинчалик Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасасида таҳсил олган. Мақомчи бастакор сифатида танилган. Чолғучи, созанда маъноларини берувчи Мутриб тахаллусини танлаши сабаби шунда. Истеъдоди боис Феруз уни саройга жалб этади. Форсий ва туркий тиллардаги ишқий ва ҳажвий ғазаллари билан шуҳрат топади. “Хоразм шоир ва навозандалари” тазкирасида унинг танбурни маромида чалгани, олти ярим нотани ёддан билгани, шеърият, мусиқа, китобат, табобат, форс-тожик тилларини пухта эгаллагани, шу билан бирга, сўз баҳсида ҳеч кимдан энгилмаган²¹и ҳақида маълумот берилади.

Бобожон Тарроҳ шоирга қуйидагича таъриф беради: *“У ўрта бўйли, кетмон соқол, бироқ соқоли сийрак, ифлос кийиниб юрадиган киши эди... Аммо*

¹⁹Собрание восточных рукописей академии наук ССР. VII том. №5270. Ўзбекистон, Фан. 1964. –Б.184; Собрание восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан. Литература (Диваны), Издательство “Навруз”. Том I. №1052. –Тошкент, 2017. –Б. 474; Абдуғафуров А. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, Давлат илмий нашриёти, 2003. №6. –Б. 165-166; Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ҳаёт йўли. Филол. фан. номз... дисс. Самарқанд, 1973. –Б. 6-7; Ўзбек адабиёти (анталогия). V том, II китоб. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968. –Б. 115-128.

²⁰Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. III жилдлик. III жилд. –Тошкент: ЎзР ФА Қўлёмалар институти. 1998. –Б. 599-600; Лаффасий, Ҳасанмурод. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. Тазкира. ЎзР ФАШИ. Қўлёмалар фонди, инв. №12561 –Б. 73^{а/б}; Бобожон Тарроҳ-Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. –Тошкент, Тафаккур қаноти. 2011. –Б. 136-140.

²¹Бобожон Тарроҳ – Ходим. Хоразм шоирлари ва навозандалари. –Тошкент, Тафаккур қаноти, 2011. –Б. 136-140; Лаффасий, Ҳасанмурод. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари. Тазкира. ЎзР ФАШИ қўлёмаси, инв. №12561 –Б. 73^{а/б}.

жуда илмли одам эди. Шеърлари ҳам мазали, тартиб интизомли эди²²”.

Мутриб асарларининг аксарияти ҳажвий бўлган. 1919 йилда рус аскарлари ҳукуматни қўлга олгач, Жунайдахон аскарлари қочиб кетади. Шу вақтда Мутриб Жунайдахонни танқид қилиб қуйидагиларни ёзади:

*Қочти Жуновит барча саранжомини ташлаб,
Рус аскарига кўзлари бодомини ташлаб²³.*

Лаффасийнинг “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” қўлёзма тазкирасида ҳам Мутрибга оид маълумотлар учрайди. У шоирнинг танбурни маромида чала олиши, форсий тилни мукаммал билгани, девон тартиб қилгани, “Шоҳ Комрон” номли асар ёзганини айтади. “Хонахароб” тахаллусини олиши сабабини эса ҳажвий шеърлар ёзиши билан изоҳлайди: “... *Муҳаммад Раҳимхоннинг қилгон қаттиғ фармойишига биноан шеърлар машқ этиб, турли газал, мухаммас ва мусаддаслар ёзиб, аксар Ферузнинг фармони билан бирор маҳраму Бош вазирларни қаттиқ танқид-у ҳажв этиб, Хон ҳузурида ул ҳажв газалларни мазкур танқид қилингон шахсни доғи ўлтурғузуб, Мат Ҳасан Танбур созиға қўшиб ўқур эрди. Шул сабабли Мат Ҳасан “Мутриб Хонахароб” тахаллуси билан турли ҳажвийётлар ёзуб турадур....²⁴*”.

Бобожон Тарроҳ фикрича: “*Мутриб хушчақчақ сўзларни сўзлаганда оғизларини ўйнатиб сўзлаб, сизни бутун қайғу-ҳасратларингизни йўқ қилар эди. Шунин учун ҳам Муҳаммад Раҳим иккинчи халқга қулушма бўлсин деб “Мутриб Хонахароб” қўйгон эди²⁵*”. Юнус Юсупов “Хоразм шоирлари” рисоласида бу ҳақда ўзгача фикр билдиради: “*Мутриб, - деб ёзади муаллиф, - хароба уйда оғир ҳаёт кечира беради. Бир кун отда кетаётган Феруз Мутрибни хароба қапа олдида учратиб, “Мутасан, ҳақиқатан ҳам сенинг аҳволинг, уйинг, рўзгоринг хароб экан, шунинг учун энди сенга биздан исна*

²²Бобожон Тарроҳ-Ходим. Хоразм шоирлари ва навозандалари. –Тошкент, Тафаккур қаноти, 2011. –Б. 136-140.

²³ Ўша тазкира, ўша саҳифа.

²⁴ ЎЗР ФАШИ. Асосий фонд, инв. №9494. –Б. 50-51. №12561. –Б. 73^{а/б}-74^{а/б}. №11499. –Б. 36-37.

²⁵ Бобожон Тарроҳ-Ходим. Хоразм шоирлари ва навозандалари. –Тошкент, Тафаккур қаноти, 2011. –Б. 136-140.

(истисно) ўрнида шу хотира бўлсинки, сенинг бундан кейинги тахаллусинг Мутрибгина эмас, Мутриби Хонахаробий бўлсин” дейди”²⁶.

М.Пирназаров бу фикрни тасдиқлайди²⁷. Ю.Юсуповнинг манбаси кўрсатилмаган бу фикри тарихий ҳақиқатга мувофиқ бўлмай, коммунистик мафкура таъсирида тўқилган бўлиши ҳақиқатга яқин. А.Отамуродова бобоси Бобожон Тарроҳнинг Мутриб ҳақидаги фикрларини келтириб, унинг саройда ишлагани, Ферузнинг ишонган инсонларидан бўлганини айтади²⁸. “Тазкирай Қайюмий”да ёзилишича: “... Шоир ҳам шайхон соҳиб музикачилиги ила элга танилмиш Мутриб Исфандиёрхон қаҳридин қўрқуб юрадур. Ниҳоят Жунайдахон ҳовлисини босиб талон-тарож этиб вайрон этадур. Шоир мўъжиза шаклида қочиб қутуладур. Шундан сўнгра ўзига Мутриби хона хароб деб тахаллусга қўшимча билан шухратланадур²⁹”.

Жунайдахон қўзғолони 1919 йил феврал ойида бўлган. Пўлатжон Қайюмий фикрича, Жунайдахон Мутрибни барча нарсасидан маҳрум этгандан кейин шоир “Мутриб”га қўшимча “Хонахароб” нисбасини олган бўлиб чиқади. Аммо, шоир девони қўлёзмалари 1907, 1908 йилларда кўчирилгани, баёз, мажмуа ва тазкиралардаги шеърлари эса 1907, 1908, 1909, 1910 йилларда тартиблангани ва улар таркибидаги шеърлари “Мутриб Хонахароб” тахаллуси билан берилгани бу фикрни шубҳа остига қўяди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан сўнг вақтли матбуот нашрлари ва тадқиқотларда шоир тахаллуси “Хонахаробий³⁰” тарзида қўлланган. Яна

²⁶ Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Тошкент, 1967. –Б. 100.

²⁷ Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. Филол. фан. номз... дис. Самарқанд, 1973, –Б. 6-7.

²⁸ Шоир ҳақидаги ушбу фикрларни маълумот сифатида бизга етказганлиги сабабли Бобожон Тарроҳ – Ходим авлодига миннатдорчилик билдирамыз. 2020. 20 февраль.

²⁹ Қайюмов П. Тазкирай Қайюмий. III жилдлик. III жилд. –Тошкент: ЎЗР ФА Қўлёзмалар институти. 1998. –Б. 599-600.

³⁰ Рўзमतов Ю. Мутриб. // Хоразм ҳақиқати. 1963. 27 декабрь; Қобулов Н., Пирназаров М. Шоир Мутриб ва унинг ижоди. // Адабий мерос. №3(27). 1983. –Б. 74-79; Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Тошкент, 1967. –Б. 100; Маллаев Н. Классик адабиёт бойликларини чуқур ўрганайлик ва кенг оммалаштирайлик. // Ўқитувчи, 1957. 12 март. №24; Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. Филол. фан. номз... дис. Самарқанд, 1973. –Б. 6-7; Пирназаров М. Мутриб Хонахаробий (рисола-мажмуа). –Тошкент. –Б. 1-41; Пирназаров М. Поэтик жанрлар типологияси. –Тошкент, Фан. 1989. –Б. 12; Жумаева Д. Мутриб ғазалларида вазн ва қофия. // Ўзбек тили ва адабиёти. №2. 2013, –Б. 52-54; Абдуғафуров А. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент, Давлат илмий нашриёти. 2003. №6. –Б. 165-166; Юсупов Ю. Ўт чакнаган сатрлар. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. –Б. 180.

бошқа ўринларда “Мўтриби хона хароб³¹”, “Мутриб Хонайи Хароб³²”, “Мутрибий Хонахаробий³³”, “Мутриб Хона Харобий³⁴”, “Мутриб Хонаихароб³⁵” шаклида турлича ёзилгани кузатилади. *Биринчидан*, шоир асарларининг барча қўлёзмаларида ҳамда унинг замондоши Лаффасий тазкирасида ҳамда “Ўзбек адабиёти”³⁶да ижодкор тахаллуси “Мутриб Хонахароб” шаклида берилган. *Иккинчидан*, бирламчи манбалардаги ҳар бир асар ҳамда ҳар бир шахс номи аслиятидек сақланиши мақсадга мувофиқдир.

Бобожон Тарроҳ шоир қабри Хива шаҳри Кўхна қалъа ичидаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси кунботаридаги Танобли авлиё қабристонининг тўғрисида³⁷ экани, тадқиқотчи К.Худойбергенов эса Хива Ичонқалъасидаги Тоҳир Эшон қалъаси ёнидаги бир хароба тагида қолиб кетгани ҳақида ёзади. Бу масала ойдинлаштирилиши зарур.

Мутрибнинг 1920 йилгача бўлган лирик меросини ишқ-муҳаббат ва шохни мадҳ этиш каби мавзулардаги ғазал, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, қасидалар ташкил этади. Кейинчалик шоирнинг илм-маърифатга даъват, хуррият мавзуларидаги шеърлари маҳаллий матбуотда ёритилган. Жумладан, 1920 йилдан кейин унинг шеърлари “Хоразм хабарлари”, “Инқилоб қуёши” ва “Қизил Хоразм” каби газета ва журналларда эълон қилинган. Матбуотда нашр этилган шеърлари тўпланиб, Хивада 1923 йилда “Ўзбекча инқилоб шеърлари йиғурми³⁸” тўпламида нашр этилган. Бу туркум “Кўрунг энди халойиққа адолат ошкор ўлди...”, “Билинглари, эй халойиқ, сизга бу яхши даврондур...”, “Кўнглима бир турфа сўз келди равон...”, “Умид айлаб экиб буларга турлук дона деҳқонлар...”, “Шод ўлунглари, эй халойиқ, шодлиғ айёмидур...” ва бошқа

³¹Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. III жилдлик. III жилд. –Тошкент: ЎЗР ФА Қўлёзмалар институти. 1998. –Б. 599-600.

³² Давлатов Б. Шоир Мутриб. // Хоразм ҳақиқати. 1991, 20 июль.

³³ Юсупов Ю. Мутриб. // Хоразм ҳақиқати. 1970, 29 август.

³⁴ Пирназаров М. Мутриб девонининг нодир бир нусхаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. №6. –Б. 56-60.

³⁵ Бобожон Тарроҳ Азизов – Ходим. Хоразм навозандалари (Нашрга тайёрловчи: Давлатёр Раҳим). –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. –Б. 73-75.

³⁶ Ўзбек адабиёти (анталогия). V том, II китоб. –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968. –Б. 115-128.

³⁷ Бобожон Тарроҳ-Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. –Тошкент, Тафаккур қаноти (Нашрга тайёрловчи: Анбара Отамуродова ва Олланазар Абдураҳимов). 2011. –Б. 136-140.

³⁸ Абдуғафуров А. “Юғурмия” – Ўзбекча инқилоб шеърлар тўплами. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984. №5. –Б. 3-9.

тарғибий-ташвиқий рух, хитоб, даъват оҳанглари ҳукмронлик қилади³⁹ган шеърларни ўз ичига олган. Афсуски, бу тўплам ҳозиргача топилмаган. Бирок тўпламдаги баъзи шеърлар вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган.

Адабиётшуносликда Мутриб ижоди юқори баҳоланган. Академиклар Воҳид Абдуллаев ва Ботир Валихўжаев Мутриб шеърятини Ҳамза, Чокар, Мунзим каби шоирлар асарлари билан қиёсий ўрганиб, лирик асарлари таҳлили асосида бадиий маҳоратини очиб берган⁴⁰. О.Шарафиддинов⁴¹, М.Юнусов⁴², А.Бобохўжаев⁴³, Ғ.Мўминов⁴⁴, Ю.Юнусовнинг⁴⁵ XX аср бошлари поэзиясига доир тадқиқотларида ижодкор асарлари таҳлил қилиниб, давр ҳаётида муҳим из қолдиргани эътироф этилади. Ф.Ғанихўжаев Алишер Навоий давомчилари сифатида Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аваз, Баёний, Мирзо ва Чокарлар қаторида Мутриб адабий мероси ҳақида ҳам қимматли фикрларни билдиради⁴⁶. Ўша давр мафкураси таъсири сезилса-да, ушбу тадқиқотлар Мутриб ҳаёти ва илмий биографиясини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Н.М.Маллаев Мутриб Хонахароб, Мирзо сингари шоирлар асарларини чоп этиш ва кенг оммалаштириш зарурлиги ҳақида ёзади⁴⁷.

Мутрибнинг қисқача биографияси ва шеърларидан намуналар илк бор “Ўзбек адабиёти” бешинчи том, иккинчи китобида⁴⁸ эълон қилинган. Лекин 10 та ғазал, 1 та мусаддас ва 1 та маснавийдан иборат бу шеърлар шоир лирик мероси ҳақида тўлақонли тасаввур бера олмайди.

³⁹ Абдуғафуров А. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Тошкент, Давлат илмий нашриёти, 2003. №6. –Б. 165-166.

⁴⁰ Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг арафаси ва гражданлар уруши даврида ўзбек поэзияси. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат университетининг асарлари. –Тошкент, 1958. № 94. –Б. 3-9.

⁴¹ Шарафиддинов О. Йиллар ва йўллар. Адабиётимизнинг ярим асри. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1967. –Б. 172.

⁴² Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. –Тошкент, Фан. 1965. Б. 169-175.

⁴³ Бобохўжаев М. Йигирманчи йиллар ўзбек совет поэзиясида замонавийлик учун кураш. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1964. –Б. 48-75.

⁴⁴ Мўминов Ғ. Тардиция ва маҳорат. –Тошкент, Фан. 1968. –Б. 91.

⁴⁵ Юнусов Ю. Эркни қуйлаган шоира. // Ўзбекистон маданияти. 1968, 12 март. №21(1255).

⁴⁶ Ғанихўжаев Ф. Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1969. –Б. 12-14.

⁴⁷ Маллаев Н. Классик адабиёт бойликларини чуқур ўрганайлик ва кенг оммалаштирайлик. // Ўқитувчи, 1957. №24, 12 март.

⁴⁸ Ўзбек адабиёти (анталогия). V том, II китоб. –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1968. –Б. 115-128.

Ю.Рўзматовнинг “Хоразм ҳақиқати” газетаси 1963 йил 27 декабрь сонида эълон қилинган “Мутриб” сарлавҳали мақоласида шоир ҳақида маълумотлар берилиб, илова сифатида унинг “Яхши даврондур”, “Адолат ошкор бўлди”, “Ҳар ёна, ҳар ёна” радибли ғазаллари чоп этилган. Мазкур газетанинг 1970 йил 29 август сонида Ю.Юсуповнинг ҳам “Мутриб” номли мақоласи эълон қилинади. Мақолада, жумладан, мана бундай ёзилган: *Муҳаммад Ҳасан ёшлик вақтларидан бошлаб адабиёт, санъатга меҳр қўяди. 1890 йилларга келиб элда номдор шоир сифатида танилди, танбурда мақом куйларини чалишда ҳаммага манзур бўлди... Муҳаммад Ҳасан 1890 йиллардан кейин саройга шоир ва созанда сифатида ишга чақирилади...*⁴⁹. Шоир ҳаёти қийинчилик ва машаққатга тўлиқ бўлгани, сарой шоирлари орасида энг ғариб ҳаёт кечиргани ҳамда оиласидан фақат 98 ёшга кирган волидаси борлиги ҳақида маълумот берилган. Мутриб 1910 йилдан кейин саройни тарк этиши, муҳаббат мавзусида лирик дoston яратгани, 1920 йилга келиб, Хоразмдаги “Инқилоб куёши” газетасида бўлим мудир вазифасида ишлагани айтилади. Ушбу мақолага илова сифатида шоирнинг “Сув тошқини”, “Ободлиғ айёмидур”, “Эй халойиқ”, “Илм ҳосияти” каби шеърлари нашр қилинган.

“Гулистон” журналининг 1974 йил 7-сонида (28-бет) М.Пирназаров “Ободлиғ айёмидир” сарлавҳаси остида Мутриб ҳаёти ва фаолияти ҳақида мақола эълон қилади. Мақолада шоир ҳақиқатпарвар, демократ ижодкор сифатида тилга олинади, у ҳақда куйидаги маълумотлар берилган: “... *шоир демократик шоир бўлгани... давлат тепасида турган реакцион ҳукмронларга ёқмасди. Асфандиёрхон девон тuzдириши баҳонаси билан Мутрибнинг кўпгина ҳажвийёт ва ғазалларини ёқдириб юборади*”. “Реакцион ҳукмронлар” ибораси шўроча мафкура таъсиридаги ёндашув бўлса ҳам, шоир асарларининг ёндирилиши ҳақидаги маълумотдан Мутрибнинг “Шоҳ Комрон” ҳамда бир қанча лирик асарлари бизгача етиб келмагани сабаблари аён бўлади. Мақолага илова сифатида Мутрибнинг 1 та мусаддаси (“Ободлиғ айёмидур” сарлавҳали

⁴⁹ Юсупов Ю. Мутриб. // Хоразм ҳақиқати. 1970, 29 август.

мусаддаси шоир умрининг охирларида кўчирилган. Бу девон қўлёзмаларида йўқ) ҳамда 2 та “Оз эмас”, “Этдинг мани” радифли ғазали берилади.

“Хоразм ҳақиқати” газетаси 1991 йил 20 июль сонида Болта Давлатовнинг “Шоир Мутриб” мақоласида ижодкор ҳаёти ва фаолияти, унинг лирик асарлари ҳақида тўхталинади. Хивалик замондошлари маълумотига кўра “Гул ва Булбул” номли асар ёзгани маълум бўлади. Илова сифатида “Хоразм хабарлари”нинг 1921 йил 26 сентябрь 24-сонида эълон қилинган 1 та маснавийси, “Пайдо”, “Этарсан” радифли ғазаллари чоп этилади.

Полвонназир Бобожонов 1992 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Лаффасийнинг тазкирасини нашрга тайёрлаган. Бу нашр ҳақида П.Бобожонов: *40-йилларда Хива музейида хизмат қилган Ҳасанмурод қори Лаффасий Хива хони саройида ижод қилган шоирлар ҳақида маълумотлар тўплаган. Унинг араб ёзувидаги қўлёзмалари 50 йилларга келиб падари бузрукворимиз адиб ва журналист Матёқуб Бобожонов томонидан янги манбалар билан бойитилиб, ўрис алифбосига кўчирилган эди...*⁵⁰ каби фикрларни келтиради. Бундан ташқари, рус тилидаги ушбу китобни ўзбек тилига таржима қилганини айтади. “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” номли бу тазкира “Тазкираи шуаро” номи билан нашр қилинган. Нашрда Феруз саройида ижод қилган 51 та шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилиб, Мутриб Хонахаробнинг “Пайдо”, “Этарсан”, “Ўлди” радифли ғазаллари берилган.

Матназар Пирназаров томонидан 2001 йилда “Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа)”си нашр қилинган. Ундан шоирнинг 96 та шеъри ўрин олган. Улардан 81 таси ғазал, шунингдек, Навоий, Мунис, Огаҳий ғазалларига ёзилган 3 та мухаммас ҳамда “*Фалакка чирмашур, жоно, гамингдин...*” мисраси билан бошланувчи мусаддаси эълон қилинади. Бундан ташқари, шоирнинг илмда маълум бўлмаган “Нигоро”, “Оз эмас”, “Ўлғон эмас (7байт)”, “Менда йўқ”, “Келурман деб”, “Халос эт”, “Этдилар”, “Дерлар мени” радифли

⁵⁰ Лаффасий, Ҳасанмурод. Тазкираи шуаро (Нашрга тайёрловчи: Бобожонов П.). – Урганч, Хоразм. 1992. –Б. 83.

хамда “Оҳким, бўлди нигорим базмим ичра масти хоб”, “Дамодам фош этиб меҳру вафо, эй меҳрибоним, кел”, “Нигоро, ишқ аро зору хайронман хор этмазлар” мисраси билан бошланувчи 11 та ғазалидан намуналар берилди⁵¹.

Бундан ташқари, ZIYOUZ.COM кутубхонасининг <https://kh-davron.uz> ҳамда <https://kh-davron.uz> сайтларига Абдурашид Абдуғафуров томонидан тайёрланган маълумотлар киритилган. Шоирнинг “Айлама”, “Келмаса”, “Ўртама”, “Ичра ўт”, “Эрур”, “Келур”, “Бўлғайму эди”, “Ўлди” радифли ҳамда “Қатл этарга кўзларинг қилса ғзаб”, “Билинглар, эй халойик, сизга бу бир яхши даврондур” каби мисраси билан бошланувчи 10 та ғазали берилган. Шулардан 9 таси шоир девон қўлёзмаларида учрайди.

Шоир девони қўлёзмалари ЎзР ФА ШИ фондида 2679/II, 903/IV, 906/VII рақамлари билан сақланади⁵². Мутриб адабий мероси девон, баёз ва мажмуаларга кўчирилган 16 минг мисрага яқин ғазал, мухаммас, мусаддас, мураббаъ ва қасидаларни ўз ичига олади. Эллиқдан ортиқ қўлёзма манбаларга кўчирилган асарлари ичидан ўн бештадан ортиқ баёз ва мажмуаларга шоир девони қўлёзмаларида учрамайдиган шеърлари борлиги аниқланди.

М.Пирназаров адабиётшунос Н.М.Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган “ديوان مطرب خانه خراب” - “Девони Мутриб Хонахароб” 1327 (милодий 1909) йилда Муҳаммад Шариф бин Муҳаммад Ёқуб девон – Харрот томонидан Хивада кўчирилган нусхаси ва бошқа манбалари ҳақида ҳам маълумот беради⁵³. Афсуски, ҳозирги кунда ушбу манба топилмади⁵⁴.

М.Пирназаров биз ўрганаётган учта қўлёзма девондан (2679/II, 903/IV, 906/VII) биттаси ҳақида, яъни ЎзР ФА Ҳамид Сулаймонов фондидаги 2679/II рақамли девон қўлёзмаси ҳақида маълумотга эга бўлмаган.

Айрим тадқиқотларда шоир ижоди манбалари билан боғлиқ мунозарали маълумотлар учрайди. Масалан, Саломат Маткаримова номзодлик

⁵¹ Пирназаров М. Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа). –Тошкент, 2001. –Б. 40.

⁵² Бу ҳақда қаранг: Мадиримова С. Мутриб девонининг қўлёзма манбалари. ЎЗМУ хабарлари. //№1/5. – Тошкент, 2017. –Б. 424-426.

⁵³ Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. Филол.фан.номз... дисс. – Самарқанд, 1973. –Б. 11.

⁵⁴ Маллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган ушбу девон йўқолган.

диссертацияси фойдаланилган адабиётлар рўйхати “*V. Қўлёзма манбалар*” кismiда “*Девони Мутриб Хонахаробий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма инв. №1909*”⁵⁵ деб қайд қилади. Аммо ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги учта фондда сақланаётган 1909 рақамли қўлёзма манбаларда Мутриб шеърлари кўчирилган девонни учратмадик. Масалан, *Ҳамид Сулаймон фонди*да Замахшарийнинг “Тафсири кашшоф” асари, *асосий фонд*да Навоий, Жомий каби шоирларнинг 1886 йилда кўчирилган форсча шеърлари ҳамда муаллифи йўқ рубоийлар кирган баёз, *дублет фонди*да эса “Далоил ул-хайрот” асари кўчирилган. Ушбу қўлёзма манбаларда Мутрибга оид бирор шеър учрамайди.

Мутриб ҳаёти ҳақида маълумот берувчи манбалар унинг халқчил, ростгўй, миллатпарвар ижодкор бўлганидан далолат беради⁵⁶.

Нетдим, эй гардун, сани кажравлик изҳор айладинг,

*Турфа меҳнатларга жонимни сазовор айладинг*⁵⁷ –

дея фалакнинг “кажравлиги”дан нолиши шоир ҳаётининг оғир кечганини кўрсатади. Лекин у яхши кунларни орзу қилиб яшади. 1920 йилдан кейин вақтли матбуот саҳифаларида Мутрибнинг илм-маърифатга даъват этувчи бир қанча шеърлари босилган. У илмнинг шахс камолоти ва жамият равнақи учун аҳамиятини васф этади. “Хоразм хабарлари” газетасининг 1921 йил 26 сентябрь 24-сонида эълон қилинган маснавийси ана шу мавзу ўзига хос талқин этилгани билан алоҳида ажралиб туради:

*...Эй халойиқ, бўлса фарзандинг агар
Бер муаллимга они қилмай ҳазар.*

*Чунки, умри неча чандон ўлгуси,
Мурувват, ҳурмат фаровон ўлгуси –*

*Ким, они илму ҳунар хор этмагай,
Ҳеч бировга дунёда зор этмагай.*

⁵⁵ Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. Филол. фан. номз... дисс. –Тошкент, 2007. –Б. 135.

⁵⁶ Бу ҳақда қаранг: ЎзР ФА ШИ. Асосий фонд, инв, № 9494. –Б. 50-51. №12561 инв, –Б. 73-74. –Б. № 11499 инв, –Б. 36-37; Бобожон Тарроҳ-Ходим. Хоразм шоирлари ва навозандалари (Табдил қилиб, нашрга тайёрловчилар: Отамуродова А., Абдурахимов О.). –Тошкент, Tafakkur qanoti. 2011. –Б. 136-140; Бобожон Тарроҳ Азизов – Ходим. Хоразм навозандалари (Нашрга тайёрловчи: Давлатёр Раҳим). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. –Б. 73-75.

⁵⁷ ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фонди, девон. инв. 2679/II (144^а-бет), 903/IV (232^а-бет), 906/VII (255^а-бет).

*Мутрибо, бўлсанг суҳандин ложарам,
Ўқумоқни одат этгил дам-бадам.*

Шоир лирик асарларида Навоий, Огаҳий, Мунис каби мутафаккирлар ижодий ютуқларини бадиий синтез қилди. Мутриб авваламбор Навоийни ўзига устоз санайди. Бир қанча шеърларига назира ҳамда тазмин мухаммаслар боғлагани бунинг яққол исботидир⁵⁸.

Умуман, шоир асарлари манбалари устида олиб борилган тадқиқотлар Мутриб илмий биографияси ҳақидаги мавжуд маълумотларни бойитиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Шоирнинг қўлёзма ва тошбосма манбалар, матбуот нашрлари, антология ва хрестоматиялар орқали етиб келган бой адабий мероси унинг ҳаёт ва ижод йўлига доир асосий манбалардир. Уларни ўрганиш шоир шахсияти ва дунёқарашини, таҳаллус танлашига сабаб бўлган ҳаётий ва адабий-эстетик омилларни аниқлаш имконини беради.

1.2. Шоир девони қўлёзмаларининг илмий-монографик тавсифи

Қўлёзма манбаларнинг илмий-монографик тавсифи масаласи муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот олиб борилаётган объект юзасидан илмий-монографик тавсиф орқалигина тўлиқ маълумот бериш мумкин. Шунга кўра, Мутриб қўлёзма асарлари жамланган манбаларнинг ҳолати, кўчирилган йили, даври билан боғлиқ барча маълумотлар изчил тадқиқ этилди. Зеро, амалга оширилган монографик тавсиф кейинчалик шоир асарларининг илмий-танқидий матнини тузишда асос бўлади.

Мутрибнинг 2679/II, 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмалари ҳамда шеърлари кўчирилган манбаларни қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин:

- I. Шоир девони қўлёзмалари.
- II. Қўлёзма баёзлар.
- III. Қўлёзма тазкиралар.
- IV. Тошбосма манбалар.

⁵⁸**Қаранг:** Қобулов Н. Навоий ва Хоразм шоирлари. Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1984. №2. –Б. 21-24; Мадиримова С. Мутриб ижодида Навоий анъаналари. Алишер Навоий ва XXI аср. // Халқаро илмий-назарий анжуман. –Тошкент, 2019. 9 февраль. –Б. 440-441; Madirimova S. Navoiy g'azaliga bog'langan muxammas tadqiqi. // Alisher Navoiy va XXI asr mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. –Toshkent, 2020. 8-fevral. –B. 487-489.

V. Даврий нашрлар(газета, журнал тўплам)да эълон қилинган асарлари.

I. Шоир девони кўлёмалари тавсифи

2679/III рақамли “ديوان مطرب خانه خراب” - “Девони Мутриб Хонахароб”

– ЎзР ФА ШИ Ҳ.Сулаймон фондида сақланаётган ушбу кўлёмда Мутриб Хонахароб шеърлари жамланган. Кўлём икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Шиносий шеърлари кўчирилган.

Кўлём “Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим”дан бошланиб, биринчи ғазал “*Муҳаммад Ҳасан девони мутахаллиси би-л-Мутриб Хонахароб валади Ҳожи Табиб*” сарлавҳаси билан берилади. Ушбу сарлавҳадан кейин анъанавий тарзда кўйидаги матлаъли ҳамд-ғазал матни келган:

Зиҳи жонларга ҳамдингдин бўлуб файзу сафо пайдо,

Хаёлингдин кўнгулларга бўлуб ҳар муддао пайдо.

Кўлём ҳижрий 1326, милодий 1908 йили кўчирилган. Девон колофонидида котиб ва кўлём кўчирилган сана мана бундай кўрсатилган:

کاتب ملا عبد الکریم ابن محمد رحيم مرحومی ابن پهلوان نیازمرزاباشی مرحومی ۱۳۲۶ (котиб Мулла Абдулкарим ибн Муҳаммад Раҳим марҳуми ибн Паҳлавон Ниёз Мирзобоши марҳуми. Сана 1326). Девондан шоирнинг 706 та ғазали (шундан 250 таси форс, 456 таси туркий тилда), 16 та мухаммаси (шундан 5 таси форс, 11 таси туркий тилда), 5 та мусаддаси ва 2 та қасидаси ўрин олган. Жами: 729 та шеър киритилган.

Мутриб Навоийнинг “*Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб...*”(220^{a/b}), “*Улки, солгай шуъла аъзосига ўтлуғ оҳлар...*”(221^b-222^a) ҳамда “*Мувофиқ келдилар бўлмиш магар наврўз ила байрам...*”(224^{a/b}), Ферузнинг “*Кўзум бир пари орази падидор этдию кетди...*” (222^b-223^a), “*Гул юзунг очиб, эй гул, мажлисим гулистон қил...*” (223^{a/b}-224^a), “*Очилмиш гул, етурмиш бога зийнат, эй санам, келгил...*” (226^b-227^a), Равнақнинг “*Келгил, эй маҳлиқо, нодираи давроним...*”(224^b-225^{a/b}), Амирнинг “*Базм аро ҳар дам лабинг махмурига қондур аваз...*”(227^b-228^a), Навраснинг “*Фарёдки, фарёдими гўш этдира билмам*”(227^b), Муниснинг “*Хиромон қоматингким, гулшани умрим ниҳолидур...*” (230^b-231^{a/b}), – деб бошланувчи ғазалларига тахмис

боғлаган. Бундан ташқари Саъдий, Жомий, Табибий ҳамда Зебуннисо каби шоирларнинг форсий ғазалларига боғлаган тахмислари ҳам бор.

Қўлёзма матни чиройли настаълиқ хатида, қора сиёҳда кўчирилган бўлиб, ҳар бир жанр сарлавҳаси қизил сиёҳда аввал рақам, жанр номи, шоир исми ва таҳаллуси билан “*1 ғазали Мутриб Хонахароб*”, “*1 мухаммаси Мутриб Хонахароб*”, “*1 мусаддаси Мутриб Хонахароб*”, “*Қасидаи Мутриб Хонахароб*” тартибида берилади. Девон саҳифаларининг изчиллигини кўрсатиш мақсадида котиб томонидан пойгир берилган. Пойгир: “б” саҳифанинг биринчи сўзи “а” саҳифанинг пастки қисмида қия шаклда берилади. Қўлёзма саҳифалари мукамал бўлиб, матн яхши сақланган. Девон ҳошияларига битилган шеърлар эса, майда настаълиқда кўчирилган, аммо рақамланмаган.

Тўқ яшил ўйма нақшли картон муқованинг юқори ва паст қисмида унвон берилган. Унда “амали Муҳаммад Раҳим саҳҳоф – 1325” деган маълумот бор. Муқова ўртаси эса гулли нашқ билан безатилган. Қўлёзма таркибига кирган шеърлар фабрика қоғозига, қора ва қизил сиёҳларда чиройли настаълиқ хатида, икки устун шаклда, ҳар саҳифада ўртача 13-14 сатр шеър ёзилган. Қўлёзманинг 129, 130, 131, 132, 177- саҳифаларига муҳр босилган. Муҳр қуйидаги саҳифаларнинг юқори ички бурчагига урилган бўлиб, унда Россия гербидаги 2 бошли бургут нишони бор. 129, 130, 131, 177- саҳифаларига босилган муҳрда “Говарда”, 132^б саҳифасида эса, “Жевесро фабрика №5”, - деб ёзиб қўйилган. Котиб ҳар бир шеърни рақамлар асосида беришга ҳаракат қилган. Шунини айтиш керакки, девон саҳифаларида “пойгир” берилган бўлса-да, кейинчалик котиблар ёки тартиб берувчи саҳҳофлар томонидан ушбу девон саҳифалари орасига “пойгирсиз” муаллифнинг аввал ёзилган ижод намуналарининг саҳифалари тикиб борилган. Шунинг ҳисобига ғазалларнинг тартиб рақами бузилган. Аммо мухаммас ва мусаддасларининг тартиби сақланган. Қўлёзманинг 1^б, 91^{а/б}, 106^а, 116^а, 131^б, 144^б, 178^б, 179^а, 200^б, 208^а, 231^б, 232^б, 233^б - саҳифаларидаги баъзи сўзлар бўялган. Қўлёзманинг ўлчови 27,5x17,5. Девон 508 саҳифадан иборат.

1^б-саҳифадан 81^а-саҳифагача Шиносий шеърлари берилган, кейин 81^б саҳифа бўш қолдирилиб, орада 3 саҳифа кесиб олинган. 82^а-саҳифа ҳам бўш қолдирилган. 82^б дан 234^б гача, яъни 152 варақ, 304 саҳифага Мутриб Хонахаробнинг шеърлари кўчирилган.

903/IV рақамли қўлёзма. ЎзР ФА ШИ асосий фондида сақланаётган ушбу қўлёзмадан Девоний, Тотор, Хаёлий ва Мутриб шеърлари ўрин олган. Қўлёзма “Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим”дан бошланиб, биринчи ғазал “*Муҳаммад Ҳасан девони мутахаллиси би-л-Мутриб Хонахароб*” валади *Ҳожи Табиб*” сарлавҳаси билан берилади. Қўлёзма ҳижрий 1325, милодий 1907 йили Раҳимберган ўғли Мулла Каримберган девон томонидан кўчирилган. Девон колофони қуйидагича: *کاتب ملا کریم بیرگن دیوان ابن رحیم بیرگن* (Котиб Мулло Каримберган девон ибн Раҳимберган моҳи рамазону-л-муборақда ёзиб итмомизга еткурди, 1325).

Девондан шоирнинг 430 та ғазал (шундан 175 таси форсий тилдаги, 255 таси эса, туркий), 14 та мухаммас (шундан 3 таси форсий, 11 таси туркий), 2 та мусаддас ва 1 та қасидаси ўрин олган. Жами: 447 та шеър бор. Мутрибнинг 2679/II рақамли девонидаги Навоий, Феруз, Равнақ, Амирий ва Мунис ғазалларига тахмислари бу манбага ҳам киритилган.

Қўлёзма тўқ яшил ўйма нақшли қаттиқ қартон билан муқоваланган бўлиб, юқори ва паст қисмида муҳр босилган. Кейин “*Амали Муҳаммад Раҳим саҳҳоф – 1325*” деган маълумот келтирилган. Қўлёзма 273 варақдан иборат бўлиб, 203^б-273^а-саҳифаларидан Мутриб ижод намуналари ўрин олган. 231^а, 233^а, 235^а-саҳифаларидаги матн бўялган. Қўлёзма таркибига кирган шеърлар фабрика қоғозига, қора ва қизил сиёҳларда майда настаълиқ хатида икки устун шаклда (сарлавҳалари қизил сиёҳда) китобат қилинган. Манбанинг баъзи саҳифалари ҳошиясига ҳам шеърлар кўчирилган. Девон қўлёзмасининг бошида ва охирида 3 саҳифа бўш қолдирилган. Қўлёзманинг ўлчови 27,5x17,5.

906/VII рақамли қўлёзма. ЎзР ФА ШИ асосий фондида сақланаётган ушбу қўлёзмага Муродий, Фаррух, Доий, Ажзий, Хокий, Девон, Мутриб, Надимий, Ходим, Чокар каби 10 шоирнинг шеърлари киритилган.

Девон басмаладан бошланиб, *Муҳаммад Ҳасан девони мутахаллиси би-л-Мутриб Хонахароб валади Ҳожи Табиб* сарлавҳаси билан бошланади. Бу қўлёзмада “ҳамд” ғазал девоннинг хошиясига кўчирилган. 2679/II, 903/IV рақамли қўлёзма манбалардаги каби сарлавҳалар қизил сиёҳда битилган. Баъзи саҳифалар хошияларига майда настаълиқ хатида шеърлар кўчирилган.

Қўлёзма котиби: *Мулло Болтаниёз усто Қурбонниёз мулаққаби би-л-Харрот*. Колофонда кўчирилган йили кўрсатилмаган. *کاتیب ملا بالطه نیاز بن اوستا قوربان نیازملقى بخرات یازیب اتمامیغه یتکوردی* (*Котиб Мулло Болтаниёз усто Қурбонниёз мулаққаби ба Харрот ёзиб итмомиға еткурди*). Манбадан шоирнинг 225 та ғазали, (шундан 111 таси форсий, 113 таси эса, туркий), 6 та мухаммас (2 таси форсий, 4 таси туркий), 5 та туркий мусаддаси ва 1 та туркий қасидаси ўрин олган. Жами: 237 та шеър кўчирилган. Шу жумладан, Ферузнинг “*Очилмиш гул, етурмиш боға зийнат, эй санам, келгил*” деб бошланувчи ғазалига Мутриб мухаммаси ҳам киритилган.

Қўлёзма тўқ яшил ўйма нақшли қаттиқ картон билан муқоваланган. Шеърлар фабрика қоғозига, қора ва қизил сиёҳларда чиройли настаълиқ хатида, икки устун шаклда, ҳар саҳифада 16-17 сатр тарзида кўчирилган. Котиб ҳар бир шеърни рақамлар асосида берган. Ҳар бир шоир шеърларидан кейин 2-3 варақ бўш қолдирилган. Девоннинг 248^a-281^b-саҳифаларига Мутриб Хонахароб шеърлари кўчирилган. Қўлёзма яхши сақланган. 2679/II, 903/IV рақамли қўлёзма манбалар каби шеърлар. Хати насталиқда бўлиб, матн қора (саравҳалар қизил) сиёҳда кўчирилган. Ҳажми: 337 бет. Ўлчови: 27x17,5.

Шоир девонининг ЎзР ФА ШИ асосий фондидаги 903/IV, 906/VII рақамли қўлёзмаларни Ҳамид Сулаймон фондидаги 2679/II рақамли манба билан қиёсий ўрганиш натижалари улар ҳажман кичик бўлиб, шоир адабий меросини тўлиқ қамраб олмаганини кўрсатади. Шунга қарамай, бу қўлёзмалар шоир асарлари илмий-танқидий матнини яратишда муҳим манба саналади⁵⁹.

⁵⁹ Бу ҳақда қаранг: Мадиримова С. Мутриб Хонахароб асарлари қўлёзмаларининг илмий тавсифи. // Олтин битиг. –Тошкент, 2019. №3. – Б. 27-59.

II. Мутриб шеърлари кирган баёз ва мажмуалар тавсифи. Шоир шеърлари кўчирилган қўлёзма баёз ва мажмуаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1) *девондаги шеърлар киритилган баёзлар;*

2) *девонга кирган ва кирмаган шеърларни ўз ичига олган баёз ва мажмуалар;*

3) *девонда учрамайдиган шеърлар кирган баёзлар.*

ЎзР ФА ШИ асосий фондидаги 1126, 1128, 1130, 1131, 1133, 1143, 1157, 1172, 1175, 1176, 1177, 1179, 1182, 1185, 1186, 1190, 1191, 1195, 1196, 2036, 1275, 6930, 6939, 6975, 6976, 6990, 7023, 7032, 7039, 7045, 2026, 2028, 6668, 7122, 582⁶⁰ ҳамда Хива Ичон қалъа музейидаги 5894/II, 5894/III, 5894/IV 5894/V, 5884/V рақамли қўлёзма баёзлар биринчи турга мансуб.

Мутриб девонига *кирган ва кирмаган* шеърларни ўз ичига олган манбалар қуйидагилардир:

1152 рақамли қўлёзма⁶¹. “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” - “Басмала”дан бошланиб, кейин дебоча келади. Мажмуада Феруз, Султоний, Содик, Саъдий, Ғозий, Асад, Баёний, Оқил, Мирзо, Шиносий, Ғуломий, Нозир, Пуркомил, Камолий, Иноят, Умидий, Доий, Ожиз, Ҳақирий, Ниёзий, Ҳабибий, Чокар, Юсуф, Табибий, Хаёлий, Роғиб, Девоний, Мутриб Хонахароб, Аваз, Надимий, Ходим, Музниб, Чокар каби 33 нафар шоирнинг 3099 та ғазаллари кўчирилган. Ҳар бир шоир шеърларидан олдин унинг фазилатларини ёритувчи маснавий келтирилади. Мажмуада Мутриб шеърлари 28-ўринда келган.

Ушбу асар Феруз фармонига биноан ҳижрий 1326/1908 йилда Муҳаммад Яъқуб⁶² томонидан кўчирилган. Қўлёзма колофонида қуйидагилар қайд

⁶⁰Бу баёз ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзма ва нодир босма китоблар фондида сақланади.

⁶¹Ушбу мажмуанинг яна бир нусхаси манбаси Хива Ичон Қалъасидаги Муҳаммад Раҳимхон Феруз II мақбараси музейида КП6565 рақам остида сақланади. Мажмуа ҳижрий 1328/1910 йилда домла Муҳаммад Охунд котиб томонидан кўчирилган бўлиб, 690 саҳифани ташкил этади. Хати настаълик. Дебоча қисми ҳам бор. Қўлёзма матни тўлиқ берилган бўлиб, жуда яхши сақланган.

⁶² Харрот Феруз саройида котиб бўлган. У умри давомида қирқ тўрт шоирнинг ғазалларидан иборат баёз, рубоийг ҳамда Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девонини настаълик хатида кўчирган. **Қаранг:** Муродов А. Ўрта Осиё хатотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 116.

қилинган: “*Алҳамдулиллаҳ вал минна ҳазрати султон-ул замони ва нодир-ул даврони боис-ул аман вал омон зиллу ас-субҳона ҳалифата ар-раҳмон ал-ҳоқон ибн ал-ҳоқон ас-султон ва бин ас-султон аъни Абул Музаффар вал Мансури Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон соний халладаллоҳу таалий мулкуҳу ва давлатаҳу зайяда умруҳу ул жаноби олий ҳазратнинг фармони олийлари била бу мажмуаи шуарони фақир ал-ҳақир Муҳаммад Яъқуб девон мулаққабии би Харрот ибн усто Қурбонниёз Хоразмий бир минг уч юз йигирма олтиланжи йил, моҳи сафарнинг учланжи жума куни мувофиқ қуй йили ёзиб итмоми сарҳадиға еткурди*”.

Мажмуа Феруз фармониға биноан Табибий томонидан тузилган. Мажмуаға XIX аср охири XX аср бошларида фаолият юритган 33 нафар шоирнинг Феруз ғазалларига татаббуълари кирган⁶³. Ҳар бир шоир ғазалларидан олдин маснавийда уларнинг хусусиятлари васф этилган. Бундай тартибга 1134 рақамли қўлёзма мажмуада ҳам амалга оширилган. Яъни ғазаллардан олдин маснавий келтирилган (1134 инв. 1-432-б).

1152 рақамли қўлёзма мажмуаға Мутриб Хонахароб ҳақидаги маснавий-таърифлар ҳам киритилган. Бу эса шоир ҳақидаги тасаввурларни янада бойитади. Айрим маснавийларда Мутриб куйидагича тавсиф этилади:

*Ҳамулким, эрур назм элидин ҳисоб,
Келиб Мутриб исму Хонахароб.*

*Дегусидурур яхши гуфторлар,
Онинг фазлидиндур бу ашъорлар.*

Ёки:

*Ҳамулким, онго Мутриб эрур лақаб,
Онинг бирла қизғуси базми тараб.*

*Кент онго келди Хонахароб,
Бу не деди, нукта қилиб иҳтисоб.*

*Ҳамулким, сочар бу ила дурри хушоб,
Эрур Мутриб зору Хонахароб.*

⁶³ **Қаранг:** Ғаниҳўжаев Ф. Табибий тузган икки мажмуа ҳақида. Адабий мерос. –Тошкент, 1971. №2. –Б. 211-219; Маткаримова С. Табибий – тазкиранавис. Фил. фан. номз... дис. –Тошкент, 2007. –Б. 21-38.

*Бири назм элин Мутриби хушкалом -
Ки, Хонахароб ўлди ул зора ном.*

Табибий Мутрибнинг “Хонахароб” тахаллуси билан ижод қилгани, назмий асарлар ёзиш унга шиор бўлгани ва шу каби бошқа фазилятлар унда мужассам эканигини қайд қилади. Қуйидаги байтда эса Мутриб татаббуъ боғлашни “нисор айлайди, шу шеърлар билан у ўзининг иқтидорини кўрсатади” дейди.

*Татаббуъда жонини айлаб нисор,
Бу ашъор ила кўргузур иқтидор.*

Ушбу мажмуа ҳам шоирнинг 2679/II рақамли кўлёзма девони тузилган йили кўчирилган. Шоир кўлёзма девони колофонидида мажмуадаги каби тафсилотлар тўлиқ келтирилмаган. Фақат “*Котиб Мулла Абдулкарим ибн Муҳаммад Раҳим марҳуми ибн Паҳлавон Ниёз Мирзобоши марҳуми. Сана 1326*” келтирилган. Ушбу асар эса “...бир минг уч юз йигирма олтиланжи йил, моҳи сафарнинг учланжи жума куни мувофиқи кўй йилида...” ёзилгани ҳақида маълумот бор. Мажмуага шоирнинг юзта ғазали кўчирилган. Шундан тўрттаси 903, 906, 2679/II рақамли девон кўлёмаларида учрамайди. Бу ғазаллар поэтик жиҳатдан мукамал экани билан қимматлидир. Булар: Ферузнинг рамали мусаммани маҳзүф вазнида ёзилган “*Қатлинга қасд айламиш ул чаими хунхор, эй кўнгул*” (470^a), “*Ул санамга ўзга руҳбон⁶⁴ бор экандур билмадим*” (504^b), “*Ики маҳваш бу кеча базмим аро тутди мақом*” (513^b), ҳазажи мусаммани солим вазнидаги “*Очилмиш гул етурмиш бога зийнат, эй санам, келгил*” (487^a) мисралари билан бошланувчи ғазалларига Мутрибнинг “*Ваҳки, ҳажридин адо бўлмас ғамим бор, эй кўнгул*” (477^b), “*Ул сиймбар ўзгаларга ёр экандур билмадим*” (512^a), “*Тун манго ики маҳи тобон келиб берди салом*” (521^{a/b}), “*Очилмиш лолалар бог ичра, эй оромижон, келгил*” (494^b-495^a) мисралари билан бошланувчи татаббуълардир.

⁶⁴Роҳибни кўплиги. Христиан динидаги такводор, зоҳид, кашиш, монах. Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 531.

Ушбу манба 3 та ўйма нақш туширилган тўқ яшил рангли қаттиқ картон билан муқоваланган. Матн фабрика қоғозига настаълиқ хатида икки устун шаклида қора (сарлавҳалари қизил) сиёҳда кўчирилган. Ҳар саҳифага 17-21 сатр шеър ёзилган. Ўлчови: 27,5x17,5. Баёз 873 саҳифадан иборат. Манбанинг бошида ва охирида 1 тадан бўш варақ қолдирилган. Ушбу мажмуанинг муқоваси йиртилган, аммо қўлёзма яхши ҳолатда сақланган.

1184 рақамли баёз. Мутриб Хонахароб, Девоний, Роғиб, Ғозий, Чокар, Амир, Юсуф, Шиносий, Аваз, Содик, Девоний, Ходим, Иноят, Камолий, Надимий, Асад, Пуркомил, Нозир, Музниб, Хақирий, Хокий, Мирзо каби 22 шоирнинг шеърлари кўчирилган. Бу қўлёзма баёз ҳижрий 1328/1910 йилда Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхон фармонига биноан Мулла Муҳаммад Юсуф Чокар⁶⁵ томонидан кўчирилган. Қўлёзма колофонда куйидаги сўзлар ёзилган: *“Алҳамдулиллаҳ ва-л-минна ушбу баёзким, бо амри султону-з-замон ва нодири даврон боиси ал-армон ва-л-амон, аъни Абулмузаффар ва-л-мансур Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхон ул жанобни фармонлари бирла фақиру-л-ҳақир Мулла Муҳаммад Юсуф ал-мутахаллиси би-л-Чокар ибн Муҳаммад Юсуф девон мулаққабни ба Харрот ёзиб итмом сарҳадиға еткурди. Сана 1328”*.

Баёзга Мутрибнинг жами 23 та ғазали киритилган бўлиб, шундан 10 таси форс, 13 таси туркий тилда. Шоирнинг *“Жамолингдин фуруғ истаган парвона мандурман (85^{а/б}-86^{а/б})”*, *“Ҳазин кўнглум кўзингдин дам-бадам нози адо истар (86^б-87^а)”*, *“Фигонким бўлмишам ҳажрингда ношод (87^{а/б})”*, *“Санго дерман эшит, эй сарви қомат (88^б-89^а)”*, *“Ғаминг кўнглум уйин вайрон этибдур (114^{а/б})”*, *“Қуёшосо жамолинг шамъига парвонаман, келгил (121^{а/б})”*, *“Кўзум тушгач⁶⁶ санго, эй дилрабо, билмон нечук бўлдум (132^{а/б})”*, *“Гул юзинг шавқида тун-кун оҳи афгон айларам (134^б-135^а)”*, *“Дарди ишқингдин ажаб Мажнун киби бемор ўзум (135^{а/б})”* мисралари билан бошланувчи 9 та ғазали нафақат

⁶⁵Муҳаммад Юсуф Чокар Хоразмнинг шоир, мусикашунос ва хаттотларидан // Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 118.

⁶⁶“Кўзум қушгач санго, эй дилрабо, билмон нечук бўлдум...” мисраларидаги “қушгач” сўзи “тушгач” бўлиши керак эди, аммо котиб томонидан хатоликка йўл қўйилган.

2679/II рақамли девон қўлёзмаларига, балки мавжуд бошқа қўлёзма баёзлар таркибига ҳам киритилмаган. Бизнингча, бунинг сабаби шоирнинг 2679/II рақамли девони 1908 йилда, бошқа девонлари ҳам шу санадан аввал, баёз эса 1910 йилда тузилганидир⁶⁷.

Баёз ўйма нақшли тўқ яшил картон билан муқоваланган. Матн пушти рангли фабрика қоғозига, қора ва қизил сиёҳларда чиройли настаълик хатида, қия ҳолатда, икки устун шаклда кўчирилган. Ҳар бир саҳифада ўртача 12 сатрдан шеър ёзилган. Ўлчови: 18x11. Ҳажми: 308 бет. Қўлёзма бошида 2, охирида 4 саҳифа бўш варақ қолдирилган. Баёз яхши сақланган.

1192 рақамли баёз. Оқил, Баёний, Роғиб, Ғозий, Асад, Юсуф, Ниёзий, Камолий, Содик, Нозир, Мутриб Хонахароб, Хокий, Мирзо, Музниб, Пуркомил, Иноят, Аваз, Мирзо, Шиносий, Саъдий каби 20 нафар шоирнинг шеърлари киритилган. Баёз ҳижрий 1328/1910 йилда Феруз фармонида биноан Абдулазиз Маҳдум томонидан кўчирилган. Колофонда қуйидагилар ёзилган: *“Зиллу-с-Субҳон халифату-р-Раҳмон боиси ал-амони ва-л-омон, аъни Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон соний дома давлатаҳунинг фармони олийлари била ушбу баёзким, бир минг уч юз йигирма саккизланжи, 1328 сана, йили Бобожон Маҳдум девон тарро ал-мутахаллиси би-л-Ходим ибн Абдулазиз Маҳдум марҳуми ёзиб итмом сарҳадиға еткурди”*.

Баёзга Мутрибнинг икки ғазали киритилган бўлиб, биттаси форс (қўлёзма девонда мавжуд), иккинчиси *“Гул юзунгга нотавон кўнглум қушин зор айладинг (34^{а/б})”* мисраси билан бошланувчи 7 байтли ўзбекча ғазалдир. Ушбу туркий ғазал шоир девони қўлёзмаларига кирмаган. Баёз шоир девон қўлёзмалари тузилгандан икки-уч йил ўтиб кўчирилган.

Қўлёзма ўйма нақшли қаттиқ яшил картон билан муқоваланган. Матн оч яшил рангли фабрика қоғозига, қора ва қизил сиёҳларда чиройли настаълик хатида ёзилган. Шеърлар аввал қизил сиёҳда рамкага олиниб, кейин тилла рангли зар билан жадвал ичига икки қатор қия ҳолатда кўчирилган. Ҳар бир

⁶⁷ Бу ҳақда қаранг: Мадиримова С. Мутриб Хонахароб ғазаллари. Мерос. 2020. №1. –Б. 174-188.

саҳифада 12 сатр шеър ёзилган. Шеърлар рақамланган, сарлавҳаланган. Ўлчови: 20,5x13. Ҳажми: 254-бет. Бошида ва охирида 3 варақ бўш қолдирилган. Баёз яхши сақланган.

1134 рақамли қўлёзма. “Мажмуату мухаммасоти-ш-шуарои Ферузшоҳий” деб номланган ушбу қўлёзма аввалида қизил сиёҳда: *“Дебочаи маснавийёту мухаммасоти мажмуати-ш-шуарои Ферузшоҳий дома мулкаҳу ва давлатаҳу ва зайида умраҳу ва шавкатаҳу...”* сарлавҳаси қўйилган. Басмаладан кейин ҳамд, наът ва тўрт халифа васф этилган шеърлар берилган. Огаҳий таърифига бағишланган *мутақориби мусаммани маҳзүф* вазнидаги ўн бир байтдан иборат маснавий устоз шоирга эҳтиром намунаси дир:

*Шаҳи олий иқболу гардун сарир,
Жаҳон мулки ичра амири кабир.*

*Замири онинг келди кони сухан,
Демаки, бордур жаҳони сухан.*

*Сўзи дур, дил оинасин сайқали,
Кўнгул уқдаси мушукулнинг ҳалли.*

*Қачон бир сухан айласа ошкор,
Онго фазл эли жонин айлар нисор.*

*Ўзи чун балогатга маъдан эрур,
Сўзи ҳам фасоҳатга маъдан эрур...*

*Тахаллус онго бор эди Огаҳий,
Мақоми ва лекин фанонинг раҳи...*

*Будурур ул мухаммаски, олиб қалам,
Қўлимга они айлашиман рақам.*

Муаллиф ушбу маснавийда Огаҳийни “замири кони сухан” сифатида васф этиб, сўзи дил ойнасига сайқал берувчи дурга ташбеҳ этилади. “Ўзи балогатга, сўзи фасоҳатга маъдан” бу зот қачон *сухан ошкор айласа, фазл эли жон нисор қилишини* таъкидлайди.

Маснавийдан кейин Огаҳий ғазалларига боғлаган Феруз тахмислари кўчирилган. Бундан ташқари, мажмуада Султоний, Содик, Саъдий, Ғозий,

Асад, Баёний, Оқил, Мирзо, Нозир, Шиносий, Ғуломий, Пуркомил, Камолий, Иноят, Доий, Ожиз, Ҳақирий, Ниёзий, Хокий, Ҳабиб, Юсуф, Табибий, Роғиб, Девоний, Мутриб Хонахароб, Аваз, Надимий, Ходим, Чокар, Музниб, Умидий, Тотор каби 33 нафар шоирнинг аввал Огаҳий ғазалларига, кейин Феруз ғазалларига боғлаган мухаммаслари тартиб билан жойлаштирилган.

Мажмуа Феруз фармониға биноан ҳижрий 1327/1909 йилда Табибий томонидан тузилган. Табибийнинг қуйидаги маълумоти шу ҳақда:

*Биҳамдиллаҳким, лутф айлаб Худо,
Бу мажмуагаким, етди итмом онго.*

*Онинг асриким, кўп фараҳҳол эди,
Минг уч юз йигирма етти сол эди.*

*Рабиъ ул-аввал эрди фасли рабиъ,
Бу абётлар бўлди мундин жамиъ...(1134 инв. 214^{а/б}).*

Мисралар мазмунидан англашиладики, Табибий мажмуани ҳижрий 1327 (1909) йил, Баҳор фаслининг рабиъ ул-аввалида кўчирган.

Мажмуада Мутрибнинг Огаҳий ҳамда Феруз ғазалларига боғлаган мухаммаслари ҳам учрайди. Ҳар бир мухаммасдан олдин Табибий уларга атаб ёзилган икки ёки тўрт сатрдан иборат маснавийни келтиради. Барча 33 нафар шоир шеърларидан олдин уларнинг фазилатларини очиб берувчи маснавийлар битилгани ушбу мажмуанинг тазкира характериға эга эканини кўрсатади.

Мутриб ҳақидаги айрим маснавийлар:

*Бири Мутриб ул зору Хонахароб –
Ки, нагамотга қилғуси иртиқоб.*

Ёки:

*Қилиб Мутриби зору Хонахароб,
Бу олам аро майли чангу рубоб.*

*Бири назм элин Мутриби зор эрур –
Ки, созандайи чангу сетор эрур.*

*Онго гар хароб ўлмаса хонаси,
Бу ашъор бўлғуси афсонаси.*

Мутрибнинг “Хонахароб” таҳаллуси билан ижод қилгани ва созандалик қилиб, куй басталагани ҳақида сўз юритган Табибий яна бир ўринда назмий

асарлар ёзиш унга шиор бўлганини айтади. Зеҳни ўткир, ўзига ишончи баланд бўлганини таъкидлайди. Қуйидаги байтлар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Вале гоҳи фикри мусаддас қилиб,
Муни қилди зоҳир мухаммас қилиб.*

*Келиб Мутриб ул зору Хонахароб –
Ки, ҳушу хираддин эрур баҳраёб/.*

*Муни айламиш зоҳир ул бо хирад –
Ки, фазл аҳли ичра эрур муътамад.*

*Деди, Мутриби зору Хонахароб,
Бу шиорни жаҳд этиб беҳисоб/.*

*Чу Хонахароб ўлди Мутрибга от,
Кўра олмайин ёридин илтифот.*

*Шикоят тариқи била бир сухан,
Демакни ўз-ўзига қилғуси фан.*

Мажмуада Мутрибнинг Огаҳий ҳамда Феруз ғазалларига боғлаган 5 та мухаммаси берилган. Булар ЎЗР ФАШИДа сақланаётган шоир девони кўлёзмаларида учрамайди. Улар: Огаҳийнинг 2 та 9, 13 байтли “*Жонбахш лаълинг узра то хат қилди пайдо оразинг...*”, “*Ваҳ, не балодур билмади, эй дилрабо, қошу кўзунг...*” мисралари билан ҳамда Ферузнинг “*Манго раҳм айлаб, ул ширин забон, оҳиста-оҳиста*”, “*Дедим, кўзумни равшан эт, меҳри жамолинг кўрсатиб...*”, “*Ёқутдурму билмадим, ё лаъл, эй жонон, лабинг*” деб бошланувчи ғазалларига Мутриб тахмисларидир. Бундан ташқари, мажмуада Мутрибнинг девонига киритилган 7 байтли 2 та мусаддаси ҳам жой олган⁶⁸.

Манба учта нақшинкор безак туширилган каттиқ қора картон билан муқоваланган. Муқованинг юқори ва пастки қисмига “*Амали Муҳаммад Раҳим саҳҳоф 1325*” деган унвон туширилган. Матн фабрика қоғозига қора ва қизил сиёҳда, настаблиқ хатида, икки устун шаклида кўчирилган. Ҳар саҳифага 17

⁶⁸Бу ҳақда қаранг: Madirimova S. Text Edition Issue of Mutrib poems. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Impact Factor: SJIF = 7.13. MAY 2020. p. 1262-1274.

сатр матн жойлаштирилган. Ўлчови 27x17. Ҳажми: 432 бет. Бошида ва охирида 4 варақ бўш қолдирилган. Қўлёзма жуда яхши сақланган.

6927 рақамли баёз. Баёз “Басмала”дан бошланиб, унга Нозир, Ҳақирий, Оқил, Ниёзий, Роғиб, Гуломий, Мутриб Хонахароб, Юсуф, Асад, Баёний, Содик, Хокий, Ходим, Надимий, Чокар, Шиносий, Пуркомил, Мирзо, Ғозий, Девоний каби 20 нафар шоирнинг шеърлари киритилган.

Қўлёзма Феруз фармониға биноан ҳижрий 1326/1908 йили Муҳаммад Яъқуб девон томонидан кўчирилган. Колофонда қуйидагилар битилган: *“Зиллу-с-Субҳон, халифату-р-Раҳмон, боис ал-амони ва-л-омои Абулмузаффар ва-л-Мансур- Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхони соний, ул олий ҳазратнинг фармони олийлари била бу баёзни фақиру-л-ҳақир Муҳаммад Шариф бин Муҳаммад Яъқуб девон бир минг уч юз йигирма олтиланжи йил, моҳи рамазонни тўқузланжиси мувофиқ бизсан (маймун) йили ёзиб итмомға еткурди”*. Баёзға Мутриб Хонахаробнинг 10 та форс, 33 та ўзбекча ғазали киритилган. Жами: 43 та.

Баёзға кирган *“Дамодам кўзларинг қатлимға новаклар равон айлар”* (21^б-22^а) мисраси билан бошланувчи ғазал девон қўлёзмаларида учрамайди.

Баёз тўқ яшил картон билан муқоваланган. Таркибига кирган шеърлар пушти рангли юпқа шилдирик Қўқон қоғозига кўчирилган. Шеърлар қора ва қизил сиёҳларда настаълик хатида ёзилган бўлиб, икки қатор қия ҳолатда кўчирилган. Ўлчови: 17,5x11,5. Ҳажми: 308 бет. Боши ва охирида 2 варақ бўш қолдирилган. Баёз яхши сақланган.

6928 рақамли баёз. Баёз “Басмала”дан бошланиб, Пуркомил, Иноят, Мутриб Хонахароб, Аваз, Асад, Баёний, Музниб, Роғиб, Чокар каби 9 шоирнинг шеърлари киритилган. Қўлёзма Феруз фармониға биноан ҳижрий 1326/1908 йилда Муҳаммад Яъқуб томонидан кўчирилган. Колофонда қуйидагилар битилган: *“Алҳамдулиллаҳ, ва-л-мина ушбу баёзниким, бо амри султони аз-замони ва нодир-ул замони боиси ал-а-мони ва-л-амони олий хоқони ибн ал-хоқон аъни Абул Музаффари вал Мансури Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим Баходурхон ул жаноб фармонлари бирла фақир ал-ҳақир Мулло*

Муҳаммад Юсуф ибн Муҳаммад Яъқуб мулаққабӣ ба Харрот ёзиб итмомға еткурди. Сана: 1326.

Баёзга Мутрибнинг 3 та форс, 10 та туркий ғазали киритилган. Жами: 13 та шеър. Шу ғазаллардан “*Матоъи ҳуснунга парвона бўлдим*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли туркий ғазал шоир девони қўлёзмаларида учрамайди.

Қўлёзма ўйма нақшли қаттиқ тўқ яшил картонли билан муқоваланган. Матн пушти рангли юпқа шилдиروق қоғозга қора ва қизил сиёҳда настаълик хатида кўчирилган. Ўлчови: 18x11,5. Ҳажми: 328 саҳифа. Манбанинг бошида ва охирида 2 варақ бўш қолдирилган. Баёз яхши сақланган.

6932 рақамли баёз. Баёзга басмаладан кейин Музниб, Содик, Мутриб, Юсуф, Девоний, Хокий, Камолий, Шиносий, Роғиб, Асад, Ғозий, Мирзо, Оқил, Ниёзий, Чокар, Ходим, Надимий, Нозир, Аваз, Иноят каби 21 нафар шоир шеъри киритилган. Қўлёзма Феруз фармониға кўра ҳижрий 1328/1910 йили Муҳаммад Яъқуб девон томонидан кўчирилган. Колофонда куйидагилар ёзилган: “*Алҳамдулиллаҳ, вал-минна ушбу баёзниким, бо амри султони ал-замони ва нодир-ул даврон боис ал-а-мони ва ал-о-мони ал-хоқони ибн ал-хоқон аъни Абул Музаффарӣ вал Мансури Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим Баходурхон доми давлатаҳу ул жанобни фармони олийлари бирла фақир ал-ҳақир Мулло Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Яъқуб девони мулаққабӣ ба Харрот ёзиб итмомға еткурди. Сана: 1328*”. Баёзда шоирнинг жами 41 та ғазали бўлиб, шундан 21 таси форс, қолган 20 таси туркий тилда.

Қўлёзмадаги 15 та: “*Рухи хушиди тобонам кужо рафт...*”(10^{а/б}), “*Қуёшосо жамолинг, эй пари, ҳайрон бир манму...*”(128^б-129^а), “*Мани жоно висолинг шаҳдидин масрури хандондин қил...*”(129^{а/б}), “*Ғамингдин, эй санам, қадим дутодур...*”(137^б-138^а), “*Мудомо сандин, эй жон, илтимосим...*” (142^б-143^а), “*Манго рухсори тобонинг етошмос (етушмас)...*” (143^б-144^а), “*Фигонким, оразинг мандин ниҳондур...*”(144^{а/б}), “*Бу тун кулбамға жононим келибдур...*”(144^б-145^а), “*Бу кеча базмимға келган лаъли хандонмудур...*”(146^б-147^а), “*Фироқ ичра манинг ҳолим табодур...*”(147^б-148^а), “*Мани, ё раб, бу кеча лутф ила жонона етур...*”(150^{а/б}), “*Ниҳон этма жамолинг, эй*

паризод...”(150^б-151^а), “*Мани ишқ ичра ҳайрон қилмадингму...*”(151^{а/б}), “*Наргиси беморинга жоно, ҳазин жоним фидо...*”(151^б-152^а), “*Биҳамдиллах, висоли ёрдин комим раво топдим...*”(152^б-153^а) мисралари билан бошланувчи ғазаллар⁶⁹ шоир девонига кирмаган.

Баёз ўйма нақшли қаттиқ тўқ яшил картон билан муқоваланган. Матн кўк рангли юпка, шилдиروق фабрика қоғозига қора ва қизил сиёҳларда настаълиқ хатида кўчирилган. Ўлчови: 18x11,5. Ҳажми: 306 бет. Манбанинг бошида 2, охирида 3 варақ бўш қолдирилган. Ушбу баёз ҳам яхши сақланган.

6951 рақамли баёз. Нозир, Мутриб, Пуркомил, Аваз, Асад, Юсуф, Чокар, Содик, Иноят, Камолий, Девоний, Роғиб, Хокий, Ғозий, Музниб, Ходим, Надимий, Баёний, Мирзо, Ниёзий, Оқил каби 21 шоирнинг шеъри кўчирилган. Қўлёзма Феруз фармонига биноан ҳижрий 1328/1910 йили Муҳаммад Комил Девоний⁷⁰ томонидан кўчирилган. Колофон қуйидагича: “*Зилли ас-субҳона холийфата(ху) ар-раҳмони аъни Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодурхон домии давлатаху ва шавкатахунинг фармони олийлари бирла соний ушбу баёзни фақир ал-ҳақир Муҳаммад Комил девон мулаққаби ба Девоний ибн домло Исмоил девон Хоразмий ёзиб, сафар ойинда итмомга еткурди. Сана 1328 ланжи йилда*”.

Баёзга шоирнинг жами 35 та ғазали киритилган (шулардан 15 таси форс, қолган 20 таси туркий). Ғазаллардан 4 таси шоир девони қўлёзмасида ҳам бор. Шеърларнинг 16 таси шоир девон қўлёзмаларида учрамайди.

Мутрибнинг “*Юзунга мурғи кўнглум зор ўлубдур...*”(61^б-62^а), “*Шамъи ҳуснунга нигоро, рўзи шаб парвонаман*”(73^{а/б}), “*Мажнун ишқи аро девонадурман*”(87^б-88^а), “*Дамбадам чеккан гамингдин оху афгоним недур...*”(90^{а/б}), “*Фалакка чирмашур фарёду афгоним фироқингдин*”(90^б-91^а),

⁶⁹Madirimova S. Gazelles of Mutrib Khonaharob copied into Bayes manuscript. Conference of Management of Islamic Education Leadership in The Era of Revolution 4.0. Indoneziya. 04.04.2020. p. 1/4.

⁷⁰ Муҳаммад Комил Девоний Хоразмлик шоир ва хаттотларидан бўлиб, Исмоил Девоннинг ўғлидир. Девоний хаттотликдан ташқари музаҳҳиб(зарҳал билан нашқ ишловчи) – олтин ва нуқралар билан китобларга лавҳа ишловчи, муҳрканлик ва заргарлик ишларини билар эди. **Қаранг:** Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 119.

“Гул юзингга булбулосо рўзи шаб, зор ўлмишам”(91^б-92^а), *“Дамодам фош этиб меҳру вафо, эй меҳрибоним, кел”*(93^б-94^а), *“Дарди ишқингдин кўзимни мардумин қон айладим”*(94^б, 95^а), *“Мани ҳар нозанин рухсори тобонига раво(зор) этди”*(95^{а/б}), *“Биҳамдилиллаҳ, бу тун сарви хиромонимни кўрдумман...”*(95^б-96^а), *“Не деб ёнимдин, эй жонон, кетарсан”*(113^б-114^а), *“Кўзим тушгач жамолига мани ким зор этиб кетди”*(114^б- 115^а), *“Эй санам, рафъи ниқоб улки, жамолинг кўрайин”*(132^{а/б}), *“Юзинг гулзорин истаб оҳи афгонман саҳарларда”*(133^{а/б}), *“Хаста жонимга лабингдин хайру эҳсон айлагил”*(148^{а/б}), *“Мани мажнунлигим хуришиди рухсоримга ойтинглар”* (148^б-189^а) мисралари билан бошланувчи 16 та ғазали шулар жумласидандир.

Баёз ўйма нақшли қаттиқ тўқ яшил картон билан муқоваланган. Матн фабрика қоғозига кўчирилган. Баёзнинг баъзи саҳифаларига “Ржевской фабрики №6” деган муҳр босилган. Шеърлар қора ва қизил сиёҳларда настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, улар икки қатор қия ҳолатда кўчирилган. Саҳифаларда ўртача 12 сатр шеър ёзилган. Ўлчови 17,5х11. Ҳажми: 300 бет. Боши ва охирида 3 варақ бўш қолдирилган. Баёз яхши сақланган.

6952 рақамли қўлёзма баёз. Ушбу баёздан Мутриб шеърлари қаторида, 10 нафар шоирнинг шеърлари ўрин олган. Булар: Содик, Назар, Ғозий, Асл, Мирзо, Камолий, Иноят, Девоний, Аваз, Роғиб. Кўчирилган йили ва котиби номаълум. Баёзга Мутрибнинг 8 ғазали киритилган. Шулардан 1 таси форс, қолган 7 таси туркий тилда. Шоирнинг *“Жон қасдин айлаб, эй пари, ҳар лаҳза фаттон кўзларинг...”*(73^б-74^а) мисраси билан бошланувчи 7 байтли битта туркий ғазали девон қўлёзмаларида учрамайди.

Манба ўйма нақшли тўқ яшил картон билан муқоваланган. Матн қалин сарғиш шилдироқ фабрика қоғозига, қора ва қизил сиёҳларда чиройли настаълиқ хатида, икки устунда қия шаклда кўчирилган. Баёзга шоирларнинг шеърлари кетма-кет тартибда эмас, аралаш ҳолда кўчирилган. Аммо барча шеърлар алифбо тартибида келади. Шеърлар рақамланган ва сарлавҳаланган. Ўлчами 18х11. Ҳажми: 276 бет. Қўлёзманинг бошида 1 варақ, охирида эса 12 варақ бўш қолдирилган. Ушбу баёз жуда яхши сақланган.

6969 рақамли баёз. Басмаладан кейин Надимий, Ходим, Чокар, Девоний, Оқил, Камолий, Юсуф, Ниёзий, Содик, Саъдий, Мутриб Хонахароб, Роғиб, Шиносий, Нозир, Ғозий, Аваз каби 16 шоир шеърлари киритилган. Қўлёзма Феруз фармониға биноан хижрий 1326/1908 йилда Муҳаммад Яъқуб девон томонидан кўчирилган. Колофонда куйидагилар ёзилган: *“Алҳамдулиллаҳ, ва-л-минна ушбу баёзким, бо амри султону-з-замон ва нодири даврон боиси ал-амони ва-л-омон. Ас-султон ибну-с-султон, ал-хоқон ибну-л-хоқон, аъни Абулмузаффар ва-л-мансури Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхон, ул жанобни фармони олийлари бирла бир минг уч юз йигирма олтиланжи йили эрдиким, фақиру-л-хақир Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Яъқуб девон, мулаққаби ба Харрот ёзиб итмом сарҳадиға еткурди. 1326 йил”*. Баёздан Мутрибнинг 6 та туркий ғазали жой олган. Шундан *“Гардун уза хуришидидин раъно жамолинг яхшидур...”*(75^{а/б}) мисраси билан бошланувчи ғазали шоир девони қўлёзмаларида учрамайди.

Баёз ўйма нақшли қаттиқ тўқ яшил картон билан муқоваланган. Матн юпқа шилдироқ фабрика қоғозига қора ва қизил сиёҳларда настаълиқ хатида кўчирилган. Ўлчови: 18x11. Ҳажми: 332 бет. Манбанинг бошида 3, охирида 2 варақ бўш қолдирилган. Ушбу баёз ҳам яхши сақланган.

2024 рақамли баёз. Девоний, Роғиб, Музниб, Ғуломий, Баёний, Содик, Мутриб Хонахароб, Баёний, Хокий, Камолий, Саъдий, Юсуф, Аваз, Ходим, Надимий, Иноят, Пуркомил, Табибий, Нозир, Шиносий, Оқил, Асад каби 22 нафар шоирнинг ғазаллари киритилган. Қўлёзма Феруз фармониға биноан хижрий 1327/1909 йилда Муҳаммад Комил девон томонидан кўчирилган. Баёз колофонида куйидагилар қайд қилинган: *“Зиллу-с-Субҳон, халифату-р-Раҳмон, боис амну омон, аъни Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхон дома давлатаҳунинг фармони олийлари била ушбу баёзни фақиру-л-хақир мулло Муҳаммад Комил девон, мулаққаби би-Девоний ибн домумло Исмоил девони Хоразмий мувофиқи бижан (маймун) йили моҳи муҳаррамнинг аввалида итмомға еткурди, 1327 сана)”. Баёзга Мутрибнинг 23 та ғазали кирган бўлиб, улардан 3 таси форс, қолган 20 таси туркий тилдадир. Ушбу баёзда шоир*

девони кўлёмаларида учрамайдиган “*Кел, устадим, эй дилситон, очиб жамол, очиб жамол...*” (67^б-68^а), “*Тинмай кўзимда қон, эй ороми дил, ороми дил...*” (69^{а/б}) мисралари билан бошланувчи 2 та туркий ғазали ҳам бор.

Манба 3 та ўйма нақшли тўқ яшил рангли картон билан муқоваланган. Матн заъфарон рангли фабрика қоғозига настаълиқ хатида, икки қатор қия ҳолатда кўчирилган. Ўлчови: 18x11,5. Ҳажми: 312 бет. Манбанинг бошида 2 ва охирида 3 саҳифа бўш қолдирилган. Ушбу баёз ҳам яхши сақланган.

6816 рақамли баёз. Мутриб Хонахароб шеърлари қаторида Чокар, Ходим, Надимий, Девоний, Табибий, Роғиб, Гуломий, Музниб, Аваз, Мирзо, Дойй, Иноят, Саъдий каби ижодкорлар ғазаллари киритилган. Колофонда кўчирилган йили ҳамда котиби ҳақида маълумот йўқ. Хати ва кўчирилган қоғоз туридан англашиладики, XX аср бошларида кўчирилган. Буни кўлёмза асарнинг муқовасида ромбик шаклида туширилган безак ичидаги “Амали Муҳаммад Саҳҳоф-1325” деган битикдаги санадан ҳам билиш мумкин.

Баёзга шоирнинг 75 та туркий ғазали кўчирилган. Шундан 72 таси 2679/II рақамли кўлёмза девонда мавжуд. Баёзга кўчирилган шоир шеърларининг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг фақат *такрорга асосланган ёйиқ радифли ғазаллари* шу кўлёмза манбада учрайди. Қолган учта туркий ғазал шоир девони кўлёмаларида учрамайди. Булар: “*Жоно юзунг гулзорини шайдосиман, шайдосиман...*” (9^б), “*Тинмай кўзимда қон, эй ороми дил, ороми дил...*” (9^б), “*Кел, устадим, эй дилситон, очиб жамол, очиб жамол*” (230^а) мисралари билан бошланувчи 7 байтли ғазаллардир.

Манба 3 та ўйма нақшли тўқ яшил рангли қаттиқ картон билан муқоваланган. Юқори ва пастки қисмидаги лола шаклидаги нақш ичига “Амали Муҳаммад саҳҳоф - 1325” деб ёзилган. Матн фабрика қоғозига настаълиқ хатида, уч қатор қия ҳолатда кўчирилган. Ўлчови: 36,5x22. Ҳажми: 233 бет. Боши ва охирида 4 саҳифа бўш қолдирилган. Баёз яхши сақланган.

Юқорида тавсифи келтирилган баёз, мухаммасотларга шоир асарларининг девон кўлёмаларида учрайдиган ҳамда учрамайдиган шеърлари ҳақида маълумот берилди. Баёзлардаги шоир девонига кўчирилган

ғазалларнинг сони келтирилди, холос. Унинг қиёсий-матний хусусиятлари ҳақида тадқиқотнинг кейинги бобларида тўхталинади.

Девонда учрамайдиган шеърлар кирган баёзлар. 1127, 1129, 6971, 2025 рақамли қўлёзма баёзларда Мутрибнинг девон қўлёзмаларига киритилмаган лирик асарлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади:

1127 рақамли баёзи мухаммасот. Султоний, Феруз шоҳи, Содик, Саъдий, Ғозий, Асад, Баёний, Оқил, Нозир, Шиносий, Ғуломий, Пуркомил, Камолий, Амир, Иноят, Ожиз, Ниёзий, Ҳабиб, Хокий, Юсуф, Роғиб, Девоний, Мутриб Хонахароб, Аваз, Надим, Ходим, Чокар, Музниб, Соқий, Умид, Мирзо, Ниёзий, Табибий, Ҳақирий каби 34 нафар шоирнинг мухаммаслари киритилган. Қўлёзма Феруз фармонига кўра хижрий 1326/1908 йили Муҳаммад Яъқуб томонидан кўчирилган. Колофони куйидагича яқунланади: *“Алҳамдулиллаҳи ва-л-минна олий ҳазрат рафи манзилат султону-з-замон, боиси ал-амну ва-л-амон, аъни Абулмузаффар ва-л-Мансур Абулғозий Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхон соний халладаллоҳу таоло мулкаҳу ва давлатаҳу зайида умраҳу, ул олий ҳазратнинг фармони вожиблари бўлиб, бу баёзи мухаммасотни фақир-л-ҳақир Муҳаммад Яъқуб девон мулаққаб би Харрот, санаи 1326 ланжи йил мувофиқи бижан йили моҳи сафарони 22ланжи Чаҳоршанба кун иътибори итмомга еткурди”*.

Баёзга Мутрибнинг Феруз ғазаларига боғлаган 7 байтли *“Дедим: кўзумни равшан эт, меҳру жамолнинг кўрсотиб...”* (23^б-24^а), 11 байтли *“Манго раҳм айлаб, ул ширин забон оҳиста-оҳиста...”* (56^б, 57^{а/б}, 58^а), 9 байтли *“Ёқутдурму билмадим, ё лаъл, ё жонон лабинг...”* (111^б, 112^{а/б}), Огаҳийнинг 13 байтли ғазалига *“Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг...”* (90^{а/б}, 91^а) мисралари билан бошланувчи тахмислари жой олган.

Мазкур мухаммаслар барчаси шоир девон қўлёзмаларига киритилмаган.

Баёз ўйма нақшли оч яшил қаттиқ картон билан муқоваланган. Матн сарғиш юпка фабрика қоғозига, қора ва қизил сиёҳларда чиройли настаълик хатида кўчирилган. Ҳар бир саҳифадаги шеърлар сарғиш ялтироқ ранглар билан жадвалга олинган бўлиб, улар қизил ва тилла ялтироқ ранглар билан

безатилган. Жадвал ичидаги шеърлар қия, уч устун шаклда, ҳар бир саҳифада 20 сатрдан мухаммаслар матни келтирилган. Ўлчови 26,5x15,5. Баёз 308 бетдан иборат. Бошида ва охирида 3 варақ бўш қолдирилган.

1129 рақамли баёзи мухаммасот. Роғиб, Оқил, Ғолиб, Ниёзий, Доий, Баёний, Табибий, Ҳабиб, Шиносий, Аваз, Асад, Мутриб Хонахароб, Чокар, Ожиз, Нодир, Нодим, Надимий, Нажот, Юсуф, Девоний каби 20 шоирнинг мухаммаслари бор. Бу қўлёзма Феруз фармониға кўра ҳижрий 1327, милодий 1909 йилда Муҳаммад Яъқуб девон Харрот томонидан кўчирилган. Колофонда қуйидагилар ёзилган: *“Лиллаҳи-л-ҳамд ва-л-миннаҳ олий ҳазрат рафъиманзилат зиллу-с-Субҳон, халифату-р-Раҳмон боиси ал-амну ва-л-омон Абулмузаффар ва-л-Мансур Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхон соний, халладаллоҳу таъоло мулкаҳу ва давлатаҳу ва зайъада умраҳу, ул олий ҳазратнинг фармони олийлари бирлан бу мухаммасот баёзни бир минг уч юз йигирма еттиланжи йил, моҳи жумод-ул аввалини аввали Чаҳоршанба куни бу фақир ал-ҳақир Муҳаммад Яъқуб девон ибн усто Қурбонниёз Хоразмий мулаққаби ба Харрот ёзиб итмом сарҳадиға еткурди”*. Баёзға Алишер Навоийнинг “Фавойиду-л-кибар” девонидаги *“Гул керакмасдур манга мажлисда саҳбо бўлмаса...”* - деб бошланувчи ғазалиға Мутриб тахмиси киритилган⁷¹. Жами 7 та мухаммас кирган бўлиб, шундан 6 таси форс, қолган 1 таси туркий тилда. Шу билан бирға Мутриб ғазалларига Табибий ва Аваз Мутрибнинг *“Не сабаб бўлди бу тун базмимға ёрим келмади...”* (125^б-126^а- мухаммаслари ҳам киритилган.

Баёз ўйма нақшли қаттиқ қора картон билан муқоваланган. Матн Ғарб (фабрика) қоғозига қора ва қизил сиёҳда настаълиқ хатида кўчирилган. Қоғози ҳаво рангда бўлиб, баёзнинг биринчи саҳифасида кўк, яшил, пушти ранглар билан безатилган нақшинкор унвон берилган. Шеърлар қизил ва кўк рангли сиёҳ билан рамкаға олиниб, ялтироқ сариқ рангли зар билан жадвал ичига ёзилган. Ҳар бир саҳифада 20 сатр шеър ёзилган. Шеърлар рақамланган,

⁷¹Madirimova S. Navoiy g'azaliga bog'langan muxammas tadqiqi. Alisher Navoiy va XXI asr mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. –Toshkent: “MASHHUR-PRESS”, 8-fevral. 2020. –B. 487-489.

сарлавҳаланган. Ўлчови 27x16,5. Баёз 400 бетдан иборат. Манбанинг бошида ва охирида 4 варақ бўш қолдирилган. Ушбу баёз ҳам яхши сақланган.

6971 рақамли баёз. Басмаладан кейин Аваз, Пуркомил, Шиносий, Надимий, Роғиб, Юсуф, Нозир, Ҳакирий, Ходим, Хокий, Мутриб, Камолий, Асад, Музниб, Иноят, Содик, Девоний, Баёний, Ниёзий, Ғозий, Мирзо, Чокар каби 22 шоир шеърлари кўчирилган. Қўлёзма баёз Феруз фармонига биноан хижрий 1328/1910 йилда Болтаниёз Надимий⁷² томонидан кўчирилган. Қўлёзма баёзнинг колофонида қуйидагиларни учратамиз: *“Алҳамдулиллаҳ, вал-минна ушбу баёзким, бо амри султону-з-замон ва нодиру-л-даврон, аъни Абулмузаффар ва-л-Мансур Абулғози Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхон доми давлатаҳу ва шавкатаҳунинг фармони олийлари била бир минг уч юз йигирма саккизланжи йили моҳи сафарнинг ўн олтиланжиси, жума куни эрдиким, Мулло Болтаниёз ал-мутахалласи бо Надимий валади усто Қурбонниёз ёзиб итмоми сарҳадиға еткурди. 1328 сана”*.

Баёзга Мутрибнинг *“Ҳажр ўқин ўлтургали жонимга тайёр айлама...”* (70^{a/b}), *“Фигонким, бу кеча оромижоним қайдадур, билмон...”* (71^b-72^a), *“Бир нафас лутфинг майидин шоду хандон бўлмадим...”* (72^b-73^a), *“Мудомо мурғ кўнглум кўйи ишқингда гадо бўлсун...”* (74^{a/b}), *“Нигоро, ҳасрати ҳажринг ҳазин кўнглумни қон этмиш...”* (74^b75^a), *“Жамолингга манингдек, зор борму...”* (75^{a/b}), *“Мани токай руҳи олингга зор этмак недур мунча...”* (77^b-78^a), *“Шукрим, бу кеча ул ёри қадрдон келужок⁷³...”* (94^{a/b}), *“Жонимда бор офати ҳижрона не дерсан...”* (100^b-101^a) мисралари билан бошланувчи 7 байтли 9 та туркий ғазали девон қўлёзмаларида учрамайди. Баёзга жами 21 та ғазал киритилган бўлиб, шундан 12 таси форс тилида.

Баёз қаттиқ тўқ яшил муқова билан қопланган. Муқовада ўйма нақш бор. Таркибига кирган шеърлар пушти рангли фабрика қоғозига кўчирилган.

⁷²Надимий ёшлигида акаси Муҳаммад Яқуб Харрот Девондан хатнинг қоида ва усулларини ўрганди. Турли адабий-тарихий китоблар ва девонларни гўзал настаълиқ хати билан кўчирди. Болтаниёз Надимий тахаллуси билан турли услубда шеърлар ҳам ёзди. Ўзининг ашъорини тўплаб, девон тузган. **Қаранг:** Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент, Фан. 1971. –Б. 120.

⁷³ Келажак.

Шеърлар қора ва қизил сиёҳда настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, икки қатор қия ҳолатда кўчирилган. Ҳар саҳифада 12 сатр шеър бор. Баёзга кўчирилган ғазаллар қизил сиёҳда рақамланган, сарлавҳаланган. Ўлчови 18x11,5. Баёз 276 бетдан иборат. Манбанинг бошида ва охирида 3 варақ бўш қолдирилган. Ушбу баёз ҳам яхши сақланган.

2025 рақамли баёз. Мутриб, Роғиб, Юсуф, Камолий, Асад, Иноят, Музниб, Содик, Пуркомил, Хокий, Ғозий, Нозир, Баёний, Девоний, Ходим, Оқил, Мирзо, Аваз каби шоирларнинг ғазаллари киритилган. Қўлёзма Феруз фармонига биноан ҳижрий 1328/1910 йилда Муҳаммад Шариф Харрот томонидан кўчирилган. Колофонда қуйидагилар битилган: *“Зиллу-с-Субҳон, халифату-р-Раҳмон, аъни Саййид Муҳаммад Раҳим баҳодирхон доми давлатаҳу ва шавкатаҳунинг фармони олийлари бирла ушбу баёзни Муҳаммад Шариф валади Муҳаммад Яъқуб девон мулаққаби ба Харрот мувофиқ, товуқ йили ёзиб итмомига еткурди. Фий шаҳри сафарий, фий 1328 сана”*.

Ушбу баёзга Мутрибнинг 14 та ғазали киритилган бўлиб, шундан, 9 таси форс тилида. Қолган *“Истарам жоно лаби шакарфишонинг лаззатин...”*(3^{а/б}), *“Ишқ аро билмон бу не, озори ҳижрондур манго...”*(14^б-15^а), *“Эрурман кеча-кундуз гул киби рухсоринга муштоқ...”*(96^{а/б}), *“Кўнглум ичра, эй суманбар, доғи ҳижронимни кўр...”*(107^б-108^а), *“Мани шод этгали бу кеча ул сарви равон келди...”*(111^б-112^а) мисралари билан бошланувчи 5 та 7 байтли туркий ғазал шоир девон қўлёзмаларида учрамайди⁷⁴.

Ушбу манба тўқ яшил рангли қаттиқ қартон билан муқоваланган. Муқовага 3 та ўйма нақш туширилган. Таркибига кирган шеърлар сарик рангли юпқа шилдироқ фабрика қоғозига кўчирилган. Баёзга киритилган шеърлар настаълиқ хатида, икки қатор қия ҳолатда кўчирилган. Ҳар бир саҳифада 12 сатр шеър ёзилган. Ўлчови 18x12. Баёз 304 бетдан иборат.

⁷⁴Madirimova S. Мутриб Хонахаробнинг баёзга кўчирилган ғазаллари ҳақида. Тафаккур зиёси. №3. –Б 156-159. 2020.

Манбанинг бошида 4 та ва охирида 3 саҳифа бўш қолдирилган. Ушбу баёз яхши сақланган.

III. ТАЗКИРАЛАР:

1. 12561 рақамли тазкира. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида сақланаётган ушбу тазкира ҳижрий 1365/1945 йили, Сешанбада Ҳасанмурод Қори Муҳаммад Амин ўғли томонидан кўчирилган бўлиб, унда ўша даврнинг 51 нафар шоир ва адабиётшуноси ҳақида маълумот берилган.

Лаффасийнинг “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари”, деб номланувчи ушбу тазкираси 2 қисмдан иборат. Булар:

1. Хива тазкирайи шуаро;
2. Хива уламои тазкирайи шуаро.

Мутриб ҳақидаги маълумотлар тазкиранинг “Хива уламои тазкирайи шуаро” қисмида келтирилган.

Ушбу тазкирада Лаффасий томонидан Мутриб Хонахаробга аталган 3 та маснавий берилади. Шундан кейин у ҳақида маълумотлар келтирилади ҳамда шоирнинг *“Зиҳи жонларга ҳамдингдин бўлиб файзу сафо пайдо...”*(140^а), *“Жоно не, деб юзингни мандин ниҳон этарсан...”*(140^{а/б}) мисралари билан бошланувчи ғазаллари (девонга киритилган) учрайди. Фақат *“Кўринг эмди халойиқга адолат ошкор ўлди...”*(141^б) мисраси билан бошланувчи 9 байтли 1 та туркий ғазал шоир девон кўлёмаларида учрамайди.

Колофони куйидагича: *“Рақам фақир ал-ҳақир ғариби беназир хокисор Мулло Ҳасанмурод Қори мулаққаб Лаффасий бин Муҳаммад Амин Хивақий 1365/1945 инжи йил, 4 июл, Душанба жумод ус-сонийнинг 24 инжисиди”*.

Ушбу тазкира охирида куйидагилар илова шаклида келтирилган: *“Германия билан Совет Ҳукуматининг муҳораба бошлогон тарихи 22 июн. 1941.*

Германия ҳукуматининг Совет ҳукуматига таслим бўлган тарихи, бўлдилар таслим. Ушбу йил ёзишим. Германия 1945 йил, 9 май, Чоршанба кун.

Тошкент Октябрь райони кўк сув кўча, Юнусов Махдум Али. Навоий кўча марҳамат гузари 3-тор кўча, уй номери 44. “Ғуломий” деган маълумотлар келтирилган.

Мутриб ҳақидаги маълумотлар мундарижада қирқ олтинчи тартиб рақамида жойлаштирилган бўлиб, 137^а-бетдан 141^б-бетларгача камраб олган.

Ушбу манба оддий қартон билан муқоваланган. Ҳар бир саҳифага 14-16 сатр шеър ёзилган. Маълумотлар сиёхранг билан рамкага олинган, шеърлар эса, жадвал ичига, оддий қоғозга кўчирилган. Қўлёзма ўлчами 21,5x15. Баёз 218 бетдан иборат. Манбанинг бошида 1, охирида 3 саҳифа бўш қолдирилган. Ушбу тазкиранинг варақлари яхши сақланмаган, варақлари узук-юлуқ.

VI. ТОШБОСМА МАНБАЛАР:

ЎзР ФА ШИда №27, 28, 29, 5854/3⁷⁵, 11238, 8734, 14420 рақамларда сақланаётган тошбосма манбалар битта нусхадан олинган бўлиб, кўчирилган йили ҳам бир хил. Мутрибнинг девонга киритилган ғазалларидан 100 таси ушбу тошбосмаларда учрайди.

Таъкидланганидек, тошбосма манбалар тузилиши бир хил бўлгани сабабли қуйида улардан биттаси ҳақида батафсил маълумот келтирамыз:

1. **14420 рақамли тошбосма.** “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” – ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фондида сақланади. Асар “Басмала”дан бошланиб, кейин дебоча берилади. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган Феруз, Султоний, Содик, Саъдий, Ғозий, Асад, Баёний, Оқил, Мирзо, Шиносий, Ғуломий, Нозир, Пуркомил, Камолий, Иноят, Умидий, Дойи, Ожиз, Ҳақирий, Ниёзий, Ҳабибий, Чокар, Юсуф, Табибий, Хаёлий, Роғиб, Девоний, Мутриб Хонахароб, Аваз, Надимий, Ходим, Музниб, Чокар каби 33 нафар шоирларнинг 3099 та ғазалларига тартиб берилган. Яна шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ҳар бир шоирнинг шеърдан олдин ўша шоир фазилатларини ёритувчи маснавий келтирилади. Мажмуада Мутриб шеърлари 28-тартиб рақами билан келади. Асарнинг охиригача ҳар бир шоир

⁷⁵5854/III рақамли тошбосма Хива Ичон қалъа музейида сақланади. Ушбу манбанинг дебоча қисми йиртилган бўлиб, асосий қисмига зарар етмаган.

ғазаллари нечинчи ўринда келган бўлса, шу рақамни кўпайтмасидан кейин охиригача қайта такрорланиб келаверади. Мутриб ғазаллари юз марта такрорланади. 1152 рақамли қўлёзма баёзни айнан нусхаси бўлиб, ушбу тошбосма баёзга ҳам Мутрибнинг 100 та ғазали киритилган.

Тошбосма хотимаси қуйидагича яқунланган: الهی، ایله سوزوم مرغوب خلق، نه مرغوب بل یار محبوب خلق ۱۳۲۶ (Илоҳо, айла сўзум марғуби халқ, на марғуб бил ёри маҳбуби халқ. 1326) 1908 йилда кўчирилган.

Ушбу манба тўқ яшил рангли қаттиқ қартон билан муқоваланган. Муқова устига 3 та ўйма нақш туширилган. Таркибига кирган шеърлар фабрика қоғозига кўчирилган. Мажмуага киритилган шеърлар настаълиқ хатида, икки устун шаклида, аввал рамкага олиниб, кейин жадвалга олинган. Ҳар бир саҳифада 20-21 сатр шеър ёзилган. Ўлчови 33x23. Манба 1640 бетдан иборат. Тошбосманинг бошида ва охирида битта саҳифа бўш қолдирилган. Тошбосманинг сақланиш ҳолати яхши.

Мутрибнинг девон қўлёзмаларида учрамайдиган бир мураббаъси 9543, 480, 12700, 479 рақамлар остида сақланаётган тошбосма манбаларга ҳам кўчирилган. Шулардан бири: **9543 рақамли тошбосма** бўлиб, у ЎЗР ФАШИ асосий фондида сақланади. Бу тошбосмага قصه تميم صحابه (Қиссайи Тамим саҳоба) асари 1^б саҳифадан то 33 саҳифаларигача муаллифи номаълум бўлган ушбу насрий асар кўчирилган. 34-саҳифага “Ғазали Мир Зиё Устирушаний мутахаллус ба Навҳуш ѓафа анҳу” сарлавҳаси остида битта мухаммас ҳамда битта муножот тарзида ёзилган мусаддас кўчирилган. 37-саҳифадан Мутриб, Хислат, Шавкатларнинг шеърлари кўчирилган.

Асарнинг 1^а саҳифасига, яъни юқори қисмига الحدله والمنه كى اوشبو كيتاب متطاب منظور هر شيخ وشاب وانيس اهل آداب اعنى قصه تميم صحابه “Алҳамдиллаҳ, валминнаки, ушбу китобм мустатоб манзури ҳар шайх(қари) ва шоб(ёш) ва анис(аёл) аҳли одоб, аъни қиссаи тамим саҳоба” деб ёзиб қўйилган. Ушбу китобга 37-бетдан 40-бетгача Мутрибнинг “Кумринома” асари кўчирилган.

Ушбу манбанинг 480, 12700, 479 рақамда сақланадиган нусхалари ҳам бор.

Манбанинг хотимасида қуйидаги маълумотлар берилган: *كتبه فقير الحقير ملا محمد جان بن اسماعيل باى شاشى ۱۳۳۱ در تاشقند. (Катабаху фақир ул-ҳақир Мулло Муҳаммадjon ибн Исмоилбой Шоший, милодий 1331 дар Тошқанд)* хижрий 1913 йилда кўчирилган.

Ушбу 4 та тошбосмадан иккитаси, яъни, 12700, 480 рақамли манбалар 1913 йилда А.Порцевнинг Тошкентдаги типо-литография босмахонасида чиққан. Қолган 9543, 479 рақамли манбалар эса 1913 йилда Ғулом Ҳасан Орифжонов литографиясида, Тошкент шаҳрида чоп этилган.

Бу манбага Муҳаммад Ҳасан Мутрибнинг “Қумринома” сарлавҳаси остида “*Ошиқ эрсанг айтасур ё, дўст ҳу...*”(37^а -40^б) мисраси билан бошланувчи 15 бандли мураббаъси кўчирилган.

Бу манбалар оддий оқ, сарик, кўк, яшил рангли қартон билан муковаланган бўлиб, асар фабрика қоғозига кўчирилган. Ўлчови: 22x13,5.

VII. ДАВРИЙ НАШР МАТЕРИАЛЛАРИ (ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ТЎПЛАМ) ДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АСАРЛАРИ

1920, 1921, 1922 йилларда араб алифбосида нашр қилинган “Хоразм хабарлари”, “Хоразм ҳақиқати”, “Қизил Хоразм” газета ва журналларда, кейинчалик эълон қилинган шеърлари тўпланиб, 1923 йилда “Югурмия” тўпламида Мутриб Хонахаробнинг бир қанча шеърлари эълон қилинган.

Ҳалигача “Хоразм ҳақиқати”, “Қизил Хоразм” газета ва журналларини ҳамда “Югурмия” тўпламларини қўлга кирита олмадик. Шунинг учун булар ҳақида аниқ фикр-мулоҳазалар айтиб бўлмади.

“Хоразм хабарлари” газетаси “Адабиёт” бўлимида шоирнинг “Тошиб дарёи Аму ҳар тараф сувлар равон ўлди⁷⁶”(8 байтли ғазал), “Кўнглума бир турфа сўз келди равон...⁷⁷” (28 мисра, маснавий), “Умид айлаб экиб буларга турлук дона деҳқонлар...⁷⁸”(14 мисра, маснавий), “Бўлунг огоҳ, ғаниматдур, бу даврон, эй халойиқлар...⁷⁹” (14 мисра, маснавий), “Шод ўлунглар, эй халойиқ,

⁷⁶Хоразм хабарлари, хижрий 1340, милодий 1921, 19 сентябрь № 17-сон.

⁷⁷Ўша газета, хижрий 1340, милодий 1921, 26 сентябрь № 24-сон.

⁷⁸Ўша газета, хижрий 1340, милодий 1921, 20 сентябрь № 25-сон.

⁷⁹Ўша газета, хижрий 1340, милодий 1921, 7 октябрь № 26-сон.

шодлиғ айёмидур...⁸⁰”(42 мисра, мусаддас), “Нотавонларни бугун шод ўлониға севунинг...⁸¹”(40 мисра, маснавий), “Хуррамлиғ эсиб чархи фалак...⁸²”(30 мисра, мусаддас), “Мусулмонлар бу ваъзи достондин ғофил ўлманглар...⁸³” (14 мисра, маснавий), “Келиб яхши азизлар, борчаға рохат расон ўлди...⁸⁴”, (14 мисра, маснавий) каби бир қанча шеърлари эълон қилинган.

Ҳозирги кунда Мутриб Хонахаробнинг девонига киритилмаган 15 тадан ортиқ баёз ва мажмуаларга 654 мисра, 52 та ғазал (4 таси 9 байтли, бошқалари 7 байтли), 2 та баёзи мухаммасотларга 48 бандлик 6 та мухаммас (7, 9, 11 бандли)лари кўчирилган. Бундан ташқари, Лаффасий тазкирасида 18 мисрадан иборат (9 байтли 1 та) ғазали, тошбосма манбадаги 60 мисралик 1 та мураббаъ, бизга маълум бўлган маҳаллий нашрларда эса, 212 мисра (8 байт 16 мисра ғазал, 2 та мусаддас 72 мисра, 6 та маснавий 124 мисра)дан иборат янги шеърлари тадқиқот натижасида бир жойга тўпланди. Мутриб Хонахаробнинг девони қўлёзмаларида учрамайдиган шеърлари жами ҳажми 992 мисрани ташкил этди.

Бугунги кунда Мутриб ҳаёти ва адабий меросини ўрганиш, унинг девонида учрамайдиган асарларини баёзу тазкиралардан тўплаб, жорий алифбода нашр эттириш долзарб илмий муаммолардандир.

Ушбу бобдаги илмий кузатувлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мутриб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ масалалар монографик тарзда таҳлил этилиб, шоир туғилган ва вафот этган йилига аниқлик киритилди.

2. “Мутриб Хонахароб” тахаллуслари юзасидан умумлашма хулосалар чиқарилди. Шоир девони қўлёзмалари ҳамда шеърлари кўчирилган баёз, мажмуаларнинг монографик тавсифи амалга оширилди.

⁸⁰ Ўша газета, хижрий 1340, милодий 1921, 10 октябрь № 27-сон.

⁸¹ Ўша газета, хижрий 1340, милодий 1921, 14 октябрь № 28-сон.

⁸² Ўша газета, хижрий 1340, милодий 1921, 30 ноябрь № 4-сон.

⁸³ Ўша газета, хижрий 1340, милодий 1921, 7 ноябрь № 31-сон.

⁸⁴ Ўша газета, хижрий 1340, милодий 1922, 4 феврал № 39-сон.

3. Монографик тавсиф жараёнида девон қўлёзмаларида учрамайдиган 15 дан ортиқ баёз, мажмуалардаги шоир шеърлари аниқланди. Мутриб умрининг охириги йилларида даврий нашр материалларига қўчирилган шеърлари аниқланиб, улар ҳақида аниқ маълумотлар берилди. Шоирнинг 992 мисрани ташкил этадиган лирик асарлари аниқланди.

II БОБ. МУТРИБ ДЕВОНИНИНГ ТАЯНЧ МАНБАЛАРИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА ШОИР АСАРЛАРИНИ ЎРГАНИШДА МАТН ТАРИХИ ҲАМДА ТАҲРИРИНИНГ ЎРНИ

2.1. Мутриб девонининг таянч манбаларини аниқлаш мезонлари

Луғатда девон – бирор шоирнинг шеърлари радифларига кўра алифбо сираси билан тартиб берилган тўплам⁸⁵ тарзида изоҳланади. Шарқ мумтоз адабиётида девончилик анъана сифатида милодий IX-XI асрларда шаклланган ва XII асрга келиб бир қанча намуналари пайдо бўлган. Кейинчалик, XV асрга келиб, Алишер Навоий 17 та лирик жанрни қамраб олган мукамал бир девон тузди ва ўзига хос принципларини асослаб берди. Девон ва девончиликни том маънода қўлёзма манбалар асосида муайян тартибда тадқиқ қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир⁸⁶. Шунга кўра, XIX асрнинг II ярмида Хоразм адабий муҳитида тузилган Мутриб Хонахароб девони қўлёзмалари таҳлилини амалга ошириш долзарбдир.

Муҳаммад Ҳасан Мутриб девон қўлёзмаларининг таянч манбаларини аниқлашда қуйидаги уч мезонга таянилди:

1. *Матннинг муаллиф вариантыга яқинлик даражаси*
2. *Шеърлар матнининг нуқсонлардан холилиги*
3. *Китобат ҳолати, палеографик белгилари.*

1. Матннинг муаллиф вариантыга яқинлик даражаси. Шоирнинг учта девон қўлёзмаларидан (2679/II⁸⁷, 903/IV⁸⁸, 906/VII⁸⁹) энг ишончли нусхани аниқлашда уларни хиллаш жараёни амалга оширилди. Шунини таъкидлаш жоизки, учта девон қўлёзмалари ҳам муаллиф яшаган даврда кўчирилган.

906/VII рақамда сақланаётган қўлёзма *Мулло Болтаниёз усто Курбонниёз мулаққабни бин Харрот* томонидан кўчирилган. Кўчирилган йил кўрсатилмаган. Мутриб Хонахаробнинг шеърлари, негадир, 2679/II, 903/IV

⁸⁵Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). –Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. Б. 188.

⁸⁶ Жўрабоев О. Девон ва девончилик таснифи. XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги антологияси. 2016. 526-бет.

⁸⁷ Девони Мутриб Хонахароб. Ҳамид Сулаймон фонди. Қўлёзма инв. Рақами: №2679/II.

⁸⁸ Девони Мутриб Хонахароб. Қўлёзма инв. рақами қўлёзма №903/IV.

⁸⁹ Девони Мутриб Хонахароб. Қўлёзма инв. рақами қўлёзма №906/VII.

девон кўлёмаларидаги лирик асарларга нисбатан жуда кам. Бу эса шоирнинг илк яратилган шеърлари бўлган бўлиши мумкин, деган тахминни беради. Иккинчи кўлёмма девон эса *Раҳимберган ўғли Мулла Каримберган девон* томонидан 1907 йили, рамазон ойининг биринчи кунда кўчирилган. Бу девондаги шеърлар ҳажми ҳам 1908 йили *Мулла Абдулкарим девон* томонидан кўчирилган кўлёммадагига нисбатан кам. Ушбу кўлёммада шеърларнинг қайси манбалардан кўчирганлигига оид маълумот учрамайди. Шу билан бирга девон кўлёммаларини муаллиф томонидан ёки назорати остида кўчирилганлигига доир ҳам бирор ҳавола йўқ. Шунинг ҳисобига котиб ўзи йўл қўйган сакталикларнинг баъзи ўринларигагина тузатиш киритгандир, эҳтимол. Буни матнда учрайдиган қуйидаги ўзгаришдан англаб олиш мумкин:

1. *Сарлавҳаларнинг тузатилишига кўра;*
2. *Матндаги сўзларнинг ўзгартирилишига кўра;*
3. *Бутун бошли шеърлар таҳририга кўра.*

903/IV (203^б-бет) рақамли кўлёмма девон “басмала” билан бошланиб, сўнг, сарлавҳа ёзилган. Кейин, негадир, ушбу сарлавҳа ўчирилиб, устидан “*Муҳаммад Ҳасан девони мутахаллуси бил Мутриб Хонахароб валади Ҳожи Табиб*” – деб ёзиб қўйилган. Бундай ҳол 906/VII (276^а, 278^а-бетлар) рақамли кўлёмма девонда ҳам учрайди. Масалан, “*Ҳазали Мутриб Хонахароб*” сарлавҳасидаги “*Хонахароб*” тахаллуси таҳрирга учраган, яъни тахаллус тузатилган. Ушбу кўлёмма девон хошиясига кўчирилган мухаммас “*Ҳазали Мутриб Хонахароб*” тарзида сарлавҳаланган бўлиб, унинг устидан чизилган ва “*Муҳаммаси Мутриб Хонахароб*”- тарзида тузатилган. Кўлёммадаги кўплаб шеърлар сарлавҳалари мана шундай таҳрирга учраган.

Шунингдек, бундай тузатишлар кўплаб шеърларнинг айрим мисраларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, котиб 903/IV (216^б-бет) рақамли кўлёмма девонга “*Мани, эй нозанин, қил ғамдин озод*” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг бешинчи байт, тўққизинчи мисраси “*Кўзингнинг ғамзаси ҳар бир нафазда*” қилиб кўчирилган. Ушбу мисрасидаги “*нафазда*” сўзининг устидан чизиб, устига “*нафасда*”- деб тузатган. Яна шунга ўхшаш бир тузатиш 903/IV

(220^a-бет) рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “*Интизор*” радифли 9 байтли ғазалда ҳам учрайди. Ғазал мақтаёсидаги “*Айлама Мутрибга оҳ, дилсўзин билиб*” мисрасидаги “...*айлама Мутрибга*” бирикмасининг устидан чизилган. Ўрнига “...*гам аро бу Мутрибингни*”, деб ёзиб қўйилган. 906/VII (258^b-бет) рақамли қўлёзма девонда эса “*Айлама Мутрибга оҳ, дилсўзин билиб*” тарзида бехато кўчирилган.

903/IV (222^b-бет) рақамли қўлёзма девон ҳошиясига “*Сарвиноз*” радифли ғазалнинг фақат беш мисраси кўчирилган. Ҳошиядаги мазкур матн “*Мазкур ғалат*” тарзида ўчирилиб, 225^b-саҳифада тўлиқ 7 байт шаклида келтирилган.

Муаллифга яқин бўлган девон қўлёзмаларидан яна бири 2679/II рақамли қўлёзма девондир. Бу қўлёзма *1908 йилда Мулла Абдулкарим девон* томонидан кўчирилган. Мазкур манбада ҳам девонни кимнинг фармонида биноан ёзилганлигига оид ҳеч қандай қайд йўқ. Ушбу қўлёзма девон матнида ҳам 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмаларидаги каби матний ўзгаришлар кўзга ташланади. Жумладан, булар шеър сарлавҳаларининг тузатилиши, ғазаллардаги сўзлар қайта таҳрир қилинган ўринларда кўринади (Ўша девон. 111^b, 142^b, 246^a, 267^b, 179^b, 194^a, 231^b-бетлар).

2679/II (95^b-бет) рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “*Тушди ҳажрингдин дили жсон ичра ўт*” мисраси билан бошланувчи 6 байтли ғазалнинг саккизинчи мисрасида “*ичра*” сўзи икки марта кўчирилган: “*Дарди ишиқинг ичра жисми вайрон ичра ўт*”. Натижада, вазн сакталиги юзага келган. Котиб ушбу мисрадаги “*ичра*” сўзининг биттасини устидан чизиб, “*Дарди ишиқинг жисми вайрон ичра ўт*” тарзида тузатган.

Яна бир мисол: “*Фитналар солди жаҳонга мунча, эй барно, кўзинг*”, мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг ўн учинчи мисраси “*Шакарафшонлиг қилиб ногаҳ қаён боқгон чоғи*” каби берилган. Котиб шу мисрага кўчирилган “*қаён*” сўзидаги “*нун*” ҳарфи устидан чизиб, “*Шакарафшонлиг қилиб ногаҳ қиё боқгон чоғи*” каби тузатган (2679/II инв. 145^b-бет).

Шуни таъкидлаш керакки, муаллиф назорати остида кўчирилган девон кўлёмалари бизгача етиб келмаган. Котибларнинг саводхонлик даражасидан келиб чиқиб, бу каби матнда йўл қўйилган сакталикларнинг баъзи ўринлари барҳам топган. Аммо учта девон учта котиб томонидан кўчирилгани назарда тутилса, котиблар девон тузиш анъаналарига тўлиқ бир хилда риоя қилганми, деган савол туғилиши табиий. Шуни инобатга олиб, 2679/II рақамли кўлёмза девоннинг бошқа 906/VII ҳамда 903/IV манбаларга нисбатан мукамаллигини кўйидаги икки жиҳатга кўра таснифладик:

- 1) *девон тузиш тартибига амал қилиниши даражаси;*
- 2) *девоннинг таркибий тузилиши;*

Девон тузиш тартибига амал қилиниши даражаси. Ушбу учта девон ҳам “Басмала”дан бошланиб, қизил сиёҳда “*Муҳаммад Ҳасан девони мутахаллуси бил Мутриб Хонахароб валади Ҳожи Табиб*” сарлавҳаси билан бошланади. Мутриб девон кўлёмаларининг бир-биридан фарқ қилувчи хато ва камчиликлари ҳам борлиги аниқланди. Бунга муаллифнинг назорати асосида кўчирилмаганлиги, котибларнинг безътибор бўлганлиги сабаб бўлган, назаримизда.

1907-1908 йилларда кўчирилган кўлёмза девонлардаги шеърлар анъанага кўра, аввал Аллоҳга ҳамду санолар билан бошланиб, истиғфор ва тўғри йўлдан адашмаслик учун Аллоҳдан паноҳ исташ мавзусидаги “Пайдо”, “Манго” ҳамда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га айтилган саловат мазмунидаги “Анбиё” радифли ғазаллар билан бошланган. Бироқ кўчирилган йили маълум бўлмаган учинчи девонда “Пайдо”, “Манго”, “Анбиё” радифли ғазаллар девоннинг асосий матнига эмас, хошияларига кўчирилган. Асосий матнда эса “*Деди: недин хушҳолсан, гуфтам зи пайғом шумо...*” мисраси билан бошланувчи форсий ғазал(лар) кўчирилган (906/VII. 248^б-бет).

Кўлёмза девонлар мумтоз адабиётда девон тузиш принципларига (дебоча тузиш тартибига, жанрлар тўлиқлигига) тўлиқ риоя қилиниши лозим⁹⁰. Аммо

⁹⁰ О.Жўрабоев. Девон ва девончилик таснифи. XX аср ўзбек мумтоз адабиётшунослиги антологияси. 2016. 529-бет.

Мутриб девон қўлёзмаларида дебоча берилмаган, жанрлар тўлиқ эмас. 2679/II рақамли қўлёзма девондаги ғазаллар 903/IV, 906/VII каби девон қўлёзмалари шеърлари жойлашувига нисбатан алифбо тартибидаги ҳарфлар кетма-кетлигига амал қилинган.

Девон қўлёзмаларидаги ғазалларнинг ҳарфлар бўйича тузилиши қуйидаги жадвалда кўрсатилди:

Алифбо ҳарфлари	2679/II		903/IV		906/VII	
	туркий	форсий	туркий	форсий	туркий	форсий
ا	26	13	14	10	8	7
ب	8	7	11	5	12	2
بۋ	-	-	-	-	-	-
ت	10	30	9	16	8	13
تۋ	2	-	-	-	-	-
ج	-	1	-	-	-	-
چ	2	-	1	-	-	-
ح	-	-	-	-	-	-
خ	-	-	-	1	-	-
د	5	30	3	19	3	13
ذ	1	1	-	-	-	-
ر	76	12	40	2	25	-
ز	15	5	10	11	8	9
ژ	-	-	-	-	-	-
س	6	3	3	-	1	-
سۋ	7	3	3	2	3	2
ط	-	-	-	-	-	-
ظ	-	-	-	-	-	-
ظۋ	-	-	-	-	-	-

ظ	-	-	-	-	-	-
ع	1	-	1	-	1	-
فا	1	8	-	6	-	6
ق	5	2	3	1	3	-
كا	4	2	1	2	1	-
گا	37	-	20	-	7	-
ل	14	9	10	9	1	9
م	45	58	20	33	4	22
ن	95	25	49	20	8	15
و	9	16	1	10	1	5
ه	41	15	28	12	6	2
ى	46	10	35	9	13	7
	456	250	262	168	113	112
	Жами: 706 та		Жами: 430 та		Жами: 225 та	

Мутриб Хонахароб “п”, “ч”, “ж”, “з”, “с”, “ш”, “г”, “л”, “м”, “н”, “о”, “у”, “ё”, “и” 7 та ҳарфга ёзилган ғазаллари девоннинг учта қўлёзмасида ҳам учрамайди. Аммо араб алифбосидаги бошқа ҳарфларга шеърлар ёзилган.

2679/II рақамли қўлёзма девонга киритилган туркий ва форсий шеърлар: “а” 26/13 та, “б” 8/7 та, “т” 10/30 та, “н” 2/0 та, “ж” 0/1 та, “ч” 2/0 та, “д” 5/31 та, “з” 1/1 та, “р” 76/12 та, “з” 15/5 та, “с” 6/3 та, “ш” 7/3 та, “г” 1/0 та, “ф” 1/8 та, “қ” 5/2 та, “к” 4/2 та, “г” 37/0 та, “л” 14/9 та, “м” 45/59 та, “н” 93/26 та, “о” 9/16 та, “ё” 41/16 та, “и” 44/10 та ёзилган. Жами шеърлар сони 706 та.

№903/IV рақамли қўлёзма девонга эса, “а” 14/10 та, “б” 11/5 та, “т” 9/16 та, “н” 0/0, “ж” 0/0, “ч” 1/0 та, “д” 3/19 та, “р” 40/2 та, “з” 10/11 та, “с” 3/0 та, “ш” 3/2 та, “г” 1/0 та, “ф” 0/6 та, “қ” 3/1 та, “к” 1/2 та, “г” 20/0 та, “л” 10/9 та, “м” 20/33 та, “н” 49/20 та, “о” 1/10 та, “ё” 28/12 та, “и” 35/9 та ҳарфга ёзилган шеърлар киритилган. Жами: 430 та.

906/VII рақамли қўлёзма девонга кўчирилган шеърларнинг алифбо тартиби асосида “ا” 8/7 та, “ب” 12/2 та, “ت” 8/13 та, “ث” 0/0 та, “ج” 0/0 та, “چ” 0/0 та, “د” 3/13 та, “ز” 25/0 та, “ز” 8/9 та, “س” 1/0 та, “ش” 3/2 та, “ع” 1/0 та, “ف” 0/6 та, “ق” 3/0 та, “ك” 1/0 та, “گ” 7/0 та, “ل” 1/9 та, “م” 4/22 та, “ن” 8/15 та, “و” 1/5 та, “ه” 6/2 та, “ى” 13/7 та ҳарфларга ёзилган. Жами: 225 та.

2679/II рақамли девон қўлёзмасига кўчирилган “ث”, “ج” 903/IV рақамли қўлёзмада учрамайди. “ث”, “ج”, “چ” ҳарфларига ёзилган форсий ва туркий ғазаллар эса 906/VII рақамли қўлёзма девонга кўчирилмаган.

Мутрибнинг энг кўп “ن” (нун), кейин “م” (мим), “ه” (вов), “ى” (йо, и), “گ” (гоф) ر (ре) ҳарфларига ёзилган ғазаллари 2679/II рақамли қўлёзмага кўчирилганлигини ҳамда бошқа ҳарфларга ёзилган шеърлари ҳам қолган иккита девонда нисбатан кўпроқ.

903/IV, 906/VII рақамли қўлёзмалар кичик девонлар бўлиб, уларга кўчирилган шеърлар ҳажми жуда кам.

Масалан, 1907 йилда кўчирилган девоннинг 172 саҳифасига (хошияларидаги шеърлар билан) 447 та шеър кўчирилган. Шулардан 430 таси ғазал, 14 таси мухаммас, 2 таси мусаддас ва 1 таси қасида.

906/VII рақамли қўлёзма девоннинг 62 саҳифасига (хошияларидаги билан бирга) 237 та шеърлар кўчирилган. Шундан 225 таси ғазал, 6 таси мухаммас, 5 таси мусаддас ва 1 таси қасида.

1908 йилда кўчирилган девондаги шеърлар (хошияларидаги билан бирга) 729 та. Шундан 706 таси ғазал, 16 таси мухаммас, 5 таси мусаддас ва 2 таси қасида. Қўлёзма 302-саҳифадан иборат.

Девондаги шеърлар фарқи саҳифасидан ҳам маълум. Масалан, 1907 йилда кўчирилган девондаги шеърлар 1908 йилда кўчирилган девондаги шеърлар саҳифасига қараганда 130 тага, учинчи девон саҳифаси эса 240 тага кам.

1907 йилда *Раҳимберган ўғли Мулла Каримберган девон* ҳамда (кўчирилган йили ёзилмаган) *Мулло Болта Ниёз усто Қурбонниёз мулаққаб* *ба Харрот* томонидан кўчирилган девон таркибига киритилган шеърлар 1908 йил *Мулла Абдулкарим девон* томонидан кўчирилган шеърларга қараганда

икки, уч баровар кам. Учта девон қўлёмасига ҳам ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида жанрларидан таркиб топган шеърлар киритилган бўлса ҳам, миқдор жиҳатидан 1908 йилда кўчирилган қўлёмма девондаги шеърлардан анча фарқ қилади.

Масалан, 903/IV рақамли қўлёмма девонга киритилган ғазаллар сони 2679/II рақамли қўлёмма девонга киритилган ғазаллардан 276 тага, мусаддаслар 3 тага, қасида эса 1 тага камлиги билан фарқ қилади. 906/VII рақамли қўлёмма девонга киритилган ғазаллар сони эса 239 тага кам бўлиб, мухаммаслар 7 тага, мусаддаслар 5 тага, қасидалар сони эса 1 тага камлиги аниқланди.

903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёммаларига киритилмаган бир қанча ғазаллар мавжуд. Бу ғазаллар мазмун жиҳатидан ҳар томонлама юксак бадиий асарлар ҳисобланади. Ушбу девон қўлёммаларида учрамайдиган ғазал(қофияси ва биринчи мисраси), мухаммас, мусаддас, қасидаларнинг биринчи мисрасини қуйидаги жадвалда бериб ўтдик (Илова. 184-бет).

Девоннинг таркибий тузилиши. 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёммалари таркибига киритилган шеърлар 2679/II қўлёмма девонга нисбатан кўп ўринларда алифбо тартибида жойлаштирилмаган. Масалан, 906/VII рақамли қўлёмма девонда “ت” ҳарфига ёзилган ғазаллар орасида “ب” ҳарфи билан тугайдиган ғазал кўчирилган. Масалан, “*Ўз илки бирла тутди бу кеча ёр шарбат* (Ўша девон, 253^б-бет)” мисраси билан бошланувчи 9 байтли ғазалдан кейин “*Базмимни равшан айлади бу кеча жононим келиб* (Ўша девон, 254^а-бет)”, деб бошланувчи 7 байтли ғазал ёзилган (2679/II рақамли қўлёмма девонга кўчирилган шеърларнинг алифбо тартибига доир тўлиқ таҳлиллар диссертация 3-боби 2-фаслида берилади).

Ушбу девон ҳошияларига кўчирилган ғазалларнинг алифбо тартиби бузилишига кўра ҳам бундай ҳолатни кузатиш мумкин. Масалан, “ش” (шин) ҳарфи билан тугайдиган “*Мактуб ила, эй дил, сани бу кеча жонон истамиш* (Ўша девон. 268^б-бет)” мисралари билан бошланувчи 7 байтли ғазал “م” (мим) ҳарфи билан тугайдиган “*Бир кўргали меҳр рухин субҳи масо зор ўлмишам*

(Ўша девон. 269^a-бет)” билан бошланувчи туркий ҳамда бир қанча форсий ғазаллар орасига кўчирилган.

903/IV рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “*Кўргач юзингни кетди илкимдин ихтиёрим*” мисраси билан бошланувчи мухаммаснинг 3 банди 267^b-саҳифада, қолган 6 банди эса 272^a саҳифага ўтказиб кўчирилган. Орадаги тўртта саҳифага эса Навоий ғазалига боғланган 7 бандли “*Гулистон ичра, дилдорим, бўлубман зор ила ҳамдам* (Ўша девон. 268^a-бет)”, Равнақ ғазалига боғланган 9 бандли “*Ғами ҳажрингда мани етди чиқарга жоним* (Ўша девон. 268^b-бет)”, Мунис ғазалига боғланган 9 бандли “*Мани бу ранг зардим дарди ҳажрингни малолидур* (Ўша девон. 270^b-бет)” мисралари билан бошланувчи учта мухаммас ҳамда “*Жоно мани лаҳза шодмон эт* (Ўша девон. 269^a-бет)”, “*Фалакга чирмашур жоно ғамингдин оҳи афғоним* (Ўша девон. 270^a-бет)” мисралари билан бошланувчи 7 бандли 2 та мусаддас кўчирилган. Саҳҳофлар томонидан ушбу тўртта саҳифа тартибсиз ҳолда жойлаштирилган. Натижада шеърлар узук-юлуқ ҳолга келиб қолган.

Ораликдаги тўртта саҳифада келтирилган жанрлар кетма-кетлиги ҳам бузилган. Масалан, юқорида келтирилган “*Фалакга чирмашур жоно...*” мисраси билан бошланувчи 7 бандли мусаддасдан кейин Мунис ғазалига боғланган 9 бандли “*Мани бу ранг зардим...*” мисраси билан бошланувчи мухаммаснинг ўрни алмашиб, аввал мусаддас кейин мухаммас кўчирилган.

2. Шеърлар матнининг нуқсонлардан холилиги. 2679/II рақамли қўлёзма девондаги “*Тушгач кўзум меҳр руҳин юз ноз ила пинҳон этар*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал 903/IV (224^a-бет) рақамли қўлёзма девонга 13 мисра этиб кўчирилган. Ғазалнинг биринчи мисрасидан кейин келувчи “*Тийги итобидин ҳазин кўнглумни ҳар дам қон этар*” мисраси тушиб қолган. Аммо 906/VII (261^a-бет) рақамли қўлёзма девонда бу байтнинг иккинчи мисраси таҳрир этилган:

Тушгач кўзум меҳр руҳин юз ноз ила пинҳон этар,

Ташвиши ҳижрони чашимни тун-кун қон этар.

Котиб ғазални кўчираётиб, айнан ушбу байтни унутган, кейин ғазал мазмунидан, яъни матн контекстидан келиб чиқиб тўлдирган. Байтнинг иккинчи мисраси биринчи сатрга на мазмун ва на шакл жиҳатдан мос келади.

906/VII рақамли девон бўйича ушбу байт мазмуни: *Кўзим тушганда, қуёш (яъни ёр) юзини мендан яширади. Ёр ҳажрининг ташвиши, кеча-кундуз кўзимни қон қилади (яъни кўзларимдан қон рангидаги ёшларни оқизади).*

Ушбу ғазалнинг 2679/II рақамли қўлёзма девонда берилган байт мазмунига аҳамият берсак: *Кўзим тушганда, қуёш (яъни ёр) юзини мендан яширади. Қаҳр тиги билан ғамга ботган кўнглимни ҳар лаҳзада қон қилади.* Табиийки, котиб тўлдирган сатрдан кўра муаллиф матнидаги мисра бадий жиҳатдан мукамал чиққан. “Тийғи итоб” истиораси, “ҳазин кўнглум” бирикмасидаги сифатловчи-сифатланмиш муносабати, истиора билан “қон этар” ташбеҳи ўртасидаги мукамал поэтик мантиқ буни тасдиқлайди.

2679/II (122^a-бет) рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “Эй гульзор, эй гульзор” радифли 7 байтли ғазалнинг мақтаъ қисмида “Кўк узра” сўзи учрайди. Бу сўз 903/IV (221^b-бет) рақамли қўлёзма девонга “Ҳар узра” каби ўзгаришга учраган. Ғазал матни қуйидагича:

Кўк узра афзоним чиқар шавқ оташига ўртаниб,

Мутриб каби бағрим кабоб, эй гульзор, эй гульзор.

(Айрилиқ оташида ўртаниб, осмон-у фалакка нолаю фарёдим чиқар бўлди. (Нидо билан) Эй гульзори нигорим, (сендан айро) мени бағрим Мутрибники каби кабоб бўлди).

Ошиқ айрилиқ азобидан ўртаниб, нолаю фарёди осмон-у фалакка чиққанини, (нидо билан) гульзори нигори (ошиқни ёнида) бўлмаганига Мутриб каби бағри кабоб бўлгани мазмуни англашилади. Англашиладики, “ҳар узра” бирикмаси ушбу байт мазмунига тушмайди.

2679/II (122^a-бет) рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “Айлар” радифли ғазалнинг мақтаъ қисмида “зор” сўзи учрайди. Бу сўз 903/IV (221^b-бет) рақамли қўлёзма девонга “аро” бўлиб кўчирилган:

Не эркан ёзуқим тун-кун мани ёр интизор айлар,

Гулистони жамолига ҳазин кўнглумни зор айлар.

*Гулистони жамолига ҳазин кўнглумни **аро** айлар.*

Ғазал байтларидаги “Интизор”, “Зор” сўзлари бир-бирига қофиядош бўлиб, кейинги берилган байтдаги “аро” сўзининг берилиши эвазига ғазалнинг қофияси бузилган.

2679/II (131^a-бет) рақамли кўлёзма девонга *ражази мусаммани солим* вазнида ёзилган “Аввал санго мандин салом, эй сарвиноз, эй сарвиноз” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал кўчирилган. Ғазалнинг олтинчи мисрасида “хайронман” сўзи учрайди. Бу сўз 903/IV (225^b-бет) рақамли кўлёзма девонга “хайроним” бўлиб ўзгарган:

Ашк ўрнига қонлар тўқуб, субҳи масо ғам даштида,

*Мажнуни **хайроним** мудом, эй сарвиноз, эй сарвиноз (903/IV-инв.).*

Мажнуни хайронман мудом, эй сарвиноз, эй сарвиноз (2679/II-инв.).

Бу байтдаги “хайроним”, “хайронман” сўзлари вазнга таъсир этмаган. Аммо “-им” қўшимчаси эвазига ғазал мазмунида мантиқ бузилиши юзага келади. Мазмундан англашилган маъно: ошиқ ҳар доим Мажнундек хайрон бўлгани, тонгдан оқшомгача (унинг) кўз ёши ўрнига қонлар тўкилаётгани мазмуни англашилади.

Биринчи берилган байт мазмунида: ошиқ ёрининг ҳар доим Мажнундек хайрон бўлгани, тонгдан оқшомгача (унинг) кўз ёши ўрнига қонлар тўкилаётгани мазмуни англашилади.

Ушбу ғазалнинг мақтаъ қисмида “лаҳза ком” сўзи учрайди. Бироқ бу сўз 2679/II рақамли кўлёзма девонга “бўса” бўлиб кўчирилган:

Тун-кун фироқинг ранжидин Мутриб каби бемор ўлуб,

Топмон лабингдин лаҳза ком, эй сарвиноз, эй сарвиноз (903/IV-инв.).

Топбон лабингдин бўса, эй сарвиноз, эй сарвиноз(2679-инв.).

Мисрада “бўса” сўзининг кўчирилиши ғазал вазнининг сакталигини юзага келтирган.

2679/II (120^a-бет), 906/VII (271^b-бет) рақамли девон қўлёзмаларига кўчирилган “*Матлаб недур*” радифли ғазалнинг олтинчи мисрасидаги “шавқидинким” сўзи 903/IV (221^b-бет) рақамли қўлёзма девонга котиб эътиборсизлиги сабабли “шавқида кам” тарзида берилган:

*Гулдек узоринг **шавқида кам** нолишимдин халқ оро,*

Гулдек узоринг шавқидинким нолишимдин халқ оро,

Токай мани безътибор ойлаб санго матлаб недур.

2679/II (148^a-бет) рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “*Қон ютарман гул юзинг шавқида жонон раҳм қил*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг еттинчи мисрасида “*дарди ишқингдин*” бирикмаси учрайди. Бу бирикма 903/IV (233^b-бет) рақамли қўлёзма девонга “*дарди ишқинг додин*” тарзида хато кўчирилган. Ғазал байти қуйидагича:

*Ташналабман **дарди ишқинг додин** бало саҳросида,*

Ташналабман дарди ишқингдин бало саҳросида,

Қатраи лаълинг майидин айлаб эҳсон раҳм қил.

“*Дарди ишқинг додин*” бирикмасида “ا” (до) ортирилиши эвазига бу ҳол юзага келган.

2679/II рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “*Олиб юздин ниқоб, эй навгул, Боғи Эрам⁹¹ келгил...*” мисраси билан бошланувчи мухаммаснинг учинчи бандида “ранг ғам” бирикмаси учрайди. Бу сўз 903/IV рақамли қўлёзма девонга “дарди ғам” тарзида кўчирилган. Масалан,

Не хушдур бодайи васл ила маст айларга аҳбобин,

Солиб бўйнига гоҳи жилва бирла зулфи қуллобин,

Очиб минг ноз ила маҳв этгали рухсори маҳтобин,

Муҳайё айлабон гулшанда айши ишрат асбобин,

*Кўнгул кўзгусидин зойил қилурга **дарди ғам** келгил (903/IV инв. 265^a-бет).*

Кўнгул кўзгусидин зойил қилурга ранг ғам келгил (2679/II инв. 226^b-бет).

⁹¹ (Боғи Эрам) афсонавий гўзал боғ (Арабистонда Шаддод томонидан жаннатнинг зиддига ясалган боғ).

“Ранг ғам” ўрнида келган “дарди ғам” бирикмасининг қўлланиши тўғридек туюлиши мумкин, аммо битта бўғиннинг ошиши вазнга таъсир этган. “Ранг ғам”га келсак, ушбу бирикма ғамнинг ҳар хил тусланиши маъносида қўлланилган. Вазнга тушган.

Ҳар бир девон қўлёзмаларида бир-биридан фарқ қилувчи хато ва камчиликлар учрайди. Бу каби камчиликларни қайд қилиш жараёни девон қўлёзмасининг тўлиқ вариантини танлаш имконини беради. Шу билан бирга қўлёзма девоннинг нисбатан тўлиқ варианты сифатида кўрилатган 2679/II рақамли қўлёзма девон матнида ҳам бир қанча хатолар кўзга ташланади. Таянч манбага нисбатан танқидий ёндашмоқ лозимлиги ҳақида П.Шамсиевнинг қуйидаги фикрлари асослидир: “Таянч нусха сифатида асосга олинган А нусха, шоирнинг автографига энг яқин ва энг ишончли қўлёзма деб аниқланишига қарамасдан, бошдан охиригача танқидий назар билан кузатиб борилиши керак⁹²”. Шунини инобатга олган ҳолда 2679/II рақамли девон қўлёзма матнидаги фарқларни қуйидагиларда кўриш мумкин. Жумладан, 906/VII (260^{a/b}-бет) рақамли девон қўлёзмасига “Юз очиб хуришд янглиз базмима келди нигор” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал кўчирилган. Бу ғазалнинг олтинчи байтида “ҳижронинга” сўзи учрайди. Бу сўз 2679/II (124^b-бет), 903/IV (223^a-бет) рақамли девон қўлёзмаларига “рухсоринга” бўлиб кўчирилган. Ғазал байти қуйидагича:

Мубтало айлаб туну кун оташи ҳижронинга,

Мубтало айлаб туну кун оташи рухсоринга,

Кўзгудек чехранг тамошосига қилдинг интизор (2679/II, 903/IV-инв).

Биринчи байт мазмунида ошиқ маъшукнинг кўзгудек чехрасини кўриш томошосига (уни) интизор қилганлиги (сабабли) ошиқ маъшукни (ҳажрида) айрилиқ азобига туну кун гирифтор, дучор (мубтало) бўлгани, мазмуни англашилади.

⁹² Шамсиев. П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари. - Тошкент, 1969. –Б. 77.

Иккинчи байт мазмунида эса ошиқ маъшукнинг кўзгудек чеҳрасини кўриш томошосига (уни) интизор қилганлиги (сабабли) ошиқ маъшукнинг ўтли, оловли рухсориға туну кун гирифтор, дучор (мубтало) бўлгани, мазмуни тушунилади. Эътибор берган бўлсангиз иккинчи берилган байт мазмунида “рухсор” ҳамда “мубтало” бир-бирини тўлдирмаган. Яна бир жиҳати эса “рухсор” ҳамда “чеҳра” сўзлари такрор бир маънони ифодалаган. Шундандир эҳтимол, ошиқнинг маъшук ҳажрида ўртанганидан аччиқ изтироблари тасвири ифодаланмай қолган.

Бу сўзлар байт вазнига дахл қилмаса-да, маъно жиҳатидан биринчи байтдаги “ҳижрон” сўзи ғазал мазмунини ёритишга хизмат қилади. Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, айрилиқ, фироқ дегани. “Рухсор” сўзи эса форс тилидан олинган бўлиб, юз, чеҳра деган маъноларни англатади.

906/VII (262^a-бет) рақамли кўлёзма девонга кўчирилган “*Билмон, не бўлди, келмади оромижонимдин хабар, Жони танимнинг қуввати руҳи равонимдин хабар*” мисралари билан бошланувчи ғазалнинг тўртинчи мисраси 2679/II (129^b-бет), 903/IV (225^{a/b}-бетлар) рақамли девон кўлёмаларига қуйидагича кўчирилган:

Кўймаслар ўз ҳолим била йиғлар эсам шояд манго,

Келмай-му, деб бир кун у шул руҳи равонимдин хабар.

906/VII (262^a-бет) рақамли кўлёзма девонга кўчирилган вариант қуйидагича:

Кўймаслар ўз ҳолим била йиғлар эсам шояд манго,

Келгай-му, деб бир кун у шул абру камонимдин хабар.

“Шояд” сўзига аҳамият беришимиз керак. Чунки, бу сўз кошки, зора, ёр келиши эҳтимоли бор бўлган ўринга тўғри келади. Яъни: ошиқ (ёр) изтиробларига чидай олмай йиғлаганида (халқ ошиқни умидвор қилиб) бир кун қоши камонидин хабар келиши мумкин эканлиги англашилади.

Биринчи байтда эса ошиқ (ёр) изтиробларига чидай олмай йиғлаганида (халқ ошиқни умидвор қилиб) бир кун руҳи равонидин хабар келмаслиги

мумкинлиги мазмуни англашилади. Бундан кўринадикки, иккинчи берилган байт мазмуна н мутаносиб.

2679/II, 903/IV, 906/VII рақамли қўлёзма девонда “Истадим” радифли ғазалнинг биринчи ва иккинчи мисраларида ҳам айрим тафовутлар мавжуд. Жумладан, 2679/II (263^b-бет) рақамли девон қўлёзмасида:

Кел, узорингни очиб, эй моҳи тобон истадим,

Жон ваҳми тушгали васлингни дармон истадим.

903/IV (238^b-бет) рақамли девон қўлёзмасида:

Кел, узорингни очиб, эй моҳи тобон, истадим,

Жон ваҳми тушган жисмима васлингни дармон истадим.

906/VII (269^a-бет) рақамли девон қўлёзмасида:

Кел, гульузорингни очиб, эй моҳи тобон, истадим,

Жон ваҳми тушган жисмима васлингни дармон истадим.

906/VII рақамли девон қўлёзмасидаги ғазал вазни, мазмуни мантиқан тўлиқлиги билан фарқ қилса, биринчи(2679-инв.) ва иккинчи(903-инв.) берилган ғазал байтлари вазн жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам мос тушмайди.

906/VII (265^a-бет) рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “Эй шўх, лол этти мани, икки дурафшон лабларинг” мисраси билан бошланувчи 9 байтли ғазалнинг олтинчи байтида “даврон” сўзи учрайди. Бу сўз ҳам 903/IV (232^a-бет), 2679/II (143^a-бет) рақамли девон қўлёзмаларидан тушиб қолган:

Ғамзанг ўқидин, эй пари, қолса таним бежон бўлуб,

Берса тонг эрмас тоза жон ийсойи даврон лабларинг.

Ушбу ғазалнинг мақтаъ қисмида эса “Мутриб” исми тушиб қолган.

Базминг таманноси учун арз этса Мутриб ҳолини,

Қилма ибo илкинг тутуб айларга пинҳон лабларинг.

2679/II, 903/IV рақамли девон қўлёзмаларига кўчирилган “Ғами ҳажрингда, жоно, кўзларимни мардуми қондур” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг бешинчи байтида ҳам фарқлар кўзга ташланади. Масалан, куйидаги байтларга эътибор қаратсак:

*Кўзинг остида мушкин холинга **бир** дам нигоҳ қилсам,*

*Хаданг **гирфларингдин** неча офатлар намоёндур (2679/II инв. 119^{а/б}-бет).*

Кўзинг остида мушкин холинга ҳар дам нигоҳ қилсам,

Хаданг киртикларидин неча офатлар намоёндур (903/IV инв. 220^б-бет).

Биринчи берилган байтдаги “*гирфларингдин*” сўзи аслида “*гирфикларингдин*” бўлган. Котиб бу сўзни хато кўчирган. Бу ҳол ғазал мисраларининг вазнлардаги тафовутларини юзага келтирибгина қолмай, ғазал мазмунига ҳам таъсир ўтказган. “*Ҳар*” сўзининг “*бир*” шаклида берилишини ҳам шу ҳол билан изоҳлаш мумкин.

903/IV (225^б-бет) рақамли девон кўлёмасига кўчирилган “*Тушгач кўзум бўлдинг ниҳон, эй сарвиноз, эй сарвиноз*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал 2679/II (130^б-бет) рақамли девон кўлёмасига 6 байт қилиб кўчирилган. Тушиб қолган байт куйидагича:

Гулгун узоринг шавқида сабримни барбод айлабон,

Тун-кун ишим оҳу фиғон, эй сарвиноз, эй сарвиноз.

906/VII рақамли кўлёмма девонга бу ғазал кўчирилмаган.

903/IV (234^б-бет) рақамли кўлёмма девонга кўчирилган “*Ноз ила гулшан сари бўлгач хиромон ул ўгул*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг еттинчи мисрасида “*кўргач*” сўзи учрайди. Бу сўз 2679/II (151^б-бет) рақамли кўлёмма девонга “*кўрдим*” шаклида кўчирилган. Ғазал байти куйидагича:

*Чехрайи зардимни **кўрдим** тарк этиб озорини (2679/II-инв.)*

Чехрайи зардимни кўргач тарк этиб озорини,

Лутф ила қилди ҳазин кўнглумни хандон ул ўгул (903/IV-инв.).

Иккинчи байтда маъшук ошиқнинг юзи сарғайганини кўргач озорини тарк этиб, мулойимлик, раҳмдиллик билан (ошиқнинг) ғамгин кўнглини хурсанд қилгани мазмуни англашилади. Агар байтни “*кўрдим*” сўзи билан таҳлилга тортсак мазмун бузилади.

903/IV (244^a-бет) рақамли қўлёзма девонга кўчирилган “Кулбам сари қўйғил қадам, эй сиймтан, эй сиймтан” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг саккизинчи мисрасида “айлаб карам” бирикмаси учрайди. Бу бирикма 2679/II (175^a-бет) рақамли қўлёзма девонга “оби карам” тарзида хато кўчирилган:

Озод этарга бу кеча ҳижрон балосидин мани,

*Қилғил хиром **оби** карам, эй сиймтан, эй сиймтан.*

Қилғил хиром айлаб карам, эй сиймтан, эй сиймтан.

“Об” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “сув” деган маънони англатади. “Айлаб” сўзи феълнинг равишдош формаси. Бу сўз ғазал мазмунини тўлдиради. Ошиқ (ёрига) бу кеча айрилиқ балосидан уни озод этиб, чиройли юриши билан (хиром айлаб) марҳамат қилишини (эй) нидо қилаётгани маъноси англашилади.

903/IV (258^{a/b}-бетлар), 906/VII (275^b-бет) рақамли девон қўлёзмаларига кўчирилган “Жоно юзинг ман зоридин ҳар лаҳза пинҳон айлама” мисраси билан бошланувчи 9 байтли ғазалнинг тўртинчи байтида “ҳайрон” сўзи учрайди. Бу сўз 2679/II (204^a-бет) рақамли қўлёзма девонга “изҳор” бўлиб кўчирилган. Шунини ҳисобига қофия бузилган. Тўғри вариант қуйидагича:

Ширин тилингдаин истасам бўйи вафонинг муждасин,

Бир нукта изҳор этмайин ноз ила ҳайрон айлама.

Кўринганидек, 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмаларидаги каби 2679/II рақамли қўлёзма девонга кўчирилган шеърлар матнида ҳам тафовутлар борлиги кузатилди. Бу ҳолни котиб эътиборсизлиги билан боғлиқ дейиш мумкин. Бундан ташқари, 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмаларида учрамайдиган шеърларнинг матнида ҳам сакталик бор. Бундай хатоларни шоир яшаган даврда кўчирилган баёз, мажмуа, тазкиралардаги вариантлар асосида уларнинг илмий-танқидий матнини яратиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳақида тадқиқот ишимизнинг кейинги бобларида батафсил маълумот берилади.

3. Китобат ҳолати, палеографик белгилари. Китобат тарихини ўрганишда асл (оргинал), дастлабки муқовалар кадрлидир. Китобнинг асл муқовалари, одатда, қалин чарм, ёғоч ёки картондан ишланган. Баъзи муқовалар картондан ишланиб, устига чарм қопланган бўлади⁹³.

Девоннинг ҳар учала қўлёзмаси қалин чарм билан муқоваланган. 903/IV 906/VII рақамли қўлёзмалар муқоваси қизил, 2679/II рақамли қўлёзма муқоваси эса жигарранг чармдан қилинган. Кейинчалик қайта таъмирланиши жараёнида ушбу манба муқовасидаги жигарранг чарм устидан қалин оқ мато елимланган.

Қўлёзма муқоваси мош рангда. Нақш услуби ромбик шаклида бўлиб, ўртасига ҳамда уст-остиға гулли нақшлар билан безатилган учта унвон туширилган. Унвон тилла рангда бўлиб, ичига “Амали Муҳаммад Саҳҳоф-1326” деб саҳҳофнинг исми-шарифи ҳамда унвон туширилган йил ёзиб кўйилган. Муқоваларнинг четига майда барг шаклида нақш ишланган.

Ушбу муқоваларнинг ички томонида ҳеч қандай нақшлар, миниатюралар ишланмаган.

Девон қўлёзмалари рус фабрика қоғозига кўчирилган. 2679/II, 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмаларининг қоғози новвотранг, силлиқ сифатли қоғоз. Ҳар уч қўлёзманинг баъзи саҳифалари сифат жиҳатдан талабга жавоб бермайди. Буни пойгир билан кўчирилган саҳифаларнинг давоми бошқа ўринга ўтиб қолгани, қўлёзманинг айрим саҳифалари сариқ, оқ рангли дағал, сифатсиз қоғоздан экани ҳам буни тасдиқлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, қўлёзма саҳифаларига ҳам пойгир, ҳам араб рақамлари орқали рақамлаш урф бўлган. Ушбу девон қўлёзмалари саҳифаларида ҳам бу ҳол кузатилади. Девоннинг ҳар уч қўлёзмасининг ҳам хошиялари кенг, бичими бир хил. 2679/II рақамли қўлёзма девон саҳифаларида пойгир берилган. Бироқ саҳифаларнинг йўқолиши ҳисобига кейинчалик котиблар ёки тартиб берувчи саҳҳофлар томонидан ёзилган девон

⁹³ Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент, 2017. –Б. 72.

саҳифалари орасига муаллифнинг аввал ёзилган шеърларидан иборат пойгирсиз саҳифалар тикилган. Бундай ҳолатни 903/IV 906/VII рақамли девон қўлёзмаларининг саҳифаларида кўпроқ учратиш мумкин.

2679/II рақамли қўлёзманинг 129, 130, 131, 132, 177-саҳифаларига бодомсимон муҳр босилган. Муҳр қуйидаги саҳифаларнинг ички юқори ва паст бурчагига урилган бўлиб, унда Россия гербидаги 2 бошли бургут нишони бор. 129, 130, 131, 177-саҳифаларига босилган муҳрда “Говарда”, 132^б саҳифасида эса “Жевесро фабрика №5” деб ёзиб қўйилган. Девоннинг 903/IV, 906/VII рақамли қўлёзмаларида бошқа шоирларнинг шеърлари ёзилган саҳифалар ҳам учрайди ва уларга ҳам ушбу муҳр урилган. Аммо Мутриб шеърлари кўчирилган саҳифаларда бундай муҳр учрамайди.

Хат услубига кўра – ҳар бир котиб ўзининг хуснихатиغا эга. Шу билан бирга Мутриб Хонахаробнинг девонларини кўчирган котиблар ҳам ўзининг нақшинкор безаклари билан ушбу девонларни кўчиришган. Аммо девонни кўчирган котиблар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Девон қўлёзмаларининг ҳар учаласи настаълиқ хатида кўчирилган бўлса-да, улар матни орасида фарқ кўзга ташланади. Масалан, *Мулло Болтаниёз бин усто Курбонниёз* томонидан кўчирилган қўлёзма матнидаги ҳарфларни шакли бироз тушунарсиз. “ى” (йо) ҳарфининг охирида келишини “ا” (алиф) ҳарфининг бироз қия ҳолатдаги кўринишига ҳамда гап ичида сўзларнинг устига “йо” ҳарфининг тезкари ҳолатида кўчирилган шакллари кўп. Масалан, *“Жон етти лабга дарди гамингдин, эй гулбадан, қил лутфи иноят...”* мисралари билан бошланувчи ғазалнинг 2-байтида:

چرخ اوزره چقد(ى) ے آه فغانيم كوينگ غميذا اورتاند(ى) / جانيم⁹⁴

(Чарх узра чикди охи фиғоним, кўйинг ғамида ўртанди жоним (906/VII инв. 254^а-бет).

“ى” “йо” ҳарфининг алиф ҳарфидан қия ҳолатда берилиши, алиф ҳарфининг сўз ўртасида келишида эса матннинг устига ёки таг қисмига қисқа

⁹⁴ Ўз Р ФА ШИ. Асосий фонд. 906/VII инв. қўлёзма. Девон, 254^а-бет.

“ع” шаклда берилиши, баъзи ўринларда “ك” коф ҳарфининг устки қисми берилмасдан кўчирилиши ҳолатлари кўзга ташланади. Бу ҳолатда котиб услубини тушунмаган ўқувчига биров кийинчилик туғдиради. Хуснихати ҳам икки хил шаклда берилади. Ҳошияларида кўчирилган ғазалларга қараганда девоннинг асосий матнига кўчирилган ғазаллар матни чиройли хуснихатда кўчирилган. Асосий матнга кўчирилган ғазаллар хуснихати ўнг томонга қия, яъни эгилган шаклда, ғазал сўзлари эса зич ҳолатда кўчирилган.

Раҳимберган ўғли Мулла Каримберган девон томонидан кўчирилган кўлёзма девон хуснихати майда настаълиқ хатида бўлиб, ҳарфларнинг шакли нисбатан яхши сақланган. Ушбу кўлёзма матнидаги ҳарфлар шаклларида ҳам юқоридаги жиҳатлар кўзга ташланади. Масалан, “коф”, “йо” ҳарфларининг берилиши каби ҳолатлар учрайди. Бунга сабаб котиб шеърларни кўчиришда саҳифа матнини жуда зич жойлаштириши орқали юзага келади. Шундан бўлса керак, ҳарфлар қисқа шаклларда ифодаланган.

Котиби *Мулла Абдулкарим ибн Муҳаммад Раҳим марҳумий ибн Паҳлавон Ниёз Мирзобоши марҳумий* бўлган кўлёзма чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Аммо кўлёзма девоннинг 202^{а/б}, 203^{а/б}-саҳифаларидаги шеърлар матнида учрайдиган “йо” ҳарфи “алиф” ҳарфининг қия шаклида берилишига ўхшайди ҳамда худди шу саҳифадаги шеърларнинг матни зич жойлаштирилиши кўзга ташланади. Бунга матнларни саҳифалаш жараёнида ушбу девон саҳифалари йўқолиши, йўқолган девон саҳифасини тўлдириш учун кейинчалик кўчирилган бошқа саҳифалар тикилиши сабаб бўлган. Девонни кўчирган котибнинг ўзига хос услуби бўлиб, бу унинг س “Син” ҳарфини ўзига хос услубда, яъни ҳарфнинг пастки қисмига белги қўйишида кўринади.

Шоир девонининг 2679/II рақамли кўлёмаси *хат услуби, матн мукамаллиги, жанрлар таркиби ҳамда кўлёммада учрайдиган фарқларни инобатга олган* ҳолда 903/IV, 906/VII рақамли нусхаларига нисбатан мукаммал. Шунга кўра, бу кўлёмма *девон тузиш тартибига қатъий амал қилингани, девондаги жанрларнинг алифбо тартибида жойлаштирилиши,*

шеър байтларининг нисбатан тўлиқлиги, шоир шеърлари кўп эканига кўра таянч манба сифатида танланди. Кейинги ўринларда ушбу кўлёмани таянч манба сифатида шартли равишда “А”, қолган 903/IV, 906/VII рақамли кўлёмалар эса таянч ёрдамчи манбалар сифатида “В”, “D” вариантлар, деб белгиланди. Таъкидлаш жоизки, таянч манбада ҳамда таянч ёрдамчи манбалар матнидаги сакталикларни кўлёмма баёз, тазкира, мажмуа матни орқали тиклаш мақсадга мувофиқ. Шунини инобатга олган ҳолда бу манбалар ёрдамчи манба вазифасини бажаради. Булар ҳам, ўз навбатида, шартли белгилар орқали ажратилди.

2.2. Шоир асарларини ўрганишда матн тарихининг ўрни

Кўлёмма манбаларни тадқиқ қилишда матн тарихи ва таҳрири каби назарий масалалар муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, рус олими Д.С.Лихачёвнинг фикрича, матн тарихи тушунчаси муайян асар матнининг барча масалаларини қамраб олиниши кераклиги ҳамда асарга алоқадор ҳамма масалаларни фақат тўлиқ (ёки имкон даражасида тўлиқ) ўрганишигина бизга асар матни тарихини том маънода кашф этиш имконини беради⁹⁵.

Рус олими Б.В.Томашевскийнинг матн тарихи адабиёт тарихи тадқиқотчисига адабий ёдгорликка оид зоҳирий маълумотларни эмас, муаллиф лабораториясининг ботиний жиҳатларини кашф этиш имконини беради⁹⁶, деган қарашини муаллиф дунёқарашини ёки асар яратилган давр руҳини китобхонга сезиларли даражада етказиб бериш учун асос бўла олади.

Матншунос Шухрат Сирожиддинов “Матн тарихини ўрганишда кўлёмма асарнинг мавжуд нусхаларини ўзаро қиёсий текширишдан бошлаш лозимлиги, матнлар *тўлиқ, нуқсонли, тугатилган* (редакцияга учраган) ёки *тугатилмаган кўриниш*ларда учраши мумкинлиги, кўлёмма нусхаларда унинг тарихи бевосита қайд этилган ёки билвосита аниқланадиган белгилар ёрдамида тикланишини⁹⁷” ўринли таъкидлайди.

⁹⁵ Лихачев Д.С. При участие А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во “Алетейя”, 2001, стр. 33.

⁹⁶ Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – М., 1959, стр. 148.

⁹⁷ Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Тошкент, Navoiy universiteti, 2019. – Б.18.

Матншунос Нурбой Жабборовнинг ўзбек матншунослигида матн тарихи муаммосини назарий жиҳатдан ўрганиш қачондан бошлаб юзага келгани, матн тарихини тадқиқ қилиш илдизлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг ўрганилиши билан боғлиқ асосли фикрлари⁹⁸ қимматлидир. Олим Қуръони каримни тафсир қилинишида муфассирлар томонида оятларнинг нозил бўлиш сабаблари, ушбу ноёб асарнинг китобат қилинишининг тарихи ҳақида сўз юритиб, пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларининг ворид бўлиш сабабларини ҳамда бу асарнинг ким томонидан ривоят қилинганини илмий асослар билан изоҳлайди.

Матншунос Нафас Шодмонов “Шоҳиду-л-икбол” – адабий манба” асарида матн тарихини ёритишга оид илмий фикрларни қайд қилади. Унинг айтишича, матнни яратган муаллиф ҳаракатдаги воқеликни акс эттирар экан муайян руҳий жараёни ўзидан кечиради. Ушбу жараён муаллифда объектив ва субъектив сабаблар таъсирида матннинг айрим ўринларига ўзгартириш ёки тузатишлар киритилиши мумкинлигини, бу каби тузатиш ва ўзгартиришлар матннинг материали, яратилиши, шаклланиши, қурилиши ва ҳоказо тарихий, бадий, ғоявий ҳамда услубий жиҳатларини ўрганишга асос бўлишини, шу билан бирга матн тарихини ёритишда унинг бадий асар сифатида шаклланиш жараёни қандай кечганлигини унда мавжуд фактик материалларни таҳлил қилиш орқалигина амалга ошириш мумкин⁹⁹лигини айтади.

Матншунос Р.Зоҳидовнинг матн тарихи ҳақида қуйидаги мулоҳазалари эътиборга молик: “Муайян матннинг пайдо бўлишидан то охириги ҳолатигача давом этган ўзгаришлар силсиласи *матн тарихини* ташкил қилади. Аксар матнлар маълум вақт мобайнида субъектив (муаллиф, котиб, нашрга тайёрловчи, муҳаррир) ва объектив (ижтимоий) омиллар таъсирида ўзгаришга учрайди”¹⁰⁰.

⁹⁸ Жабборов Н. Матн тарихи ва унинг генезисига доир айрим мулоҳазалар. /Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. 1-китоб. – Наманган, 2021. – Б. 5-12.

⁹⁹ Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-икбол” – адабий манба. – Тошкент, Muharrir, 2009. –Б. 22.

¹⁰⁰Зоҳидов Р. “Саботул ожизин” асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Дисс. фил. фан. док.(DSc). – Тошкент, 2018. – Б. 191.

Матншунос Қ.Пардаев ўзининг “Муқимий шеъриятида матн тарихи, таҳрири ва талқини” номли диссертациясида Ш.Сирожиддиновнинг ушбу фикрларига қуйидагича изоҳ беради: “Бу масалалар матн тарихи билан боғлиқ кўпроқ ташқи белгиларни ўз ичига олади. Матн тарихи, бундан ташқари, бадиий матннинг моҳиятига алоқадор хусусиятларни ҳам ўрганади¹⁰¹”. Аммо Ш.Сирожиддинов матн тарихини ўрганишни бевосита ҳамда билвосита белгиларини изоҳлаш жараёнида асарнинг ички ҳамда ташқи жиҳатларини тўлақонли ўрганишни, шунингдек, қўлёзма нусхаларни қиёслаш натижасида олинадиган текстологик натижаларини ўрганишни алоҳида қайд қилади.

Матншунос олимларнинг фикрларини тасдиқлаган ҳолда, бизнингча, қўлёзма манбаларни муаллиф яшаган даврдан то унинг вафотигача бўлган даврларда кўчирилган матнларнинг ўзаро қиёсий жараёнларини амалий ҳамда назарий жиҳатдан ўрганиш, улардаги фарқлар матн тарихи муаммолари юзага келиш сабабларининг илк кўринишларини намоён қилади. Масалан, муаллиф яшаган даврда илк бор кўчирилган девон, баёз, мажмуа ёки тазкиралардаги асарлар кейинчалик (муаллиф) у томонидан қайта таҳрир қилиниши ёки котиблар томонидан қайта кўчирилиши жараёнида аввал кўчирилган нусхалардаги матннинг айнан сақланмаслиги ўша асар матн тарихини ўрганишни тақазо қилади. Бизнингча, битта асар доирасида матн тарихи муаммосини тадқиқ қилиш қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Ш.Сирожиддинов таъбири билан айтганда, асарга оид ташқи ва ички белгиларга ҳам аҳамият бериш зарур. Ташқи белгиларига асарнинг яратилиш сабаблари, кўчирилган йили, асар колофонидаги барча маълумотлар, асар матнида келтирилган баъзи бир қайдлар, тазкира ва девон дебочаларидаги тавсифий маълумотлар кирса, шу билан бирга асар юзага келишининг ички белгиларига ҳам аҳамият бериш лозим¹⁰². Ҳар қандай асарнинг илк кўринишлари, кейинчалик турли ўзгаришлар асосида юзага келиши билан

¹⁰¹Пардаев Қ. Муқимий шеъриятида матн тарихи, таҳрири ва талқини. Дисс. фил. фан. док.(DSc). – Тошкент, 2019. – Б. 41.

¹⁰² Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Тошкент, 2019. – Б. 18.

боғлиқ жиҳатлар ҳам матн тарихи муаммосини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат кўпроқ муаллиф яшаган даврда кўчирилган асарлар ёки кейинчалик кўчирилган асарлар матнида муаллиф назари билан ёки котибнинг билиб, билмай қилган ўзгартиришлари, шу билан бирга буюртмачининг талаби билан ҳам юзага келиши мумкин.

2. Ҳар бир яратилган асарнинг матни авваламбор ўша асар яратилган давр руҳияти билан ҳам боғлиқ. Бунга асар яратилган даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳолатлари кўпроқ таъсир кўрсатади. Масалан, бирор бир асарнинг аслиятидан қайта кўчирилган варианты ўзаро қиёсланганда матн қисқариши ёки жумлаларнинг ўзгариши каби ҳолатлар асарнинг илк кўринишларини намоён бўлишига тўсқинлик қилади. Бундай ҳол асардаги сўзлар, мисралар ёки асар матнининг тубдан ўзгариши ҳолатларини ҳам юзага келтириши мумкин. Бу эса бирор лирик асарнинг бошқа бир нотўғри варианты ҳам пайдо бўлишига олиб келиши шубҳасиз.

Мутриб ижоди тадқиқидаги манбаларни қиёсий ўрганиш жараёнида матний номувофиқликлар кўзга ташланади. Шоир лирик асарлари матнида учрайдиган бундай тафовутлар матн тарихини ўрганиш заруратини кун тартибига қўяди. Бизнингча, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

а) бир матн доирасида сўз ва мисраларнинг ўзгариши;

б) банднинг ўзаро фарқ қилиши.

Мутрибнинг А таянч, В, Д таянч ёрдамчи манбаларга кирган “Оромижон нигорим, сарви равон нигорим” мисраси билан такрорланувчи битта мухаммаси 1134 рақамли қўлёзма мажмуа таркибида ҳам учрайди. Аслида, бу қўлёзма шоҳ фармонига биноан тузилган. Бу қўлёзмаларнинг қайси бири муаллиф ҳаётлик даврида кўчирилганини аниқлаш мухаммаснинг ишончли матнини тиклашда муҳим. Мухаммаснинг А таянч, В, Д таянч ёрдамчи манбалардаги матнини қиёсий таҳлил этиш орқали бу муаммога ечим топиш мумкин. А таянч манба колофонда қўлёзма хижрий 1326, милодий 1908 йили кўчирилгани қайд этилган. Колофонда мана бундай ёзилган: *کاتب ملا عبد الکریم ابن محمد رحيم مرحومى ابن پهلوان نیازمرزاباشى مرحومى ۱۳۲۶* (котиб Мулла Абдулкарим

ибн Муҳаммад Раҳим Марҳумий ибн Паҳлавон Ниёз Мирзобоши Марҳумий сана 1326). Қўлэзманинг бошқа саҳифаларида бу билан боғлиқ ҳеч қандай қайд учрамайди.

В таянч ёрдамчи манба ҳижрий 1325, милодий 1907 йили Раҳимберган ўғли Мулла Каримберган девон томонидан кўчирилган. Колофонда: *کاتیب ملا کریم بیرگن دیوان ابن رحیم بیرگن ماه رمضان المبارکدا یازیب ایتمام غه یتکوردی ۱۳۲۵* (*Котиб Мулло Каримберган девон ибн Раҳимберган моҳи рамазон ал-муборақда ёзиб итмомига еткурди 1325*) тарзидаги маълумот ёзилган.

Д таянч ёрдамчи манба *Мулло Болтаниёз усто Қурбонниёз мулаққаб и бин Харрот* томонидан кўчирилган бўлиб, колофонда кўчирилган йили ҳақида маълумот йўқ. Бу қўлэзма А таянч ҳамда В таянч ёрдамчи манбаларга нисбатан аввалроқ кўчирилган. Девон колофонда қуйидаги қайд учрайди: *کاتیب ملا بالطه نیاز بن اوستا قوربان نیازملقبی بخرات یازیب ایتمامیغہ یتکوردی* (*Котиб Мулло Болтаниёз усто Қурбонниёз мулаққаб и бин Харрот ёзиб итмомига еткурди*).

1134 рақамли қўлэзма мажмуа охирида эса Табибийнинг “Хотимаи маснавий”си берилган. Бу маснавийнинг дастлабки уч байтида мажмуанинг ҳижрий 1327 йилда тузилгани, яъни 1327 йил, *Баҳор фасли рабиъ ул аввалида кўчирилганига* (214^{а/б}-бет) оид ишораларни маълумот сифатида бериб ўтади.

Буларни қуйидагиларда кўрамыз:

بحمدلله کیم لطف ایلاب خدا

بومجموعغه کیم یتئی اتمام آنکا

Биҳамдиллаҳким, лутф айлаб Худо,

Бу мажмуагаким, етти итмом онго.

آنینگ عصر یکیم کوب فرح حال ایدی

مینگ اوچ یوزیگرمه یتئی سال ایدی

Онинг асриким, қўп фараҳ-ун¹⁰³ ҳол эди,

Минг уч юз йигирма етти сол эди.

¹⁰³ Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб, хурсанд, шод; хушчақчақ маъноларига эга. АН-НА’ИМ. القاموس العربی الأوزبکی /Арабча ўзбекча луғат. (Тузувчилар: О.Носиров, М.Юсупов ва бошқалар). // –Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. –Б. 613.

ربيع اول ايردى فصل ربيع

بو ايياتلار بولدى مونداه جميع

Рабиъ ул-аввал эрдиу фасли рабиъ,

Бу абётлар бўлди мунда жамиъ...

Ушбу таҳлиллардан Мутрибнинг “*Оромижон нигорим, сарви равон нигорим*” мисраси билан яқунланувчи 9 бандли мухаммаси биринчи бор кўлэзма девонга, бир йилдан сўнг эса Мутриб Хонахароб томонидан қайта таҳрирланиб, милодий 1909 йилда Табибий тузган мажмуага кўчирилган, деган хулосага келиш мумкин.

Мутрибнинг ушбу мухаммаси Ферузнинг “*Оромижон нигорим, сарви равон нигорим*” мисраси билан яқунланувчи мухаммасига тазмин сифатида яратилган. Огаҳийшунос Фатҳулла Ганихўжаев “Табибий тузган икки мажмуа ҳақида” мақоласида “Мажмуаи мухаммасот аш-шуарои Ферузшоҳий”га киритилган Огаҳий ҳамда Феруз ғазалларига боғланган 32 шоирнинг мухаммаслари, жумладан, айни шу мухаммас ҳақида ҳам маълумот беради¹⁰⁴. Ю.Муҳаммадиева Ферузнинг ушбу мухаммасида “Оромижон нигорим, сарви равон нигорим” мисраси таржеъ бўлиб келгани, бу орқали фикрнинг таъсирчан бўлишига эришилгани ҳақида ёзади¹⁰⁵.

Шоир лирик асарлари жамланган таянч ва таянч ёрдамчи манбаларга кўчирилган “*Оромижон нигорим сарви равон нигорим*” мисраси билан яқунланувчи мухаммас матни ўзаро қиёсланганда улар орасида деярли фарқ кўзга ташланмади. Фақат мухаммас 2-банд, учинчи мисрасидаги “мунча” сўзи D таянч ёрдамчи манбага “*Хуснинг хаёли бирла бошимда турфа савдо*” бўлиб кўчирилган (270^{a/b}-бетлар). Шу банднинг тўртинчи мисрасида ҳам шунга ўхшаш фарқ кўзга ташланди. Масалан, “Токи жафо қилурсан, **тарк** айламассан асло” мисрасидаги “тарк” сўзи D таянч ёрдамчи манбага “**кам**” бўлиб ўзгарган. Асар мазмунига жиддий таъсир этмаса-да, бундай ўзгаришлар мухаммас матнида оз бўлса-да, учрайди. Жумладан, мухаммаснинг тўртинчи

¹⁰⁴Ганихўжаев Ф. Табибий тузган икки мажмуа ҳақида. Адабий мерос. –Тошкент, 1971. №2. –Б. 211-219.

¹⁰⁵Муҳаммадиева Ю. Ферузнинг бадий маҳорати. Ф.ф.б.ф.д. (PhD) дисс. Тошкент, 2021. –Б. 40-41.

банд, биринчи мисраси А таянч манбага “*Шавқ ўтига жонга етгач беихтиёр ўлубман*” каби учрайди. Мисрадаги “ўтига” сўзига “-га” жўналиш келишиги ортиқча кўчирилган. Бу мисра В, D таянч ёрдамчи манбаларга тўғри кўчирилган. Яна бир мисол. Ушбу банднинг учинчи мисраси А таянч ҳамда В таянч ёрдамчи манбаларга “*Лаълинг майини жонон беҳад хумор ўлубман*” каби учрайди. Мисрадаги “Лаълинг майини” бирикмасидаги “-ни” ўрин пайт келишиги D таянч ёрдамчи манбага “-га” жўналиш келишиги билан тўғри кўчирилган.

1134 ҳамда А таянч манбалардаги мухаммас матни ўзаро қиёсланганда, унда айрим матний ўзгачаликлар кузатилди. Котибларнинг эътиборсизлиги сабабли мазкур шеър айрим камчиликлар билан кўчирилган. Масалан, мухаммаснинг тўртинчи мисраси девонга: “*Бу дам келиб бошимга дафъ айлагил хуморим...*” тарзида кўчирилган бўлиб, 1134 рақамли қўлёзма мажмуада эса бу мисра “*Бир тун келиб ёнимга рафъ айлагил хуморим...*” каби таҳрир қилинган.

Луғатда¹⁰⁶ “Рафъ айламак” бирикмаси икки хил маънони англатади. 1. Кўтариш, юксалтириш; 2. Йўқ қилиш. “Дафъ айламак” эса қайтармоқ, рад қилмоқ, кетказмоқ, ҳайдамоқ маъноларига эга. Мухаммасдаги таъкидланган мисра таҳлил қилинганда, мазмунан *дафъ* сўзи тўғрилиги аниқлашади.

Бундан кўринадики, мажмуани асл нусхадан кўчириш жараёнида бу каби айрим нозик жиҳатлар эътибордан четда қолган. Одатда муаллифлар бундай хатога йўл қўймайди. Аммо Мутриб лирик асарлари котиблар томонидан кўчирилиш жараёнида камчиликка учраган. Икки манба орасидаги матний ўзгачаликлар қуйидаги жадвалда кўрсатилди:

№	А таянч манба (2679/II рақамли қўлёзма девон)	1134 рақамли мажмуа
Биринчи банддаги фарқлар:		
1/1	<i>Кўргач юзингни кетди илкимдин ихтиёрим,</i>	<i>Кўргач юзингни кетди илкимдин ихтиёрим,</i>

¹⁰⁶ Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 184.

	<i>Чиқди фалакка, эй шўх, ишқингда оҳу зорим,</i>	<i>Чиқди фалакка, эй шўх, ишқингда оҳу зорим,</i>
	<i>Мағрури ҳуснинг ўлғоч ҳеч қолмади қарорим,</i>	<i>Мағрури ҳуснинг ўлғоч ҳеч қолмади қарорим,</i>
	<i>Бу дам келиб бошимга <u>дафъ</u> айлагил хуморим</i>	<i>Бир тун келиб ёнимга <u>рафъ</u> айлагил хуморим</i>
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		
Иккинчи банддаги фарқлар:		
2/2	<u>Васлингга бермасанг йўл, эй сарвари дилоро</u>	<u>Солди хаёли ҳуснинг бошимга турфа гавго,</u>
	<i>Лаълинг зилолин истаб кўнглумда <u>мунча савдо,</u></i>	<i>Лаълинг зилолин истаб, кўнглумда <u>юз таманно,</u></i>
	<u>Ҳуснинг хаёли бирла бошимда мунча гавго,</u>	<u>Ҳажр офатидин айлаб қаддимни хам мудомо,</u>
	<i>Токай жафо қилурсан, <u>тарк</u> айламансан асло,</i>	<i>Токай жафо қилурсан, <u>кам</u> айламансан асло,</i>
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		
Учинчи банддаги фарқлар:		
3/3	<i>Фаҳм айламансан, эй шўх, ишқингда мубталоман,</i>	<i>Фаҳм айламансан, эй шўх, ишқингда мубталоман,</i>
	<i>Келмасму <u>эмди</u> раҳминг, <u>безори</u> бенавоман,</i>	<i>Келмасму <u>зарра</u> раҳминг, <u>бир зори</u> бенавоман</i>
	<u>Токай</u> тилаб висолинг <u>шоми сахар</u> гадоман,	<u>Ҳар дам</u> тилаб висолинг <u>саргаштаи</u> гадоман
	<i>Васлингдин, эй суманбар, билмон не деб жудоман,</i>	<i>Васлингдин, эй суманбар, билмон не деб жудоман,</i>
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		
Тўртинчи банддаги фарқлар:		
4/6	<u>Шавқ ўти(га)</u> жонга етгач беихтиёр ўлубман,	<u>Ишқ ўти</u> жонга етгач беихтиёр ўлубман,
	<u>Гул оразингни бир</u> дам кўрмакка зор ўлубман,	<u>Меҳри рўхингни ҳар</u> дам кўрмакка зор ўлубман,
	<u>Лаълинг майини(га) жонон, беҳад хумор ўлубман,</u>	<u>Ширин каломинг истаб девонавор ўлубман,</u>
	<u>Ширин каломинг истаб кўб интизор ўлубман,</u>	<u>Лаълинг майига жоно(н) беҳад хумор ўлубман,</u>
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		

Бешинчи банддаги фарқлар:		
5/8	<i>Сансиз манга тириклик даҳр ичра пур жафодур,</i>	<i>Сансиз манга тириклик даҳр ичра пур жафодур,</i>
	<u>Зебо</u> қадинг хаёли кўнглумга муттакодур,	<u>Сарви</u> қадинг хаёли кўнглумга муттакодур,
	<u>Бахтим</u> камолига ҳам лаъли лабинг даводур,	<u>Ҳар</u> гамза(нга), <u>нигоро</u> , <u>жону</u> жаҳон фидодур
	<u>Ҳар</u> гамзанга, <u>нигоро</u> , <u>жону</u> жаҳон фидодур,	<u>Чун</u> мурғи кўнглум ики зүлфунга муьталодур
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		
Олтинчи банддаги фарқлар:		
6/7	<u>Чекмак</u> ишим <u>фигондур</u> лаъли <u>зилолинг</u> истаб,	<u>Тинмай</u> кўзумни <u>ашки</u> лаълинг <u>зилолин</u> истаб,
	<i>Ҳар лаҳза изтиробим икки ҳилолинг истаб,</i>	<i>Ҳар лаҳза изтиробим икки ҳилолинг истаб</i>
	<i>Соргорди <u>оразим</u>, <u>чун</u> <u>нозик</u> <u>ниҳолим(нг)</u> истаб,</i>	<i>Соргорди <u>ранги</u> <u>рўйим</u>, <u>нозик</u> <u>ниҳолинг</u> истаб,</i>
	<u>Жоду</u> кўзинг тиларда <u>парвона</u> <u>холинг</u> истаб,	<u>Қадим</u> дуто юзунгни <u>бир</u> <u>дона</u> <u>холин</u> истаб,
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		
Еттинчи банддаги фарқлар:		
7/5	<i>Ўртар хаёли ҳажринг, <u>эй</u> <u>подшохи</u> <u>хўбон</u>,</i>	<i>Ўртар хаёли ҳажринг, <u>айлаб</u> <u>кўзумни</u> <u>гирён</u>,</i>
	<u>Кулбам</u> сори қадам кўй <u>чекдурма</u> <u>оху</u> <u>афгон</u> ,	<u>Етди</u> чиқарга <u>жоним</u> , <u>эй</u> <u>кокили</u> <u>паришон</u> ,
	<u>Вомуқ</u> гамида қолдим, <u>эй</u> <u>кокили</u> <u>паришон</u> ,	<u>Мунча</u> жафо қилурсан <u>не</u> <u>муддао</u> <u>санга</u> <u>жон</u>
	<u>Мунча</u> жафо қилурсан, <u>не</u> <u>муддао</u> <u>санга</u> <u>жон</u> ,	<u>Чекмак</u> ишим <u>туну</u> <u>кун</u> <u>шавқ</u> <u>ичра</u> <u>оху</u> <u>афгон</u>
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		
Девонга кўчирилган мухаммаснинг саккизинчи банди мажмуага кўчирилган мухаммас байтларидан тубдан фарқ қилади.		
8/4	<i>Кўрма раво жафони бошингдин ойлонаман,</i>	<i>Йиғларам ҳасратингдин бегона бўлмағунча,</i>
	<i>Туз аҳдинга вафони қошингдин ойлонаман,</i>	<i>Тийғи фироқинг ичра вайрона бўлмағунча,</i>

	<i>Етганда, ўн сакизда бошингдин ойлонаман,</i>	<i>Ишқингда даҳр элига афсона бўлмагунча</i>
	<i>Минг жилва бирла отгон тошингдин ойлонаман,</i>	<i>Раҳм айлагил гамингда гамхона бўлмагунча,</i>
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		
Тўққизинчи банддаги фарқлар:		
9/9	<i><u>Бемори ҳажринг ўлдим, эй хўб лаъли хандон,</u></i>	<i><u>Бемори ҳажринг ўлдим, эй лаблари дурафшон,</u></i>
	<i><u>Кўксинг жаҳон бошимга гўёки бўлди зиндон,</u></i>	<i><u>Бўлинг(ди) жаҳон бошимга гўёки, бўлди зиндон,</u></i>
	<i><u>Фурқат яроси ичра бу Мутриби хуш алҳон,</u></i>	<i><u>Нолангни қилмагилким, эй Мутриби хуш алҳон,</u></i>
	<i><u>Бу дам келиб, нигоро, дардимга айла дармон,</u></i>	<i><u>Шояд келиб нигоринг, дардингга қилса дармон,</u></i>
<i>Оромижон нигорим, сарви равон нигорим.</i>		

Жадвалда мухаммаснинг матн тарихи масаласи тўлиқ акс этганини таъкидлаш керак. Д.С.Лихачев фикрича: “*Матн тарихи* тушунчаси муайян асар матнининг барча масалаларини қамраб олади. Асарга алоқадор ҳамма масалаларни фақат тўлиқ (ёки имкон даражасида тўлиқ) ўрганишгина бизга асар матни тарихини том маънода кашф этиш имконини беради¹⁰⁷”. Нурбой Жабборов матн тарихининг бадиий асар яратилиши, китобат қилиниши ва нашр этилишигача бўлган жараёнларни нечоғлиқ қамраб олишини деталлаштириб талқин этади: “...матн тарихи қўлёзма манбалар генеалогиясини текширишдан муаллифнинг ва ҳатто манбани кўчирган котибнинг дунёқарашини ва ғоясини ўрганишгача, асарнинг юзага келишида муаллиф ижодий ниятининг рўёбга чиқишидан унинг яратилишигача у ёки бу даражада алоқадор бўлган бошқа адабий ёдгорликлар билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари тадқиқигача бўлган барча жараёнларни қамраб олади¹⁰⁸”. Бу

¹⁰⁷ Лихачёв Д.С. При участие А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во “Алетейя”, 2001, стр. 33.

¹⁰⁸ Жабборов Н. Ўзбек матншунослиги ва унда матн танқиди, илмий-танқидий матн истилоҳларининг ўрни. / Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, Mumtoz so`z, 2019. – Б.12.

Ўриндаги таҳрирларни “асарнинг юзага келишида муаллиф ижодий ниятининг рўёбга чиқиши” омили билан боғлаш тўғрироқ бўлар эди. Кўринадикки, бир лирик асар доирасида бутун бошли бандлар номувофиқлиги кузатилади. Бу ҳол, аввало, мухаммаснинг мазмунига таъсир этган бўлса, иккинчидан, вазн сакталигини келтириб чиқарган. Масалан, девонга кўчирилган мухаммас матнида “*Бир зори*” сўзи “*Безори*” шаклида, “...ға” қўшимчасининг ортиқча кўйилиши, “*Зилолинг устаб*”, “*Ниҳолинг устаб*” га қофиядош бўлган бирикма мухаммаснинг учинчи мисрасида “*Ниҳолим устаб*” каби берилиши жиддий хатолар юзага келишига сабаб бўлган.

Мажмуадаги хатолар: “*Ҳар ғамза(нга) нигоро жону жаҳон фидодур...*” мисрасидаги “*ғамзанга*” сўзи “*ғамза*”, “*Бўлинг(ди) жаҳон бошимга гўёки, бўлди зиндон...*” мисрасидаги “*Бўлди*” сўзи “*Бўлинг*” тарзидаги матний камчиликлар билан кўчирилган.

Матннинг бундай ўзгаришларга учраш ҳолати юқоридаги жадвалимиз мисолида таҳлил этилди. Жадвалнинг биринчи устунида матннинг тугал, ҳар жиҳатдан мукамал тўғри варианты берилди. Бу ҳол матннинг дастлабки варианты доимо тўғри, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Мухаммаснинг 1134 рақамли қўлёзма мажмуадаги матни шоир томонидан кейинчалик қайта ишланган ва айрим ўзгаришларга учраган. Натижада шеър анча мукамал ҳолга келган. Мисралар мантиқий кетма-кетлигида ҳам тартиб сақланган. Бундай ҳолатларни шоир асарларининг илмий-танқидий матнини яратишда эътиборга олиш зарур.

2.3. Матн таҳрири ва унинг намоён бўлиш усуллари

Матн таҳрири адабий асарларнинг муаллиф дастхати ёки унга яқин вариантларини нашр нусхалари билан қиёсий ўрганиш, юзага келган тафовутларнинг сабабларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай яратилаётган асар бирор мақсадга йўналтирилган ҳолда ёзилади. Шундай экан “таҳрир” жараёни икки усулда намоён бўлади. *Биринчиси*, муаллиф онгли равишда ёки ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеаларига биноан яратган асарининг қайта сайқалланиш жараёнида юзага келган таҳрир,

иккинчиси яратилган асарнинг котиблар томонидан амалга оширилган билвосита ёки бевосита қилинган таҳрир. Рус олими Д.С.Лихачёв “Текстология” китобида таҳрирнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади:

- 1) ғоявий таҳрир;
- 2) услубий таҳрир;
- 3) асардаги фактларни бойитиш, кенгайтиришга қаратилган таҳрир;
- 4) бир неча турни ўзида мужассам этган қоришиқ таҳрир¹⁰⁹.

Матншунос Қ.Пардаев ўзининг тадқиқотида матн таҳририни ғоявий таҳрир, муаллиф таҳрири, котиб таҳрири¹¹⁰ каби турларига ажратиб ўрганади.

Мутриб Хонахароб адабий мероси тадқиқида юқорида келтирилган таҳрир турларини тўлиқ татбиқ этиб бўлмайди. Тадқиқот натижаларига кўра, шоир девони қўлёзмаларига кўчирилган лирик асарлар матнида жиддий ўзгаришлар борлиги намоён бўлади. Шунга кўра, Мутриб асарлари матнига доир таҳрирни қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин:

1. Муаллиф таҳрири (муаллиф ўзи яратган асарнинг кейинчалик матндаги фактларни бойитиши ва кенгайтиришига қаратилган таҳрир);

2. Котиб таҳрири.

1. *Муаллиф таҳрири (муаллиф ўзи яратган асарнинг кейинчалик матндаги фактларни бойитиши ва кенгайтиришига қаратилган таҳрир).*

Мутриб шеърлари матнида муаллиф таҳрирининг қуйидаги уч кўриниши кўзга ташланади:

1. Яхлит шеър байтларининг қисқариши;
2. Байт таркибидаги сўзларнинг ўзгариши;
3. Шеър матнининг қайта ишланиши.

Яхлит шеър байтларининг қисқариши. Таҳрирнинг бу тури Мутриб ижодида ғазал байтларига боғланган мухаммаслар матнида кўпроқ учрайди. Бу ҳол шоирнинг Навоий, Муноис, Огаҳий ғазалларига боғлаган тахмисларида

¹⁰⁹ Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. – М. –Л: Наука, 1964. – С.7.

¹¹⁰ Пардаев Қ. Муқимий шеърлятида матн тарихи, таҳрири ва талқини. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2019. –Б. 47-48.

ёркинроқ кўринади. Масалан, 1134 рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” кўлёзма манбада Мутрибнинг Огаҳий ҳамда Феруз ғазалларига боғлаган 5 та мухаммаси берилган. Булар ЎзР ФА ШИда сақланаётган шоир девони кўлёмаларида учрамайди. Жумладан, шоир Огаҳийнинг *ражази мусаммани солим* (- - V - / - - V -/ - - V -/ - - V -) вазнида яратган “*Жонбахш лаълинг узра то хат қилди пайдо оразинг*¹¹¹” мисраси билан бошланувчи ғазалига тахмис боғлаган. Мухаммаснинг биринчи банди қуйидагича:

*Қилди хирад бегонаси кўргач, нигоро, оразинг,
Айлаб манга ҳар лаҳзада меҳр ошкоро оразинг,
Базмимга еткурди бу тун минг зебу оро оразинг,
Жонбахш лаълинг узра то хат қилди пайдо оразинг,
Хуришд уза жамъ айлади Хизру Масиҳо оразинг. (1134 инв. 22^б, 23^а).*

Шоир Огаҳийнинг 9 байтли ғазалидан учинчи ҳамда олтинчи байтларини тушириб қолдириб, 7 байтига тахмис боғлаган. Тушириб қолдирилган байтлар қуйидагича:

*Зоҳид тилар жаннат гули сарвин магарким кўрмамиш,
Лутф ичра зебо қоматинг ҳусн ичра ҳамро оразинг.
Ойдек юзунг маҳжурлари шом ғамини ёрутур,
Партав манинг шомимга ҳам солгайму оё оразинг.*

Мутриб Огаҳийнинг *ражази мусаммани солим* вазнида ёзилган “*Қошу кўзунг*” радибли ғазалига ҳам тахмис боғлаган. Мухаммаснинг биринчи банди қуйидагича:

*Бир ғамзада солди манго сонсиз аро қошу кўзунг,
Жону дилимга еткурур минг можаро қошу кўзунг,
Ман хастадин ё топдимур журму хато қошу кўзунг.
Ваҳ не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг –
Ким бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзунг.*

¹¹¹ ЎзР ФА ШИ Асосий фонд. Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. Кўлёзма девон. №1529. –Б. 112^{а/б}.

Мазкур ғазал ўн уч байтдан иборат. Шоир томонидан яратилган тахмис эса етти банддан таркиб топган. Кўриниб турибдики, ғазалнинг олти байти, яъни учинчи, бешинчи, саккизинчи, ўнинчи, ўн биринчи ҳамда ўн иккинчи байтлари шоир томонидан тушириб қолдирилган. Мана ўша байтлар:

*Жонимга қўйди доғлар рашиқ ўтидин холи лабинг¹¹²,
Кўнглумга еткурди тумон дарду бало қошу кўзунг.*

*Қошу кўзунг бедодидин дод айласам эрмас ажаб –
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзунг.*

*Йўқтур манго ишиқинг аро юрмак тирик имкониким,
Жонимни ё қадду юзунг олгуси ё қошу кўзунг.*

*Эл қатлини қасд айлабон мастона қилгоч бир назар,
Солди жаҳонга нолайи во ҳасрато қошу кўзунг.*

*Айлай ҳаётим нақдини ҳар дам нисору садқаси,
Ёшурмоғил ман зордин айлаб ҳаё қошу кўзунг.*

*Мажлис фазосида усул этган чоғи раққос ўлуб,
Ҳар гамзада юз жон олур, эй маҳлиқо, қошу кўзунг.*

Мутриб Огаҳийнинг “Оразинг” ҳамда “Қошу кўзунг” радифли ғазалларига тахмис боғлар экан, устози ғазалларининг бирор сўзини ўзгартирмаган. Аммо ғазалнинг аксар байтлари тушириб қолдирилган. Бизнингча, бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, шоир Огаҳий томонидан яратилган ушбу ғазалларнинг баъзи байтларига ҳар жиҳатдан мувофиқ келувчи тахмис боғлашга журъат эта олмаган;

иккинчидан, шоир таянган манбада, яъни баёз, мажмуа ёки девонларга кўчирилган вариантлардаги қўлёзмаларда юқоридаги байтлар қисқарган ҳолда берилган бўлиши эҳтимоли бор;

учинчидан, шоир ғазалнинг ўзи танлаган байтларигагина тахмис боғлаган бўлиши мумкин.

2. Байт таркибидаги сўзларнинг ўзгариши.

¹¹² ЎзР ФА ШИ Асосий фонд. Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. Қўлёзма девон. №1529. –Б. 116^б-117^а.

Мутриб Хонахаробнинг девон қўлёзмаларига киритилмаган мухаммаслари 1127 рақамли қўлёзмага ҳам кўчирилган. Бу қўлёзмага киритилган мухаммаслар 1134 рақамли қўлёзмада ҳам учрайди.

Ушбу икки қўлёзма манбадаги мухаммаслар матни ўзаро солиштирилганда улар орасида айрим матний ўзгачиликлар борлиги аниқланди. Таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган иккала манбада ҳам мухаммаслар Феруз қаламига мансуб “*Оҳиста-оҳиста*” ғазалига боғланган. Хулосалар аниқ бўлиши учун аввало, ғазал матни Хива Ичонқалъа музейида сақланаётган 5884/11 рақамли “Ғазалиёти Феруз” манбаси асосида текширилди. Қиёсий ўрганиш натижалари Феруз ғазали айрим байтлари Мутриб мухаммасида негандир, ўзгартирилган ҳолда учрайди. Жумладан, ғазалнинг иккинчи байтидаги “*қилғали*” сўзи 1127 (57^б-бет), 1134 (54^{а/б}-бет) рақамли қўлёзма мажмуаларга “*айлади*” тарзида ўзгаришга учраган. Мухаммаснинг ушбу банди қуйидагича:

*Узорин гулгул айлаб жаннатосо ўлғали гулшан,
Тараҳҳумлар қилиб, билкулл бўлурға бу кеча бир тан,
Кўруб ҳоли харобим ҳажр аро ул дилбари пурфан,
Фироқида қароргон кўзларимни айлади равшан,
Очиб рухсорайи хурийдсон оҳиста-оҳиста.*

1127 рақамли мажмуада “Очиб рухсорайи” бирикмасидаги “**рухсорайи**” сўзи “**рухсорани**” шаклида кўчирилган. Ушбу ғазалнинг саккизинчи байтидаги “Кучарсан, куч” бирикмаси мухаммасда “Вагар кучсанг” тарзида таҳрир этилган:

*Агар истарсен ўпмакликни энг жонфизо лаълим,
Кучарсан куч белим энгу миён оҳиста-оҳиста(5884/11-инв. 105^а-бет).*

Мутриб мухаммасида:

*Агар истарсен ўпмакликни энг жонфизо лаълим,
Вагар кучсанг белим энгу миён оҳиста-оҳиста.*

Бу каби таҳрирлар, яъни ўзи мухаммас боғлаётган ғазаллар матнидаги бундай ўзгаришлар Мутриб томонидан амалга оширилгани ҳақиқатга яқин,

бизнингча. Негаки, айрим ҳолларда бундай ўзгаришлар шоир томонидан амалга оширилган.

Профессор Нурбой Жабборов таҳрирни ҳажм ва кўламига кўра икки турга бўлиб ўрганишни тавсия этади: “1) бутун матн таркибига оид таҳрир; 2) матннинг алоҳида қисмига алоқадор таҳрир¹¹³”. Мисоллардан ҳам кўришиб турибдики, ўрганилаётган манбадаги таҳрирлар асосан матннинг алоҳида қисмига оид.

Мутриб Ферузнинг “*Дедим, кўзумни равшан эт, меҳри жамолинг кўрсатиб*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалига ҳам тахмис боғлаган. Феруз ғазалининг мақтаёига ҳам Мутриб томонидан жузъий таҳрир киритилган. Масалан, “Дедим, кўзунгдин ўргулай Ферузга бир бўса бер...” ни мухаммас мисраларидаги “дилсўзга”, “қундузга”, “наврўзга” сўзларига мос равишда “Ферузга” тарзида ўзгартирилган (1127(78^б-бет) рақамли қўлёзма; 1134(79^{а/б}-бетлар) рақамли қўлёзма). Шеър матни қуйидагича:

*Фош айлабон меҳру вафо ман ташнайи дилсўзга,
Келди қошимга чўлганиб, санжоб ила қундузга,
Эй Мутрибо, эмди дўнуб, ҳар бир кунинг наврўзга,
Дедим, кўзунгдин ўргулай, бир бўса бер Ферузга,
Деди, юзумни оғритур ҳар ён хатинг ниши ботиб.*

Ферузнинг тўққиз байтли *ражази мусаммани солим* вазнидаги “*Лабинг*” радифли ғазалига ёзилган Мутриб тахмиси иккинчи бандида ғазалда қўлланган “жовидон”, “жонон” сўзлари мухаммас матнида “тозаким”, “ҳайвон” тарзида ўзгартирилади. Масалан,

*Лаълингни бир ўпмак била топдим ҳаёти **жовидон**,
Иъжози Исому экан ё шарбати **жонон** лабинг [1152-инв.].*

*Лаълингни бир ўпмак била топдим ҳаёти **тозаким**,
Иъжози Исому экан ё шарбати **ҳайвон** лабинг [1134-инв.].*

¹¹³ Жабборов Н. Бадий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. – “Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари” мавзuidaги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2014. –Б. 28.

Феруз ғазалининг еттинчи байти ҳам жузый тахрир қилинган. Мутриб “Доим кўнгулда сақлабон пинҳон лабингнинг шавқини” (1152(387^б-288^а-бетлар) рақамли кўлёзма) мисрасида “-нинг” қаратқич келишигини тушириб, шеър мисраларининг биринчи, иккинчи, учинчи мисраларига мос равишда “-ни” тушим келишигини қўллайди. Масалан:

Жон ичра тун-кун асрадим жонон лабингни шавқини,

Айлаб дили маҳзунима меҳмон лабингни шавқини,

Хавф айлаб агёр аҳлидин олон лабингни шавқини,

Доим кўнгулда сақлабон пинҳон лабингни шавқини,

Энди етибман ўлгали ўптур манго пинҳон лабинг(1134-инв. 79^{а/б}).

Матншунос Нафас Шодмоновнинг ёзишича: “... матн муаллифи ҳаракатдаги воқеликни акс эттирар экан, муайян ижодий руҳий жараёни кечиради. Шу жараёнда у объектив ва субъектив сабаблар таъсирида матннинг айрим ўринларига муносабатини ўзгартириши ва уларга турли ҳажмлардаги тузатишлар киритиши мумкин. Бундай тузатиш ва ўзгартиришлар матннинг материали, яратилиши, шаклланиши, қурилиши ва ҳоказо тарихий, бадий, ғоявий ҳамда услубий жиҳатларини ўрганишга асос бўлади”. Гарчи мажмуадаги Мутриб шеърларида ҳаракатдаги воқелик акс этмаган бўлса-да, муаллиф муайян ижодий руҳий жараёни кечиргани аниқ. Матндаги тахрирлар айна шу ижод жараёни маҳсули сифатида баҳоланмоғи керак. Шу боис тахрирлар асосан матнни мукаммаллаштиришга хизмат қилган.

2. *Шеър матнининг қайта ишланиши.* Адабиёт тарихида ижодкор ўзи ёзган асарларини вақт ўтиши билан кейинчалик ҳам қайта ишлаган ҳолатлар бўлган. Бунда айниқса, шеърини асарлар ижодкор томонидан сайқалланиб, ҳар томонлама мукаммал кўринишга келтирилган. Мутрибнинг 1908 йилда А таянч манбага кўчирилган *рамали мусаммани маҳзуф* вазнида ёзилган “Кўр” радифли ғазали ҳам муаллиф томонидан (ҳижрий 1328/1910 йилда кўчирилган) қайта тахрир этилиб, 2025 рақамли кўлёзма баёзга киритилган. Таъкидлаш керакки, тахрирга учраган ушбу ғазал бадий жиҳатдан

такомиллашган, поэтик жиҳатдан бойитилган. Қуйида шу ғазал байтларини кетма-кет тартибда келтирамиз:

Биринчи байт:

*Офати ҳажрингдин, эй гул, чаими гирёнимни кўр,
Булбулосо гул юзинг шавқида нолонимни кўр.*

(2679-инв. 117^б-118^а-бетлар).

*Кўнглум ичра, эй суманбар, доғи ҳижронимни кўр,
Ишқ аро Мажнун каби чоки гирибонимни кўр(2025-инв.107^б-бет).*

Иккинчи байт:

*Ваҳки, рухсорим хазон ҳажр ила пажмурдадур,
Нотавон кўнглумда сонсиз дарди пинҳонимни кўр*(2679-инв).

*Бодайи васлингдин, эй гул, ваҳки, масрур ўлмайин,
Фурқатингдин кеча-кундуз чаими гирибонимни кўр*(2025-инв).

Учинчи байт:

*Лабларингни кавсаридин қатра эҳсон айлаким,
Етди лабга чиқғали тандин ҳазин жонимни кўр*(2679-инв).

*То кўруб, гулзор ҳуснингни хираддин ойрулуб,
Булбулосо дам-бадам фарёди афғонимни кўр*(2025-инв).

Тўртинчи байт:

*Қон тўқуб ики кўзумдин рўзу шаб гам даштида,
Ишқ аро Мажнун каби чоки гирибонимни кўр*(2679-инв).

*Интизорингдин туганмас дардима побаст ўлуб,
Кўнглум ичра неча юз лак дарди пинҳонимни кўр*(2025-инв).

Бешинчи байт:

*Ўртанурман ҳажринг ичра ўтга тушиган қил каби,
Қилғали бир дам мурувват қалби сўзонимни кўр*(2679-инв).

*Айлаб ўзримни қабул, эй гул, хиром эт, ман сори,
Бўлса не журмим санга, ондин пушаймонимни кўр*(2025-инв).

Олтинчи байт:

*Юзланиб минг турфа меҳнатлар фироқинг ичраким,
Ҳар нафас оромисиз фарёди афғонимни кўр*(2679-инв).

*Фош этиб, меҳри вафо бу кеча кулбамга келиб,
Шавқ ўтига лаҳза-лаҳза қалби сўзонимни кўр*(2025-инв).

Еттинчи байт:

Зор йиглаб, лаҳза тинмас ишқ аро Мутриб каби,

Кўзларимдин зоҳир¹¹⁴ ўлгон ашки тўфонимни кўр(2679-инв).

*Мутрибосо, гам чекиб, доим сурури ишқ аро,
Мунча дарди фурқат ичра чиқмагон жонимни кўр(2025-инв).*

Мутрибнинг юқорида келтирилган ғазали А (таянч манба) ҳамда 2025 рақамли манбалардаги варианты билан қиёсланганда мисралардаги ўхшашлик фақат битта мисрада айнан сақланганлиги кузатилди. Бу “Ишқ аро Мажнун каби чоки гирибонимни кўр” мисраси бўлиб, шоир лирик асарлари кўчирилган кўлёзма девонда саккизинчи мисрада келган. Кейинчалик 2025 рақамли кўлёзма баёзга иккинчи мисрага кўтарилган. Бизнингча, ғазал байти тартибининг бундай ўзгариши ўзини оқлаган.

Котиб таҳрири. Мутрибнинг лирик мероси орасида учрамайдиган яна бир мухаммас матнида котиб томонидан таҳрирлар кўзга ташланади. У Ферузнинг савол-жавоб шаклидаги *ҳазажи мусаммани солим* вазнида ёзилган “*Дедим, кўзумни равшан эт, меҳри жамолинг кўрсатиб*”, деб бошланувчи етти байтли ғазалига тахмис боғлаган. Ушбу мухаммас орасидаги ўзгариш Феруз ғазалининг тўртинчи мисрасида учрайди. Мисрадаги **санго бергум они** бирикмаси 1134 рақамли кўлёзма мажмуага сўзлар ўрни ўзгартирилган ҳолда кўчирилган. Мисра ғазалда куйидагича:

*Дедим, висол ичра лабинг шаҳди манинг комим эрур
Деди, **санго бергум они** захри фироқ ичра қотиб (1152-инв. 78^б-бет).*

Байтга боғланган мухаммас банди эса:

*Бағримни қони ҳажр аро саҳбойи гулфомим эрур,
Ишқ ичра чеккан нолишим зотингга пайғомим эрур,
Токим тирикман, ҳалқаи зулфинг мани домим эрур,
Дедим, висол ичра лабинг шаҳди манинг комим эрур,
Деди, **они бергум санго** захри фироқ ичра қотиб – тарзида битилган.*

1134(79^б-бет)инв. кўлёзма.

Худди шу мухаммас 1127 (78^б-бет) рақамли кўлёзма мажмуага 1152 рақамли манбага мувофиқ кўчирилган. Мухаммаснинг тўртинчи банди 1134

¹¹⁴ Кўриниб турган, очик-ошкор, юзадаги.

рақамли қўлёзма мажмуага “Базм ичра топти шодлиғ бу лаҳза кўнглум уйи” тарзида “кўнглумнинг” сўзидаги “-нинг” қаратқич келишиги тушириб кўчирилган. Ушбу мухаммас матни 1127(23^б, 24^а-бет) рақамли қўлёзма орқали тикланиши зарур. Таҳрир қилинган банд қуйидагича:

*Базм ичра топти шодлиғ бу лаҳза кўнглумнинг уйи,
Сунбулму атрафшон эрур бошингни, жоно, гесуйи,
Кетди кўзумдин тийралиғ тушигач жамолинг партави,
Дедим, лабингни шарбати, ширинму ё кавсар суйи,
Деди, бўлурму ҳар сувни оби бақога ўхшотиб.*

Охирги мисрадаги “сувни” сўзи 1127 рақамли қўлёзмага 1152 рақамли манбадаги سويى (суйи) тарзида кўчирилган.

“Они бергум санго” бирикмасининг ўрни ўзгариши асар мазмунига таъсир этмаган. Аммо котибнинг эътиборсизлиги боис “-нинг” қўшимчаси тушириб кўчирилиши вазнда сакталиқни юзага келтирган.

Мутрибнинг А таянч манбага кирган иккита мусаддаси 1134 рақамли мажмуа таркибида ҳам учрайди. Булар: “*Машъали базмима ҳуснини балосини кўрунг...*”, “*Гулшан ичра жилвау юз нози изҳор айлади...*” мисралари билан бошланади.

Ушбу шеърлар матни қиёсланганда, улар орасида айрим ўзгачалиқлар кузатилади. Жумладан, етти бандли “*Машъали базмима ҳуснини балосини кўрунг...*” (А таянч манба. 231^{а/б}-бетлар) мисрасидаги “балосини кўринг” бирикмаси мажмуага “жилосини кўринг” тарзида кўчирилган. Шу ўринда “*Машъали базмима ҳуснини жилосини кўрунг...*” варианты мазмунан тўғри эканини таъкидлаш керак. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, келгусида шоир асарларининг илмий-танқидий матнини тайёрлашда ушбу мусаддас матни 1134 рақамли қўлёзма мажмуадаги вариант асосида тикланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қуйидаги жадвалда “*Гулшан ичра жилвау юз ноз изҳор айлади...*” мисраси билан бошланувчи иккинчи мусаддас матнидаги тафовутлар келтирилди:

Шеър банди ва мисраси	А таянч манба	1134 рақамли қўлёзма мажмуа
1/1	“Қилмадим комим раво <u>ул</u> ёрлиғ ҳангомида” (232 ^б -бет)	“Қилмадим комим раво <u>чун</u> ёрлиғ ҳангомида” (209 ^а -бет).
3/1	<u>Доимо</u> кўргач ўзин мажнунишиор айлар онго...	<u>Дахр эли</u> кўргач ўзин мажнунишиор айлар онго...
6/3	Оҳким, эҳсони лутф ила даме <u>шод</u> этмайин, Хаста кўнглумни заму ҳижрондин <u>озод</u> этмайин, <u>Лабларини кавсаридин</u> қатра <u>хайрод</u> этмайин, Мутриби саргаштани бир жом ила <u>ёд</u> этмайин, Дўстлар, ул дилрабо шиқи мани зор айлади, Рашик тийғи жон ила кўнглумни афгор айлади.	Оҳким, эҳсони лутф ила даме <u>шод</u> этмайин, Хаста кўнглумни заму ҳижрондин <u>озод</u> этмайин, <u>Лабларидин кавсарини</u> қатра <u>харидор</u> этмайин, Мутриби саргаштани бир жом ила <u>ёд</u> этмайин, Дўстлар, ул дилрабо шиқи мани зор айлади, Рашик тийғи жон ила кўнглумни афгор айлади.

Кўринадики, “ул” сўзи “чун”, “доимо” сўзи эса “дахр эли” тарзида тахрир этилган. Шеърнинг кейинги “Лабларини кавсаридин қатра хайрод этмайин” мисраси “Баёзи мажмуа”га “Лабларидин кавсарини қатра харидор этмайин” тарзида кўчирилиши асар мазмунини тубдан ўзгартириб юборади. Айниқса, “Харидор” сўзи мусаддаснинг кейинги мисраларидаги *шод*, *озод*, *ёд* сўзларига қофиядош сифатида кўчирилиши мантиқан нотўғри.

Умуман, манбалар таҳлили асосида айтиш мумкинки, ушбу шеър матни фақатгина А таянч манбадагина мукамалроқ тарзда учрайди. 1134 рақамли манбадаги мусаддаслар матнида кўплаб вазн, қофия бузилиши билан боғлиқ нуқсонлар бор.

А таянч манба ҳамда В таянч ёрдамчи манбаларига кўчирилган “*Майи лаълинг била жонимни дафъи хумор этгил*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг бешинчи байти қиёсланганда улар орасида қуйидаги фарк борлиги кузатилди:

*Очиб гулзори хуснинг чехрайи бахтимни сиёҳидин,
Бори айшим хазондур, тийра бахтимни баҳор этгил.*

(А таянч манба. 151^б-бет).

*Бори айшим хазондур, чехрайи бахтим сиёҳидин,
Очиб гулзори хуснинг, тийра бахтимни баҳор этгил.*

(В таянч ёрдамчи манба. 235^а-бет).

(Чехрайи бахтим сиёҳидин барча турмушим хазон кабидир, гулзор хуснингни очиб, ҳаётимни ўқ тезлиги каби (келиб) баҳор этгил).

Иккинчи берилган байтда, ошиқнинг чехрайи бахти (сиёҳидин) қора бўлганидан барча турмуши хазон бўлгани, (ёр) гўзал (гулзор) хуснини очиб (келиб), (ошиқнинг) ҳаётини ўқ тезлиги каби баҳор этиши кераклиги англашилади. Ушбу байтда шоир тазод(хазон-баҳор)дан моҳирона фойдаланган.

Биринчи байтда: (ёрнинг) гўзал хусни (ошиқнинг) чехрайи бахти қоралигидандир. Барча турмуши хазондур, (ёр унинг) ҳаётини ўқ тезлиги каби баҳор этиши кераклиги мазмуни тушунилади. Байтда муаллиф айтмоқчи бўлган фикр сақланмаслиги натижасида ғазалда англашилган мазмун ўзгариб, мантиқ бузилиши юзага келган.

В (273^а-бет) таянч ёрдамчи манбага кўчирилган “*Ўтуб қиш мавсуми базм эли фасли баҳор ўлди*” мисраси билан бошланувчи қасиданинг қирқ саккизинчи мисрасида “*шикор*” сўзи учрайди. Бу сўз А таянч манбага “*нигор*” бўлиб кўчирилган. Шеър матни қуйидагича:

*Етиб ҳар дам ситам аҳлига адлидин сиёсатдур,
Мудом иқболи шаҳборига душманлар шикор ўлди.*

Ҳар дам ҳақсизлик, зулм қилганларга адолат ҳукмрондур, давлатнинг энг аъло дурига душманлар доим шикор(овламоқ мазмунида) бўлди, мазмуни англашилади. Бу байт мазмунига “нигор” сўзи умуман мос тушмайди.

Шунга ўхшаш яна бир мисол, шу қасиданинг эллик тўртинчи мисрасидаги “адлидин” сўзи 903/IV рақамли кўлёзма девонга “лутфидин” бўлиб кўчирилган. Қасида байти қуйидагича:

Муалло остонидин топиб фақру гино роҳат,

*Салотин аҳли доим **адлидин** умидвор ўлди*(А таянч манба. 234^а-бет).

В таянч ёрдамчи манбада:

Муалло остонидин топиб фақру гино роҳат,

Салотин аҳли доим лутфидин умидвор ўлди.

Биринчи байт: баланд, юксак (муалло) остонасидин камбағал ва бойлар роҳат топиб, (халқ) Султонларнинг адолат кўрсатишидин доим умидвор бўлди. Халқ шоҳларнинг адолатли бўлишидан умидвор. Шунда камбағал ҳам бой ҳам роҳат топади.

Иккинчи байт: баланд остонасидин камбағал ва бойлар роҳат топиб, (халқ) Султонларнинг марҳаматидан, яхшилик қилишидан доим умидвор бўлди. Бизнингча иккинчи байтдаги “лутфидин” сўзи кенг қамровга эга. Сабаби, ушбу сўз адолат, эҳсон, меҳр-шавқат каби ҳислатларни ўзида мужассам этади.

Шоир девон қўлёзмаларига кўчирилган “*Комимча ишрат этмадим бир кеча жононим била*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли *ражази мусаммани солим вазнида* ёзилган ғазал кўчирилган. Бу ғазалнинг еттинчи мисрасида “Жон ваҳми тушмиш жисмима” бирикмаси учрайди. Бу бирикма А таянч ҳамда В, Д таянч ёрдамчи манбаларга қуйидагича кўчирилган:

Ваҳ, найлайин шавқ ўтидин дод айлабон аҳбоблар,

Хам бўлди билкулл қоматим ҳоли паришоним била.

(А таянч манба. 196^а-бет.)

Ваҳ, найлайин шавқ ўтидин дод айламай аҳбоблар,

Хам бўлди билкулл қоматим ҳоли паришоним била.

(В таянч ёрдамчи манба. 253^б-бет.)

Ваҳ, найлайин шавқ ўтидин жон тушмиш жисмима,

Хам бўлди билкулл қоматим ҳоли паришоним била.

(Д таянч ёрдамчи манба. 275^а-бет.)

Биринчи ва иккинчи байтлардаги “айлабон” сўзи “айламай” тарзида ўзгариши ғазал вазнига таъсир этмаган. Бироқ мазмун ўзгарган. Учинчи

байтдаги “жон тушмиш жисмима” бирикмаси вазнга таъсир этиб, ғазал мазмунининг ўзгаришга сабаб бўлган.

Ушбу мисра 2028 (162^{a/b}-бетлар) рақамли қўлёзма баёзга “Ваҳ, найлайин шавқ ўтидин жон ваҳми тушмиш жисмима” тарзида тўғри кўчирилган. Бу қўлёзмаларнинг барчаси шоир яшаган даврда кўчирилган бўлиб, кўчирувчи томонидан хатоларга йўл қўйилган.

Мутриб Хонахаробнинг девон қўлёзмаларида учрамайдиган ғазаллари матнида ҳам бир қанча сакталиклар кўзга ташланди. Бу сакталиклар котиб томонидан билвосита ҳамда бевосита амалга оширилган таҳрир, десак адашмаймиз. Қуйида булар ҳақида маълумот берилади:

Ҳижрий 1328/1910 йилда Муҳаммад Шариф Муҳаммад Яъқуб девон ба Харрот томонидан кўчирилган 2025 рақамли қўлёзма баёз матнида шоирнинг айрим ғазалларидаги сўзлар ишлатилишида баъзи камчиликлар ҳам учрайди. Масалан, рамали мусаммани маҳзуф (-V - -/-V- - /-V - - /- V -) вазнида ёзилган *Кўнглум ичра, эй суманбар, доғи ҳижронимни кўр*” мисраси билан бошланувчи ушбу ғазалнинг тўртинчи байтидаги “**юз лак**” бирикмаси “**юз лек**” тарзида кўчирилган. Табиийки, бу ҳол байт мазмунига таъсир кўрсатган:

Интизорингдин туганмас дардима побаст ўлуб,

*Кўнглум ичра неча **юз лек** дарди пинҳонимни кўр.*

(Қўлёзма, 107^b-бет).

Маълумки, “лек” сўзи Навоий асарлари луғатида “лекин” сўзининг қисқарган шакли сифатида берилган¹¹⁵. Ушбу зидлов боғловчиси ғазал мазмунининг бузилишига сабаб бўлган. Аслиятда бу сўз لک (лак) шаклида ёзилган. “Лак” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “юз минг” маъносига эга. Котиб эса бу сўзга “ى” (и) ҳарфини ортиқча қўшиб, لیک (лек) тарзида “таҳрир” этган. Ҳолбуки, матншунос Нурбой Жабборов фикрича: “Матннинг муаллиф

¹¹⁵Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброхимов). – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 336.

иштирокисиз амалга оширилган ҳар қандай таҳрири асар моҳиятига зарар етказиши жиҳатидан мақсадга мувофиқ эмас¹¹⁶”.

Шеър мазмунида ошиқ ёрини кутиб, туганмас дардга гирифтор бўлганидан кўнглидаги дард неча юз мингдан ҳам юз карра ортик даражага етганини англаш мумкин. Ушбу мисраларда шоир муболаға санъатининг ғулув туридан фойдаланган. Бундан кўринадики, матн мазмуни “юз лек” бирикмаси ўрнига “юз лак” бўлишини талаб этади.

Шу ғазалнинг тўққизинчи мисрасида *عذار* (узр) сўзи учрайди. Бизнингча бу сўз аслиятда *عذر* (узр) бўлган. Ғазал байти қуйидагича:

Айлаб узримни қабул, эй гул, хиром эт, ман сори,

Бўлса не журмим санга, ондин пушаймонни кўр.

Айлаб узримни қабул, эй гул, хиром эт, ман сори,

Бўлса не журмим санга, ондин пушаймонимни кўр.

“Узор” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, юз, бет; чакка маъноларни билдиради. “Узр” сўзи эса уч хил маънони ифодалайди: 1. Кечирим; 2. Баҳона, сабаб; 3. Камчилик¹¹⁷.

Байтда ошиқ ёридан узрини қабул қилиб, у томон хиром этишини, хатоларидан пушаймон эканини кўрмоғини илтижо этгани ифодаланган. Аён бўладики, “узр” сўзининг қўлланиши ғализ. Шу байтда котиб яна бир хатога йўл қўйиб, “Ондин пушаймонимни кўр” бирикмасидаги “-им” қўшимчасини тушириб кўчиради. Натижада фикр ифодасидаги мантиқ бузилган.

6932 рақамли қўлёзма баёз ҳижрий 1328/1908 йилда *Мулло Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Яъқуб девони мулаққаб ба Харрот* томонидан кўчирилган. Негадир, ушбу баёздаги Мутриб ғазалларининг айримлари матни сакталиклар билан кўчирилган. Жумладан, шоирнинг “*бир манму?*” радифли

¹¹⁶Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. //Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари (Илмий мақолалар тўплами). – Т.: Mumtoz so‘z, 2014. – Б. 28-32.

¹¹⁷Навойи асарлари луғати. (Тузувчилар: П.Шамсиев,С.Иброҳимов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 622-623.

ғазалининг саккизинчи мисрасидаги “*ҳажринг*” сўзи эса икки марта такрор келган:

Чиқарга етди жоним эмди ваҳми ижтинобингдин,

Буким, ҳажринг ҳажринг ўтини пайкари сўзони бир манму?

Бундай камчиликларни кўплаб учратиш мумкин. Ана шу камчиликлардан яна бири шоирнинг “*Қил*” радибли ғазали биринчи мисрасида кузатилади. Мисрадаги “*Хандон қил*” бирикмасидаги “*хандон*” сўзига “*-дин*” қўшимчаси ортиқча қўшилган:

Мани жоно висолинг шаҳидин масрури хандондин қил,

Дамодам кўргузуб лутфи карам озоди ҳижрон қил.

“*Бу кеча базмимга келган лаъли хандониммудур*” мисралари билан бошланувчи ғазалининг биринчи мисрасидаги “*Лаъли хандониммудур*” бирикмаси “*Лаъли хандондур*” яъни “*-имму*” қўшимчаси тушириб кўчирилган:

Бу кеча базмимга келган лаъли хандониммудур,

Сунбулосо ики юз анбарафшониммудур.

Табиийки, бу ҳол вазн бузилиши билан бирга шеърнинг оҳангдорлигига ҳам путур етказган.

Мутриб Хонахароб асарлари қўлёзма манбаларида учрайдиган котиб томонидан йўл қўйилган камчиликларни асарнинг бошқа нусхалари асосида тиклаб, тўғри варианты берилиши зарур. Бироқ шоир асарларининг қайта кўчирилган манбалари бўлмагани сабабли айрим қийинчиликларга дуч келинди. Бироқ фикр-мулоҳазаларимизни асослашда матншунос олимларимизнинг қарашларига асосландик. Матншунос Ш.Сирожиддинов фикрича: “... агар бундай имконият бўлмаса, матншунос ички мантиқи билан шеър қофияси, радифи асосидаги сўз вариантини танлаб олиши зарурати яққол сезилади”¹¹⁸. Котиб томонидан йўл қўйилган бу каби таҳрирларнинг

¹¹⁸ Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Тошкент, 2019. – Б. 68.

амалга оширилиши Мутриб асарларининг мазмун доирасига, вазнига салбий таъсир этган.

Ушбу бобдаги илмий кузатувларимиздан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мутриб Хонахароб асарларининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, Хива Ичонқалъа музейи, ЎзР ФА ШИ, Ҳамид Сулаймон фондида 2679/II, асосий фондида сақланаётган 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмалари қиёсий ўрганилиб, Мутриб Хонахароб асарлари кўчирилган девон қўлёзмалари орасидан *таянч манба* сифатида 2679/II рақамли қўлёзма девон танланди ҳамда “А” ҳарфи билан белгиланди. Қолган 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмалари *таянч ёрдамчи манбалар* сифатида олинди. Булар “В”, “Д” ҳарфлари билан белгиланди.

2. Мутриб Хонахароб девон қўлёзмаларидаги ғазалларнинг қиёсий ўрганилиши натижасида бир қанча хатолар кўзга ташланди. Бу ҳолни бартараф этиш учун шоир яшаган даврда кўчирилган қўлёзма баёз, қўлёзма тазкира, қўлёзма мажмуалардаги Мутриб шеърлари таҳлил этилди. Ушбу қўлёзма манбалар шоир шеърлари матнини тиклашда *ёрдамчи манба* вазифасини ўташини таъкидлаш керак.

3. Шоир шеърӣ асарларини ўрганишда матн тарихи муаммоси биринчидан, бир лирик асар доирасида сўз ва мисраларнинг ўзгариши, иккинчидан, бир лирик асардаги банднинг тубдан фарқ қилиши жиҳатидан юзага келгани мисоллар орқали кўрсатиб берилди.

4. Шоир назмӣ асарларида матн таҳрири масаласи 1) муаллиф ўзи яратган асарнинг кейинчалик матндаги фактларни бойитиши ва кенгайтиришига қаратилган таҳрир; 2) котиб таҳрири каби илмӣ тасниф асосида амалга оширилди. Ишнинг бундай тасниф асосида бажарилиши муаллиф вариантига яқин, ишончли матнларини тиклаш имконини бериши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

III БОБ. МУТРИБ АСАРЛАРИ АСЛИЯТ ВА НАШР НУСХАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-МАТНИЙ ТАДҚИҚИ

3.1. Мутриб асарларидаги матн тафовутлари таҳлили

Ҳар қандай асарнинг манбалараро матний тафовутларини аниқлаш ва муаллиф вариантыга яқин мукаммал вариантини тиклаш матншуносликнинг асосий муаммоларидан ҳисобланади. Шу пайтгача Мутриб илмий фаолияти хусусида баъзан умумий тарзда, баъзан махсус мақолалар эълон қилинган бўлса-да, шоир шеърлари матний жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган. Шоирнинг XIX аср охири XX аср бошларида кўчирилган девон қўлёзмалари, қўлёзма баёзлар, мажмуа (тўплам) ҳамда тазкираларга киритилган шеърларидан айримлари жорий имлода нашр этилган. Ушбу нашрларни шоир асарларининг аслияти билан қиёслаганда улар орасида матний тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Бундай матний хатоликлар табиийки, айрим ўринларда сўзларнинг нотўғри ўқилишига олиб келган бўлса, айрим ҳолларда шоир ифодамоқчи бўлган поэтик мазмуннинг ўзгариб кетишига, мантиқдан узоқ ғализ жумлалар юзага келишига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида, Мутриб асарларининг аслият асосидаги қиёсий-матний тадқиқини амалга оширишни кун тартибига кўяди.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқотда Мутриб лирик асарлари аслияти (девон қўлёзмалари, қўлёзма тазкира, мажмуа (тўплам), баёзлардаги шеър матнлари) билан уларнинг нашр вариант (ҳозирги кунда эълон қилинган вақтли матбуот нашрлари, интернет саҳифалари, шоир шеърларининг турли тўплам(рисола-мажмуа, ўзбек адабиёти хрестоматияси)лари ўзаро муқояса этилди. Таъкидланганидек, шоир асарлари нашрга тайёрланиш жараёнида ўзгаришларга учраган ва бу ўзгаришларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. *Байт ва мисраларнинг тушиб қолиши;*
2. *Сўзларнинг нотўғри ўқилиши;*
3. *Изофаларнинг ноўрин қўлланилиши ҳамда тушириб қолдирилиши;*
4. *Кўшма сўзларнинг тўғри ёзилмаслиги;*
5. *Сўзларнинг лексик жиҳатдан фарқ қилиши.*

1. Байт ва мисраларнинг тушиб қолиши. В (264^a-бет) таянч ёрдамчи манбада Мутрибнинг “Этдинг мани” радифли ғазали берилган. Ғазал 7 байтдан иборат бўлиб, у “Гулистон журнали”нинг 1974 йил 7-сони(28-бет)да нашр этилган. Бироқ ғазал нашрда 6 байт шаклида учрайди:

*Наззорайи хуснинг учун ҳар лаҳза фурқат даштида,
Қон йиғлатиб, даҳр аҳлига безътибор этдинг мани.*

Бу байт девон кўлёмасига тўртинчи ўринда келади. Аммо асосиз равишда нашрдан тушириб қолдирилган.

В (205^b-бет), D (139^b-бет) таянч ёрдамчи манбаларга “Фидо” радифли 7 байтли ғазал кўчирилган. Бу ғазал ҳам М.Пирназаровнинг “Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа)¹¹⁹” рисоласига (7-бет) 6 байт қилиб берилади. Қуйидаги бир байт нашрдан тушиб қолган ва у девон кўлёмаларида тўртинчи ўринда учрайди:

*Раҳм этиб, кулбам сори қилсанг хиромон ноз ила,
Жисми жоним йўлингга, эй кўнглум олгоним, фидо.*

Мутрибнинг В (208^a-бет), D (241^b-бет) таянч ёрдамчи манбаларга кўчирилган “Ё раб” радифли 7 байтли ғазали ҳам рисола-мажмуа (11-бет)да 6 байт ташкил этади.

*Вафо меҳрин тилаб ажзу ниёз этсам жанобига,
Қилур ҳар кун фузунроқ, жонима жавру ситам, ё, раб.*

Юқоридаги байт аслиятда бешинчи ўринда берилган.

В (208^b-бет), D (242^a-бет) таянч ёрдамчи манбалардаги 7 байтли “Кўруб” радифли ғазал рисола-мажмуа (11-бет)га 5 байт қилиб берилган. Нашрда икки байт тушиб қолган:

*Минг турфа савдолар солиб бошимга қотил кўзлари,
Раҳм этмас ҳижрон¹²⁰ қайдида ики кўзум қонин кўруб.
Билмон не золимдур, манга ортар жафоси дамбадам,*

¹¹⁹ Матназар Пирназаровнинг “Мутриб Хонахаробий(Рисола-мажмуа)”си кейинги ўринларда *рисола-мажмуа* каби берилади.

¹²⁰ Ушбу ғазалнинг “Раҳм этмас ҳижрон қайдида ики кўзум қонин кўруб” мисраси: ----/--V/--V/--V- шаклида бўлиб қолган. Ғазал ражази мусаммани солим вазни(Мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун:--V/--V/--V/--V-)да ёзилган.

Қилмас даме обод ҳазин кўнглумни вайронин кўруб.

Ушбу байтлар таянч ёрдамчи манбаларда тўртинчи ҳамда олтинчи ўринда келади. Мисоллардан кўринадики, байтларни тушириб қолдиришга асос йўқ. Эҳтимол ноширлар нашрга тайёрлаган манбада байтлар кўчирилмагандир.

В (230^а-228^а-бет) таянч ёрдамчи манбадан ўрин олган “*Кетур соқиё соғари лоларанг*” мисраси билан бошланувчи мутақориб мусаммани махзуф вазнида ёзилган 10 байтли ғазал рисола-мажмуа (30-бет)да 8 байт. Тушиб қолган байтлар қуйидагича ва улар аслиятда еттинчи ҳамда саккизинчи ўринда берилган:

Бошимга тушуб ҳажр аро кўп алам,

Ҳаво бирла нафсимга бергач маланг.

Лаби ёдида манда ҳеч қолмади,

Не осори хушу, не номусу нанг.

В (233^б-бет), D (256^а-бет) таянч ёрдамчи манбалардаги “*Сайри гулшан айларга, эй гўзал, хиромон қил*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал рисола-мажмуа (31-бет)да 6 байт. Тушиб қолган байт шоир девон кўлёмаларига бешинчи ўринда келади. Ушбу байт қуйидагича:

Уч айш узра улфат бўлмоқингни изҳорин,

Қолсун англамай азёр ишқ ишини пинҳон қил.

В (194^{а/б}-бетлар) таянч ёрдамчи манбадаги “*Эй шўх, гамза тийгини чекмак недур жон устина*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал рисола-мажмуада фақат 6 байти берилган:

Ўлтурди гамзанг новаки гулшан аро кўрган киши,

Ширин каломинг дур сочиб, ман зори ҳайрон устина.

Гул оразинг узра ажаб зеб ила мушкин холлари,

Не хуш ярошур борчаси ул лаъли хандон устина.

(Рисола-мажмуа. 35-бет).

Нашрда бу ғазалнинг биринчи байти иккинчи мисраси, иккинчи байти учинчи мисраси сабабсиз қисқартирилган. Бундан ташқари “Киши” сўзи

нашрга “Чоғи” бўлиб тахрир этилган. Бу ҳол мазмунга таъсир этмаса-да, кейинги ўриндаги “Борчаси” сўзининг “-си” эгалик кўшимчаси тушиб қолиши эвазига шеър вазнида сакталик юзага келган.

Мутрибнинг В (270^б-271^а-бетлар) таянч ёрдамчи манбадаги Мунис (*Хиромон қоматингким, гулшани умрим ниҳолидур*) мисраси билан бошланувчи ғазалига ёзган 9 бандли тахмиси кўчирилган. Ушбу тахмиснинг еттинчи банди рисола-мажмуа (38-бет)га қуйидаги тарзда табдил қилинган:

*Бўлуб наврас ниҳолинг файзидин ушшоқлар масрур,
Мажолис ичра буким фош эрур ики юзингдин нур,
Жаҳон хуснинг баҳори бирла фирдавси паридекдур,
Йўқ эрса кўнглума бо Оллоҳки, ул дўзах мисолидур.*

Дастлабки икки мисрадан кейин келувчи учинчи мисра нашрда тушириб қолдирилган. Тушириб қолдирилган бу мисра қуйидагича:

Ҳазин кўнглум гаминким, бодайи васлинг-ла барҳам ур.

Бундан ташқари шоир шеърлари мисраларида сўз ва мисраларнинг нотўғри ўқилиши ҳам бир неча ўринларда кўзга ташланади. Бу ҳол шоир шеърларининг поэтик мазмунига, шеър қолипига жиддий таъсир этган.

2. Сўзларнинг нотўғри ўқилиши. Шоир шеърлари нашрида сўз ва мисраларнинг нотўғри ўқилиши жуда кўп ўринларда кўзга ташланади. Бу ҳол шоир асарлари моҳиятан аслиятдан узоқлашишига ҳамда поэтик мазмунининг ўзгаришига олиб келган. Масалан, Мутрибнинг “Тулистон журнали” 1974 йил 7-сон 28-саҳифасига кўчирилган “Этдинг мани” радифли ғазалининг биринчи мисрасида “Беихтиёр” сўзи учрайди. Бу сўз нашрга “Не ихтиёр”, шу байтнинг иккинчи мисрасидаги “Рухингға” сўзи эса, “Заҳингға” тарзида нотўғри берилган:

*Жоно, юзинг кўрган чоги не ихтиёр этдинг мани,
Шамъи захингға ҳар замон парвонавор этдинг мани.*

“Ихтиёр” сўзи арабчадан олинган бўлиб, танлаш, сайлаш, хоҳиш, эрк, ҳуқуқ каби маъноларни билдирса-да, “Бе” кўшимчаси билан (Бе+ихтиёр) келганда ихтиёрсиз, ихтиёри ўзида бўлмаган киши тасвири англашилади.

Нашрдаги “Не ихтиёр” ҳамда “Заҳингга” сўзларининг берилиши орқали мазмун қуйидагича ўзгаради: *жоно, сани кўрган чоғимда мани не(нега) ихтиёр этиб қўйиб, ҳар замонда шамдек ёруғ заҳингга парвонавор этдинг.*

Табдил қилиш жараёнида аслиятдаги *بی اختیار* сўзидаги “بی” (бе) ҳарфига қўйилган нукта уст қисмида қўйилган бўлса, *نی اختیار* (не ихтиёр) бўлиб ўқилган. *ح* (рух) сўзидаги “ر” (ре) ҳарфини устига қўйилган нуктани ҳам худди шу шаклда изоҳлаш мумкин. Бироқ сўзларнинг нотўғри ўқилиши байт мазмунига таъсир этган.

Ушбу байт В (264^a-бет) таянч ёрдамчи манбада қуйидаги кўринишда учрайди:

Жоно, юзинг кўрган чоғи беихтиёр этдинг мани,

Шамъи рухингга ҳар замон парвонавор этдинг мани.

Байтнинг насрий баёни: *жоно, сани кўрган чоғимда мани ихтиёрсиз этиб қўйиб, ҳар замонда шамдек ёруғ юзингга парвонавор этдинг.*

Ғазалнинг ўнинчи мисрасида “Беҳад хумор этдинг мани” бирикмаси учрайди. Бу бирикма нашрга “Бадхумор этдинг мани” каби таҳрир этилган:

Жонимни ўртаб ҳажр аро лаълинг таманноси учун,

Ширин каломинг шаҳдига бадхумор этдинг мани.

В таянч ёрдамчи манбада:

Жонимни ўртаб ҳажр аро лаълинг таманноси учун,

Ширин каломинг шаҳдига беҳад хумор этдинг мани.

“Беҳад” сўзи “Ҳадсиз”, “Чексиз¹²¹” каби маъноларни билдиради. “Бадхумор” сўзи форсий, арабий сўзлардан ясалган бўлиб, “Ичкиликдан кейинги энг ёмон ҳолат, ўта хумори¹²²” маъносини беради.

Байтда англашилган маъно (В таянч ёрдамчи манбадаги): *лабингни орзуси учун айрилиқда жоним ўртанди, (сен эса) ширин сўзингни болига беҳад(ҳадсиз, чексиз) хумор этдинг.*

¹²¹Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 115.

¹²² Ўша луғат. –Б. 182.

Нашрда: *лабингни орзуси учун айрилиқда жоним ўртанди, (сен эса) ширин сўзингни болига бадхумор этдинг.*

Хоразм лаҳжасида “Бадхумор” сўзи “Жуда ёмон хумор бўлдим” мазмунида ҳам ишлатилади. Кўринганидек, байт мазмунида унчалик ўзгариш сезилмаса-да, вазн жиҳатида хатолик юзага келган.

Шу ғазалнинг олтинчи байтида ҳам қўйидагича ўзгаришни кўриш мумкин:

Кўргач юзунг тобонини токи чаман сайронида,

Доим фироқ ичра ғаминг чеккани зор этдинг мани.

Ушбу байт В таянч ёрдамчи манбада бундай кўчирилган:

Кўргач юзунг тобонини ногаҳ чаман сайронида,

Доим фироқ ичра ғаминг чангига тор этдинг мани.

Ғазал ражази мусаммани солим (мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун: - - V -/ - - V -/ - - V -/ - - V -) вазнида ёзилган.

Нашрда “ногаҳ” сўзи “токи”, “Чангига тор этдинг мани” бирикмаси эса “Чеккани зор этдинг мани” каби таҳрирга учраши байт мазмунида ғализликни юзага келтирган. Байт мазмундан *ошиқ гулзорда айланиб (чаман сайронида) юрганида ногаҳон ёрнинг чақнаб турган юзини кўрганлигини баён этади ва шу билан ёр (уни) доим айрилиқ ғамида чолғу асбобига тор этгани мазмуни англашилади.* “Токи” ҳамда “Чеккани зор” сўзларининг қўлланилиши мазмунда ғализликни юзага келтирган. “Токи” сўзи боғловчи вазифасида келади. Аммо байтда мақсад, мазмунни очиб бермайди. “Ногаҳ” сўзи эса бир зумда, тез фурсатда юзага келган воқеа. “Чеккани зор” бирикмаси ҳеч қандай маъно англатмайди.

Шу ғазалнинг мақтаъ қисмидаги “Ёр” сўзи нашрда “зор”га ўзгарган:

Зиндон ҳажр ичра агар Мутрибни банд айлар эсанг,

Зотинга, эй гулрух, не деб аввалда зор этдинг мани.

В таянч ёрдамчи манбада:

Зиндон ҳажр ичра агар Мутрибни банд айлар эсанг,

Зотингга, эй гулрух, не деб аввалда ёр этдинг мани.

Байтда англашилган маъно: *эй гулрух, Мутрибни жудоликда, айрилиқда (қолдириб) зиндон ичида кишанламоқчи экансан, не деб соҳибингга (ўзингга) мани аввалдан ёр этдинг.*

Нашрда: *эй гулрух, Мутрибни жудоликда, айрилиқда (қолдириб) зиндон ичида кишанламоқчи экансан, не деб соҳибингга (ўзингга) мани аввалдан **зор** этдинг.*

Байтда шоир “Ёр” сўзи орқали ошиқнинг аввал маъшуқа томонидан (ёр сифатида) қабул қилингани, кейин у маъшуканинг азобига гирифтор этилиши тасвири гавдалантирилган. Агар байтда “Зор” сўзи қўлланилса, мантиқ бузилади.

Матназар Пирназаров тадқиқот ишида шоир ғазалларида кўплаб бадий санъатлар қўлланилганига доир мисолларни келтиради. Чиройли таҳлиллар асосида шоирнинг бадий маҳорати очиб берилади. Бироқ бу мисоллардаги сўзларнинг матнига эътибор қаратилса, уларда айрим матний фарқлар борлиги кўзга ташланади. Масалан, М.Пирназаров “*Мутрибнинг санъаткорлик маҳорати*” фаслида: “... *Халқ поэзиясида ёзма шеърятда ҳам поэтик фонетика аллитерация усулининг мазмун ва шаклга ижобий таъсири бор. Мутрибнинг қуйидаги “С” товушининг такрорланиши шу жиҳатдан характерли:*

Сазрин каломинг Мутрибо саргаштани сайд этиб,

Ҳар бир сўзинг эй маҳлиқо_ жон бергуси_ жон бергуси¹²³” – тарзида шоирнинг такрорга асосланган ёйиқ радифли ғазалининг мақтаъ қисмидан мисол келтиради. Хўш, ушбу байтдаги “*поэтик фонетика аллитерация усули*” қай ҳолатда юзага келган, сўзларнинг нотўғри ўқилиши эвазигами? Байтдаги “Сайд” сўзи ғазалнинг вазнига ҳамда мазмунига таъсир этади. “Сазрин” сўзи эса хато ўқилган. Аслида бу байт: “*Эй Маҳлиқо, (сенинг) ширин сўзинг боши айланган Мутрибни хурсанд этади. Эй ой юзли (ёр), ҳар бир сўзинг жон*

¹²³ Пирназаров М. Мутриб Хонахаробийнинг ижодий йўли. Фил. фан. номз... дис. Самарқанд, 1973. –Б. 87-97.

бағишлайди, жон бағишлайди” мазмунига эга! Аслият (903/IV инв. (261^a-бет)да эса ушбу байт:

Ширин каломинг Мутриби саргаштани хурсанд этиб,

Ҳар бир сўзинг, эй моҳлиқо, жон бергуси, жон бергуси – каби кўчирилган.

Аллитерация санъати эса, билганимиздек, муайян товушлар такрорига курилади. Юқорида қайд этилган мисраларда эса фақат “саргашта” ва “хурсанд” сўзларида “с” товуши такрорланган. Табиийки, биз буни том маънодаги аллитерацияга мисол бўла олади, деб ҳисоблай олмаймиз. Аллитерация (Тавзеъ) – шеърда, жумлада, бандда ва қисман насрий асарларда ҳам бир хил ундош товушларнинг такрорланиши. Товушлар оҳангдорлиги, асосан бир хил товушларнинг такрорланишидан ҳосил бўлган оҳангдошлик аллитерация деб юритилади¹²⁴. Бунга мисол қилиб Фуркатнинг “*Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек...*”¹²⁵ мисраси билан бошланувчи мусаддаси ёки бўлмаса, Э.Воҳидовнинг “*Қаро қошинг, қалам қошинг, Қийиқ қайрилма қошинг қиз...*”¹²⁶ каби мисралари билан бошланувчи шеърларини эслаш кифоя.

3. Изофаларнинг ноўрин қўлланилиши ҳамда тушириб қолдирилиши.

Маълумки, изофа форсий тилдан кириб келган. Ҳар бир лирик асар матнида изофалар ўз ўрнига эга. Агар матнда изофалар акс этмас экан, бу ҳол мазмунга ҳамда вазнга таъсир этади. Мутриб шеърларининг жорий нашрларида изофаларнинг қўлланилмаслиги, ноўрин қўлланилиши ҳолати ҳам кўзга ташланади. Масалан, В (218^b-бет), D (248^b-бет) таянч ёрдамчи манбаларга “*Эй кўнгул, ўртанма кўп сарви хиромонинг келур*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ғазал кўчирилган. Бу ғазалнинг учинчи мисрасида “Шоми фуркат” бирикмаси учрайди. Ушбу бирикма Абдурашид Абдуғафуров¹²⁷ тайёрлаган нашрда “Шому фуркат” тарзида берилган. Бундан ташқари ғазалнинг тўртинчи мисрасида “Хуршиди

¹²⁴ ЎЗМЭ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000 й.

¹²⁵ Абдуғафуров А. ZIYOUZ.COM кутубхонаси <https://n.ziyouz.com>.

¹²⁶ ЎЗМЭ. Биринчи жилд. Тошкент, 2000 й.

¹²⁷ Абдуғафуров А. ZIYOUZ.COM кутубхонаси <https://kh-davron.uz>.

рухсоринг келур” бирикмаси “Хуршиди рахшонинг келур” каби хато табдил қилинган. Ғазалнинг нашр вариантыда ушбу байт қуйидагича:

Шому фурқат ичра бўлган кўзларингни тийрасин,

Қилғали равшан бу тун хуршиди рахшонинг келур.

Девоннинг В, D таянч ёрдамчи манбаларида байт матни ўзгача берилган:

Шоми фурқат ичра бўлган кўзларингни тийрасин

Қилғали равшан бу тун хуршиди рухсоринг келур.

“Рахшон¹²⁸” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, ялтироқ, порлоқ, тобланувчи маъноларини беради. “Рухсор¹²⁹” сўзи эса юз, чеҳра дегани.

Байт мазмуни: Айрилиқ зулматида бўлган кўзларингнинг қорасини равшан қилмоқ учун бу тун қуёш юзлигинг келур.

Нашрда: Айрилиқ ва зулматда бўлган кўзларингнинг қорасини равшан қилмоқ учун бу тун порлоқ юзлигинг келур.

Нашрдаги “Хуршиди рахшонинг келур” бирикмасида мазмун “порлоқ юзлигинг келур” бўлиб қолган. “Шому” сўзидаги “У” эса “Ва” вазифасида келган. Бу ерда “Ва” боғловчиси ноўрин қўлланилган. Аслиятдаги “Хуршид рухсоринг” мазмунга мос келади.

Шу ғазалнинг саккизинчи мисрасида ҳам айрим фарқлар кўзга ташланади. Нашрда:

Лутф бирла захр ҳижрондин ўлган жисмима,

Тозадин жон бергали Исои давронинг келур.

В, D таянч ёрдамчи манбаларда эса ушбу байт:

Лутф бирла захри ҳижрондин ўлган жисминга,

Тозадин жон бергали Исойи давронинг келур – тарзида келади.

Шоир бу ғазалнинг бошидан охирги байтигача маъшуқанинг ёр ишқида чеккан азоблари туфайли кўнглига малҳам бўлувчи юпанч сўзларини баён қилади. Таянч ёрдамчи манбалардаги “Жисминга” сўзи орқали тушуниш

¹²⁸Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 524.

¹²⁹ Ўша луғат. – Б. 533.

мумкинки, ошиқ маъшуқа ишқида айрилиқда чеккан аччиқ оғриқли азобидан ўлган жисмига худди Исо Масихга ўхшаган тирилтирувчи ёр унга янгидан жон бергали келиши мазмуни англашилади.

Агар нашрда берилган “Жисмима” вариантыни таҳлилга тортсак, мазмун маъшуканинг кўнглига эмас тўғридан тўғри ўз-ўзига айтилгандек мазмун англашилади. Аслиятда берилган иккинчи шахс бирликдаги сўз нашрда биринчи шахс бирликда бўлиб қолган. Бундан ташқари “Исои” аслида “-йи” изофаси билан берилса тўғри бўлади. Қўлёзмада “Исо” исми **عيسى** шаклида берилган. Бу сўзни жорий нашрда вазн талаби билан “Исойи” ёки “Исийи” каби бериш керак.

Шоирнинг 7 байтли “Пайдо” радифли ғазали жорий нашрларида жиддий матний хатолик билан нашрга тайёрланган. Ушбу ғазал нашрида бир байт таркибида *“сўзларнинг лексик жиҳатдан фарқ қилиши”*, *“сўзларнинг нотўғри ўқилиши”*, *“изофаларнинг ноўрин қўйилиши”* кўринишида кўзга ташланади.

Лирик асарларда берилган ҳар бир сўз ўз мазмунига эга. Агар жорий нашрда бу сўзлар лексик жиҳатдан фарқ қиладиган даражада ўзгаришга учраса, байт мазмунига таъсир этади. Сўзларнинг тушиб қолиши эса шеър қолипнинг бузилади. Мисраларнинг нотўғри ўқилиши ҳам шоир асарларидаги ғоялардан йироқлашишига олиб келади.

Дастлаб, Полвонназир Бобожонов томонидан тайёрланган нашр хусусида тўхталамиз. У Лаффасий тазкирасини табдилида, “Мутрибким, Муҳаммад Хусайин девон Хожи табиб ўғли” - “Хусайин” деб беради, аммо Мутриб отасининг исми “Ҳасан”. Қўлёзмада ҳам “حسن” берилган. “Хусан” бўлиши учун бу исм арабчиси “حسين” каби ёзилши керак. Нашр жараёнида, бу исм тарихий манбалардан хабарсиз ҳолда “Хусан” тарзида хато ўқилган(84-85-бетлар). Бундан ташқари, шоирнинг ушбу нашрда эълон қилинган “пайдо” радифли ғазали матнида ҳам бир қанча матний номувофиқликлар кўзга ташланади. Бу ғазал Матназар Пирназаров томонидан нашрга тайёрланган “Мутриб Хонахаробий (рисола-мажмуа)”сида ҳамда Болта Давлатовнинг “Хоразм ҳақиқати” газетаси (1991 йил, 20 июль сони)да ҳам нашр қилинган.

Матндаги фарқлар В (203^б-бет), D (238^б-бет) таянч ёрдамчи манбалар ҳамда Лаффасийнинг 12561 (140^а-бет) рақамли кўлёзма тазкираси асосида қиёсий ўрганилди.

Ғазалнинг биринчи байтидаги “Ҳамдингдин” сўзи Матназар Пирназаров тайёрлаган рисола-мажмуага “Ҳамдамингдин” шаклида ўзгаришга учраган:

Зиҳи жонларга ҳамдамингдин бўлиб файзу сафо пайдо,

Хаёлингдин кўнгулларга бўлиб ҳар муддао пайдо.

Таянч ёрдамчи манбаларда, Лаффасийнинг кўлёзма тазкирасида, Б.Давлатов ҳамда П.Бобожонов тайёрлаган нашрларда қуйидагича тўғри берилади:

Зиҳи жонларга ҳамдингдин бўлиб файзу сафо пайдо,

Хаёлингдин кўнгулларга бўлиб ҳар муддао пайдо.

Ғазал ҳазажи мусаммани солим(мафойилун, мафойилун, мафойилун(V---/V---/V---)) вазнида ёзилган.

“Ҳамдам” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, улфат, бирга юрувчи; ўртоқ, дўст деган маъноларни беради. “Ҳамд¹³⁰” сўзи эса араб тилидан олинган бўлиб, 1. Мақтов мадх; 2. Шукр, ташаккур деганидир.

Маъноси: *Сенинг ҳамдингдан жонларга нақадар ажойиб файзу сафо ҳосил бўлиб, Сен ҳақингда хаёл суришдан кўнгуллардаги барча муддао-мақсадлар юзага чиқади.*

Нашрдаги байт мазмуни: *Сенинг дўстлигингдан жонларга нақадар ажойиб файзу сафо ҳосил бўлиб, Сен ҳақингда хаёл суришдан кўнгуллардаги барча муддао-мақсадлар юзага чиқади.*

Байтдаги “Ҳамд” сўзи “Ҳамдам” деб нотўғри ўқилганлиги сабабли байтдаги маъно ўзгариб, мазмунга таъсир қилган.

Ушбу ғазалнинг учинчи байти Лаффасий кўлёзма тазкирасида қуйидагича кўчирилган:

Қилиб чарх узра хуришд ... маҳни жилвагар тун-кун,

¹³⁰Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброхимов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 763.

*Олардин қудратинг **бир**ла жумла(й)и оламга зиё пайдо.*

Ушбу байтда “-ила” боғловчи вазифасидаги кўмакчи тушиб қолган. Кейинги мисрадаги кўмакчи вазифасида келган “-ла” сўзи ўзгариб, “Бирла” шаклида берилган.

Тазкира нашрида:

*Қилиб чарх узра хуршид **монанд** жилвагар тун-кун,*

*Олардин қудратинг**ла** жумла_ оламга зиё пайдо.*

“Монанд¹³¹” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “Ўхшаш” дегани. Байтдаги “Хуршид ила маҳни” бирикмаси “Хуршид монанд” бўлиб ўзгаради. Бундан ташқари “-ла” кўмакчиси шеърин шаклда берилганда чизиқча билан ёзилиши мақсадга мувофиқдир. Бу билан байтда имловий хатога йўл қўйилган. “Жумлайи оламга” бирикмасининг “Жумла оламга” бўлиб келишида изофа берилмаган.

Ушбу байт рисола-мажмуада қуйидагича учрайди:

*Қилиб **чархи хуршид ила то жилваки** тун-кун,*

Олардин қудратинг-ла жумла_ оламга зиё пайдо (5-бет).

Б.Давлатов тамонидан тайёрланган нашрда:

*Қилиб **хуршид чарх узра ажойиб жилвагар** тун-кун,*

*Олардин қудратинг**ла** жумлаи оламга зиё пайдо.*

Таянч ёрдамчи манбаларда қуйидагича тўғри берилган:

*Қилиб **чарх узра хуршид ила маҳни жилвагар** тун-кун,*

*Олардин қудратинг-**ла** жумлайи оламга зиё пайдо.*

Байтнинг насрий баёни: *Осмонда ой ва қуёшни туну кун нур-жилва сочувчи қилиб қўйгансан. Бу икковидан Сенинг қудратинг билан бутун оламга зиё-ёруғлик пайдо бўлади.*

Қуйида шу ғазалнинг тўртинчи байти қўлёзма тазкирада ҳамда таянч ёрдамчи манбалардагидек айнан сақланган:

Биров ҳусн авжи узра гулжабинун қадди мавзундур,

¹³¹ Ўша луғат, 397-бет.

Бировда ишқ аро булбул каби тун-кун наво пайдо.

Бу тўртинчи байт нашрларда қуйидагича берилади:

М.Пирназаров тайёрлаган рисола-мажмуада,

Биров хусни авжи узра жибин қадди маҳзундур,

Биров то ишқ аро булбул каби тун-кун наво пайдо.

П.Бобожонов нашрида:

Бировким хусну шавқда гүлжабинү қадди мавзундур,

Биров __ ишқ аро булбул каби тун-кун наво пайдо.

Б.Давлатов нашрида:

Биров хусн аҳли ичра гүл жабинү қадди музундур,

Бировда ишқ аро булбул каби тун-кун наво пайдо.

Ғазалнинг ўнинчи байтидаги “Шавқ” сўзи рисола-мажмуада “Ишқ” бўлиб таҳрир этилган. “Ошиқларингга” сўзидаги “-га(-ға)” жўналиш келишиги эса тушиб қолган. Натижада байт мазмуни ўзгариб, вазн сакталиги юзага келган. Ушбу байт қуйидагича:

Бу янглиг хусн ила маъшуқлик изҳор этиб, ҳар дам,

Қилиб ошиқларинг ишқ аро бўйи вафо пайдо.

Бу байт Б.Давлатов нашрида:

Бу янглиг хусн ила маъшуқалиқ изҳор этиб, ҳардам,

Қилиб ошиқларига шавқ аро бўйи сафо пайдо.

Таянч ёрдамчи манбалар, Лаффасий қўлёзма тазкираси ҳамда П.Бобожонов тайёрлаган нашрда шоир девон қўлёзмаларидаги каби қуйидагича тўғри берилади:

Бу янглиг хусн ила маъшуқлик изҳор этиб, ҳар дам,

Қилиб ошиқларингга шавқ аро бўйи вафо пайдо.

Байтнинг насрий баёни: *бунга ўхшаи хусн билан ҳар дам маъшуқликни изҳор этиб-кўрсатиб, ошиқларингга шавқ билан вафонинг ҳидини-асарини(изини) пайдо қиласан.*

Шу ғазалнинг ўн иккинчи мисрасида “Наҳл” сўзи учрайди. Бу сўз П.Бобожонов, Б.Давлатовлар нашрларида “Наҳл” бўлиб берилган. “Х” ва “Ҳ”

харфларининг ўзгариши байт мазмунининг ўзгаришига сабаб бўлган. Масалан, “Нахл” сўзи арабчадан олинган бўлиб, 1. Кўчат, ёш дарахт; 2. Хурмо дарахти маъноларини англатса, “Нахл” эса “Асалари” деган маънони беради. Ушбу байт қуйидагича:

Этиб лутфинг баҳори тийра туфроқдин жаҳон ичра

Минг алвон неъмату ер узра нахли дилкушо пайдо.

Байтдаги “Неъмату ер” (Неъмат ва ер) шаклида берилган бирикма матн контекстида тарқоқликни юзага келтиради. Таянч ёрдамчи манбаларга, қўлёзма тазкирага ҳамда рисола-мажмуага “Неъматни ер”, яъни “Ерни неъматни” бўлиб тўғри берилган:

Этиб лутфинг баҳори тийра туфроқдин жаҳон ичра

Минг алвон неъматни ер узра нахли дилкушо пайдо.

Байтнинг насрий баёни: *Сен лутфинг баҳори билан қора туфроқдан жаҳонда минг турли дилни яйратувчи-очувчи янги-янги неъматни ер юзида пайдо қиласан.*

Ғазалнинг мақтаъ қисмидаги “Иймон” сўзи рисола-мажмуада “Имон” шаклида, пайт мазмунини ифодаловчи “То” сўзи эса тушиб қолган:

Солиб кўнглумга имон гавҳарин __ нақди жон чиққач,

Илоҳи, айлагил Мутрибга андоғ раҳнамо пайдо.

Ушбу байт Б.Давлатов нашрида:

Солиб кўнглумга имон гавҳарин то нақди жон чиққач,

Илоҳи, айлагил Мутрибга андоғ раҳнамо пайдо.

Таянч ёрдамчи манбаларда, қўлёзма тазкирада ҳамда П.Бобожонов тайёрлаган нашрда қуйидагича тўғри берилган:

Солиб кўнглумга иймон гавҳарин то нақди жон чиқғач,

Илоҳо, айлагил Мутрибга андоғ раҳнамо пайдо.

Ғазал мақтаъси шоирнинг яратувчига жон чиқар пайтида иймонини саломат сақлашни сўраб, қилган илтижоси билан тугайди. Нашрларда берилган ушбу байтдаги фарқлар байт мазмунига унчалик таъсир этмаган бўлса-да, вазнга таъсир этган ўринлар сезилади.

М.Пирназаровнинг “Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа)”си шоирнинг 1909 йилда Муҳаммад Яъқуб томонидан кўчирилган қўлёзма девон асосида нашрга тайёрланган. Бундан ташқари бу нашрда биз *таянч ёрдамчи манбалар* сифатида қайд қилаётган шоирнинг 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмалари ҳамда 1172, 1157, 1185, 1134 рақамли қўлёзма баёзу мухаммасотлардаги шеърлари ҳақида ҳам маълумот беради.¹³²

Матназар Пирназаров Мутриб шеърларидаги қўлёзма матндан тушиб қолган бир ва икки бўғинли сўзлар ҳамда байтлар қисқариши¹³³ каби ўринларга эътибор бермай рисола-мажмуани нашрга тайёрлайди. Шеърларнинг жорий имлодаги вариантларида ҳам сўзларнинг нотўғри ўқилиши ҳамда имло қоидаларига амал қилинмаслиги натижасида бир қанча матний хатоликлар юзага келган.

Рисола-мажмуага кўчирилган шеърларни ношир ўзи қайд қилган 903/IV, 906/VII рақамли девон қўлёзмалари (биз қайд қилаётган таянч ёрдамчи манбалар) ҳамда қўлёзма баёзлардаги шеърлар матни асосида қиёслаб ўрганиш мақсадга мувофиқдир¹³⁴. Тадқиқотда бу масала куйидаги тасниф асосида текширилди:

1. *Рисола-мажмуадаги шеърларнинг таянч ёрдамчи манбалар матни асосида;*
2. *Рисола-мажмуадаги шеърларнинг қўлёзма баёз ҳамда мажмуалардаги матни асосида;*

1. Рисола-мажмуадаги шеърларнинг таянч ёрдамчи манбалар матни асосида қиёслаганимизда, бир қанча фарқлар кўзга ташланди. Биринчи *сўзларнинг нотўғри ўқилишига* оид мисолларни келтирсак. Масалан, В (208^а-бет), D (241^б-бетга) таянч ёрдамчи манбалардаги “*Бугун базмимга келди, ул*

¹³² Пирназаров М. Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа). –Тошкент, 2001. –Б. 1-2.

¹³³ Бу ҳақда ғазал таҳлили келтирилган ўринларда матн остида сноска орқали тўлиқ маълумотлар бериб ўтилади.

¹³⁴ Сабаби ношир ўзи қайд қилган 1909 йилда кўчирилган Мутриб девон қўлёзмасини маълум сабабларга кўра қўлга кирита олмадик.

пари пайкар хиром айлаб” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг иккинчи байти рисола-мажмуага қуйидагича кўчирилган:

*Мани лаъли била то тонггача мағрур этиб, ул шўх,
Бори ғамларни жон кўнглума босгил хиром айлаб.*

(Рисола-мажмуа. 11-бет).

Таянч ёрдамчи манбаларда:

*Майи лаъли била то тонггача мағрур этиб, ул шўх,
Бори ғамларни жон кўнглума билкулл ҳаром айлаб.*

“Билкулл” сўзи нашрга “Босгил” бўлиб хато кўчирилган. حرام (Ҳаром) сўзи эса (фойдаланиши, истемол этилиши, шаръан манъ этилган нарса мазмунини беради) нашрда “Хиром” бўлиб ўзгаради. Агар ношир ўзи таянган қўлёзма манбада “ح” ҳарфнинг устига нуқта қўйилган бўлса, حرام “Хиром” деб ўқиган бўлиши ҳам мумкин. Бу эса байт мазмунига таъсир этади.

Ғазалнинг саккизинчи байтида ҳам хатолар кўзга ташланади:

*Туну кун хотирим мажруҳ эди агёр танидин,
Мани шод этди дилдорим, алар сўхбатини шом айлаб.*

Таянч ёрдамчи манбаларда:

*Туну кун хотирим мажруҳ эди агёр таънидин,
Мани шод этди дилдорим, олар сўбҳини шом айлаб.*

Байтда англашилган маъно: (агёр) рақиблар таънасидан туну кун кўнглум қайғуда эди, уларнинг тонги(сўбҳи)ни қоронғу тун айлаб, дилдорим мани шод этди.

Нашрда “Таъна” сўзидаги тутуқ белгисининг тушириб қолдирилиши байт мазмунига таъсир этади: (агёр) рақиблар танасидан туну кун кўнглум қайғуда эди, уларнинг сўхбатини қоронғу тун айлаб, дилдорим мани шод этди.

В (208^а-бет), D (241^б-бет) таянч ёрдамчи манбалардаги “Ё раб” радифли 7 байти ғазал рисола-мажмуага қуйидагича кўчирилган:

*Фироқида мани кўнглумда тун-кун ҳазин ғам ё раб,
Чтоб ноз ила айлар манга лутфини кам ё раб (Рисола-мажмуа. 11-бет).*

Таянч ёрдамчи манбаларда:

Фироқидин мани кўнглумда тун-кун ҳузн ғам, ё, раб,

Итоб ноз ила айлар манга лутфини кам, ё, раб.

Ҳазажи мусаммани солим (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун (V---/V---/V---/V---) вазнида ёзилган бу ғазал байтидаги *حزن* (Ҳузн) сўзи араб тилидан олинган бўлиб, қайғу, ғам, ҳасрат, *حزين* (Ҳазин) сўзи эса қайғули, мунгли, ғамли дегани. Агар байтда “Ҳазин” сўзи қўлланилса вазн бузилади. “Фироқида” сўзининг қўлланилишида ҳам худди шундай хатолик юзага келади. “Итоб”нинг “Чтоб” шаклида берилиши нашр жараёнида содир бўлган техник хатодир.

Мутрибнинг В (208^б-бет), D (242^а-бет) таянч ёрдамчи манбаларга кўчирилган 7 байтли ражази мусаммани солим вазнида ёзилган “*Бўлдим хирад бегонаси рухсори тобонин кўруб*” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг еттинчи мисрасидаги “*Ҳайвон суйи*” бирикмаси рисола-мажмуага “*Ҳайвон уйи*” бўлиб таҳрир этилган. Ушбу байт қуйидагича:

Дедим: зилол лабларинг шарбатму ё ҳайвон уйи,

Деди: сўруб нетгунг они ишқинг ўтини қўзгатиб.

(Рисола-мажмуа. 11-бет).

Таянч ёрдамчи манбаларда:

Дедим: зилол лабларинг шарбатму ё, ҳайвон суйи,

Деди: сўруб нетгунг они ишқинг ўтини қўзгатиб.

Ошиқ тилидан айтилган ушбу бирикма “*Тирилтирувчи сув*” маъносида келган. Нашрда эса “*Тирилтирувчи уй*” бўлиб қолган. Шоир бу орқали тажоҳилу ориф, ташбеҳ, истиора.... каби бадий санъатлардан самарали фойдаланган.

Иккинчи байт мазмуни: *дедим, (сени) тиниқ сув каби лабларинг шарбатму, ёки тириклик сувими? Деди, сўраб нима қиласан, бу ишқ ўтини қалбингда (яна) қўзгатиб.*

Нашрда мазмун тубдан ўзгариб, *дедим, (сени) тиниқ сув каби лабларинг шарбатму, ёки тириклик уйими? Деди, сўраб нима қиласан, бу ишқ ўтини қалбингда (яна) қўзгатиб.*

В (254^б-бет) таянч ёрдамчи манбага кўчирилган “Келур кулбамга дилдорим боқиб, ҳар ёна, ҳар ёна” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал бошдан охиригача тақрир санъати асосида яратилган. Ғазалнинг биринчи мисрасидаги “Ҳар ёна, ҳар ёна” кўш қофия рисола-мажмуага ҳамда Ю.Рўзматовнинг “Хоразм ҳақиқати” газетасининг 1963 йил, 27 декабрь сониди (ушбу нашрда ҳамма кўш қофиялар (-) чизикча билан ажратиб ёзилган) куйидагича берилади:

Келур кулбамга дилдорим боқиб, ҳарёна, ҳарёна,

Висолидин мани шод этгали мардона, мардона.

(Рисола-мажмуа. 35-бет).

Келур кулбамга дилдорим боқиб, ҳарёна - ҳарёна,

Висолидин мани шод этгали мардона, мардона.

“Хоразм ҳақиқати” газетасида.

Байтдаги *ҳар ёна, ҳар ёна* қофияси мавжуд имло қоидаларига кўра ажратиб ёзилиши керак. Нашр ҳолатидаги икки сўзнинг бир-бирига кўшиб ёзилиши услубий хатони юзага келтирган.

Ғазалнинг тўртинчи байтидаги “...равшан қилай десам” бирикмаси рисола мажмуада “...равшан қилар доим” бўлиб ўзгаради. Натижада бу байтнинг мазмунида ҳам номутаносиблик юзага келади. Таянч ёрдамчи манбаларда:

Жамолидин кўзумнинг тийрасин равшан қилай, десам,

Минг алвон жилва айлаб, дер: бу не, бегона, бегона.

Байтда англашилган маъно: (ёримнинг) ҳуснидан кўзимнинг (қайғусини кеткизай) қорасини равшан қилай десам, минг хил ноз ва ғамза айлаб дейди: бу не бегона, бегона?

Шоир ошиқ кўзидаги ғам-ғуссага тўлган қоронғуликни маъшуқасининг жамоли орқали равшан қиламан деса, маъшуқа минг хил ноз ва ғамза айлаб, ошиқни бегона санайди. Бу байтни рисола-мажмуада куйидагича кўрамиз:

Жамолидин кўзумнинг тийрасин равшан қилар доим,

Минг алвон жилва бирла дер бу не, бегона, бегона.

(Ёр) жамолидин кўзимнинг қорасини (қайғусини) доим равшан қиларди, минг хил ноз ва ғамза билан дейди: бу не бегона, бегона?

Биринчидан, бу байт матнида пунктацион хатоликка йўл қўйилган. “Минг алвон жилва бирла дер бу не, бегона, бегона” аслида “Минг алвон жилва айлаб, дер: бу не, бегона, бегона” каби берилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари байтнинг иккинчи мисрасидаги “Жилва айлаб” бирикмаси нашрга “Жилва бирла” бўлиб келган. Мумтоз адабиётимизда маъшуқа тасвирини ифодалашда “Жилва айламоқ” феъли кўпроқ ишлатилади. Нашрга тайёрловчи кўрган (903/IV инв.) манбада ҳам “Жилва айлаб” варианты берилган. Бироқ М.Пирназаров 1909 йилдаги қўлёзма девон матни асосида бу ғазални нашрга тайёрлашда бунга аҳамият бермаган. Аммо қўлёзмалар қиёсидан байт мазмуни “Жилва айлаб”ни тақозо қилади. Қолаверса, бу ғазал Хон фармониға биноан тузилган 1152 (717^a-бет) рақамли қўлёзма мажмуа матнида ҳам “Жилва айлаб” каби кўчирилиши буни тасдиқлайди. Бу байт “Хоразм ҳақиқати” газетасининг 1963 йил, 27 декабрь сонидаги Ю.Рўзматов томонидан тайёрланган нашрда қуйидагича берилади:

Жамолидин кўзумнинг бутрасин равшан қилай, десам,

Минг алвон жилва айлаб дер: бу не, бегона - бегона.

Байтдаги “Бутрасин” сўзи маъно англатмайди.

Рисола-мажмуада ғазалнинг мақтаъ қисмидаги сўзлар нотўғри ёзилиши ҳисобига байт мазмуни ўзгариб, вазн бузилиши кўзга ташланади:

Қилиб Мутрибни уйқу чогида ноумид ишратидин,

Ҳар оқшом тонггача бошлаб уқубон афсона, афсона.

Ушбу байт Ю.Рўзматов тайёрлаган нашрда “Нўмид” шаклида келади,

Қилиб Мутрибни уйқу чогида нўмид ишратдин,

Ҳар оқшом тонггача бошлаб узоқ афсона - афсона.

Таянч ёрдамчи манбаларда:

Қилиб Мутрибни уйқу чогида навмид ишратдин,

Ҳар оқшом тонггача бошлаб узоқ афсона, афсона.

Ғазал ҳазажи мусаммани солим (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун: V---/V---/V---/V---) вазнида ёзилган.

Байтда англашилган маъно: (маъшуқа) ҳар тунӣ тонггача узоқ афсонани бошлаб, Мутрибни уйқу пайтида хурсандчилик қилишдан ноумид қилади.

Рисола-мажмуада: (маъшуқа) ҳар тунӣ тонггача тушуниб(уқубон) афсонани бошлаб, Мутрибни уйқу пайтида хурсандчилик қилишидан ноумид қилади.

В (270^b-271^a-бетлар) таянч ёрдамчи манбада Навоийнинг “Айлаб” радифли ғазалига Мутриб мухаммаси кўчирилган. Бу мухаммаснинг учинчи бандидаги “Рух” сўзи нашрда “Раҳ”, “Кулуб” сўзи эса “Келиб” шаклида берилган:

*Бўлурга маҳв рухсори манга кому муродини,
Кўруб тоза ниҳолин, тозадин жисмимга жон кирди,
Раҳи тобонидин кўнглум муҳаббат муждасин терди,
Келиб ўлтурдию илгим чекиб ёнинда ер берди¹³⁵,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.*

Мухаммаснинг тўртинчи банди биринчи мисрасидаги “-да” ўрин пайт келишиги нашрга “-дин” чиқиш келишиги кўшимчасига ўзгартирилган. Бундан ташқари учинчи, тўртинчи ҳамда бешинчи мисраларида жиддий хатога йўл қўйилган:

*Қилиб икки тиззимдин ноз ила то тонггача маскан,
Такаллум дури шаҳворила кўнглумни қилиб равшан,
Деди бир-бир чаман ичра манинг-ла бўлмайин бир сан,
Ки эй зору балокаш ошиқим, менсиз нечукдурсан, -
Мен ўлдум лол_ айта олмайин майли жавоб айлаб.*

Ушбу бандда лексик, грамматик ҳамда орфографик ўзгаришлар учрайди.

Тўғри вариант қуйидагича:

*Қилиб икки тиззимда¹³⁶ ноз ила то тонггача маскан,
Такаллум дури шаҳвор ила кўнглумни қилиб равшан,
Деди: “Биртираҳан”¹³⁷ ичра манинг-ла бўлмайин бир тан,*

¹³⁵ Ушбу мисрада котиб томонидан бир қанча хатоларга йўл қўйилган. Буларни бартараф этиш мақсадида Навоий қўлёзма девони матни билан қиёсланилди, тузатишлар киритилди(Келиб ўлтурди_ илгим тутуб ёнида ер берди (903/IV (270^b-271^a-бетлар) рақамли девон қўлёзмаси) Навоий девонида: Қулиб ўлтурдию илгим чекиб ёнинда ер берди” каби берилган.

¹³⁶ Тиззамда.

¹³⁷ Кўйлак.

*Ки: эй зори болокаш¹³⁸ ошиқим, менсиз нечукдурсан, -
Мен ўлдум лолу айта олмайин майли жавоб айлаб.*

Мухаммаснинг бешинчи банди нашрида ҳам қуйидагича хатолар юзага келган. Нашрда:

*Жафо таркин_ қилгач ганжи лутфидин кўзим етди,
Ҳасад эли кўруб юз гам била рашик ўрнига кўйдим,
Ҳазин жонимдин махзун мотамини тучасин ютди,
Чиқарди шишайи ___ доғи бир соғар тўла кўйди.
Ичиб тутди манга юз навъ ноз осо итоб айлаб.*

Таянч ёрдамчи манбада:

*Жафо таркини қилгач ганжи лутфидин кўзим ютди,
Ҳасад аҳли кўруб юз гам била рашик ўтига кўйди,
Ҳазин жонимдин ҳижрон мотамини навҳасин¹³⁹ ютди,
Чиқарди шишайи май доғи бир соғар тўла кўйди.
Ичиб тутди манга юз навъ ноз осо итоб айлаб.*

Мутриб Мунис, Огаҳий, Навоийдек салафларига эргашиб, ўзига хос поэтик асар яратиши унинг юксак ижодкор эканлигини белгилайди. Бироқ унинг шеърлари нашрларда кўплаб хатоликлар билан табдил этилса, Мутриб шеърлари мазмун моҳияти бутунлай йўқолиши шубҳасиз.

Мутрибнинг Мунис ғазалига боғланган мухаммас матнидаги фарқларни келтирамиз. Мухаммаснинг иккинчи бандидаги “Фалакларким”, “Малакларким”, “Ўртамакларким”, “Мардумакларким” каби такрорланувчи қофиядош сўзлар рисола-мажмуага қуйидагича берилади:

*Саросар титрашиб фарёди оҳимдин фалакларим,
Қолур хайратлараро ишқ ичра ҳолимга малакларим,
Санга одатмудур доим бу ёнглиг ўртамакларим,
Эмас гирён кўзим ичра губор мардумак¹⁴⁰ларим.
Юзингни кўргали онинг нишони хатти холидур.*

(Рисола-мажмуа. 38-бет).

Иккинчи мисрадаги “Қолур хайрат аро...” нашрга “Қолур хайратлараро...” каби “-лар” кўплик кўшимчаси орттирилади. Бундан ташқари, “Хатти холидур” бирикмаси эса “Хатти холидур” шаклида хато ёзилган.

¹³⁸ Балога қолган, жафокаш, азоб тортувси.

¹³⁹ Товуш чиқариб йиғлаш, улиш, мунгли йиғи, нола.

¹⁴⁰ Кўз қорачиғи.

Тўққиз бандли бу мухаммас бандининг бошқа ўринларида ҳам сўзларнинг тушиб қолиши ёки нотўғри ўқилиши каби фарқлар кўплаб учрайди.

Қўшма сўзларнинг тўғри ёзилмаслиги

Қўшма сўзлар жорий нашрда маълум қоида асосида тўғри ёзилиши лозим. Таассуфки, мумтоз адабиётимиз намуналарини ислиятдан табдил қилиш жараёнида қўшма сўзларнинг ажратиб ёзилиши ҳоллари кўп учрайди.

В (209^{а/б}-бетлар), D (243^а-бет) таянч ва ёрдамчи манбалардаги “*Бир нафас олгил юзингдин, эй пари пайкар, ниқоб*” мисраси билан бошланувчи 5 байтли ғазалда “Андалибосо” (Андалибдек) “Жонбахш” каби қўшма сўзлар қўлланган. Булар рисола-мажмуа(13-бет)га қўйидагича табдил этилган:

*Андалиб асо фиғону нолалар чекмак ишим,
Гулиани васлинг таманносида айлаб тарки хоб(2-байт).*

*Жисмима жон бергали жон бахш гуфторинг била,
Базм аро қилгил такаллум ҳар дам, эй дур хушоб(3-байт).*

Бу ўринда “дурри хушоб” бирикмаси “дур хушоб” тарзида нотўғри табдил қилинган. Натижада мазмун ғализ бўлганидан ташқари вазн сактилигига йўл қўйилган.

В (214^{а/б}-бетлар), D (245^б-бет) таянч ёрдамчи манбаларга кўчирилган “*Ўз илки бирла тутди бу кеча ёр шарбат*” мисраси билан бошланувчи 9 байтли ғазал матни рисола-мажмуада бир неча ўринларда хатога йўл қўйилган.

Дастлаб ғазалнинг тўртинчи байтидаги “Паёпай” ҳамда “Гульузор” сўзларининг нашрда берилишига аҳамият берсак:

*Бўлгай қачон муяссар ҳар дам ўз илги бирла
Бермак манга паёби ул гул ўзор шарбат (Рисола-мажмуа. 15-бет).*

Таянч ёрдамчи манбаларда:

*Бўлгай қачон муяссар ҳар дам ўз илги бирла
Бермак манга паёпай ул гульузор шарбат.*

Ғазал музореъийи мусаммани аҳраб (мафъувлу/фоилотун/мафъувлу-фоилотун: --V/-V--/--V/-V--) вазнида ёзилган.

Ғазалнинг саккизинчи байтида “Ортиб” сўзи “Айтиб” бўлиб ўзгарган. “Мушкбор” сўзи “Мушки бор” шаклида ажратиб ёзилган. Ушбу байт куйидагича:

*Сармаст бода бўлдим, ҳар дам жунуним айтиб,
Юз ноз ила ичургач ул мушки бор шарбат.*

Таянч ёрдамчи манбаларда:

*Сармаст бода бўлдим, ҳар дам жунуним ортиб
Юз ноз ила ичургач ул мушкбор шарбат.*

Байтда англашилган маъно: ёр юз ноз билан бу қора ва хушбўй шарбатни менга ичиргач, ҳар дам савдойилигим ортиб ичкиликдан сармаст бўлдим.

Нашрда: ёр юз ноз билан бу қора ва хушбўй шарбатни менга ичиргач, ҳар дам савдойилигим айтиб ичкиликдан сармаст бўлдим.

Шоир бу байтда ошиқнинг маъшуқа кўлидан ичган қора ва хушбўй шарбатни таъсирида ҳар доим савдойилигининг ортиб боришини юқори даражага кўтарилганлигини изоҳлаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Сўзларнинг лексик жиҳатдан фарқ қилиши

В (254^б-бет) таянч ёрдамчи манбага кўчирилган “Келур кулбамга дилдорим боқиб, ҳар ёна, ҳар ёна” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг иккинчи байтидаги “Паймона, паймона” қофияси рисола-мажмуага иймона, иймона шаклида учрайди. Масалан,

*Вафо изҳорин айларга манго базм ичра бу кеча,
Тутуб ҳар лаҳза соғарни тўла иймона, иймона.*

(Рисола-мажмуа. 35-бет).

Таянч ёрдамчи манбаларда:

*Вафо изҳорин айларга манга базм ичра бу кеча,
Тутуб ҳар лаҳза соғарни¹⁴¹ тўла паймона, паймона.*

¹⁴¹ Май қадаҳи, май пиёласи.

Бу лексик ўзгариш байт мазмунига таъсир этган. “Тўла паймона” дейилганда “Умри тугаган” мажозий маънода келади¹⁴². Нашрдаги “Иймон” сўзи арабчадан олинган бўлиб, ишонч¹⁴³ дегани.

Шоир байтида икки хил маънони англаш мумкин:

1. Байтдаги ўз маъно;
2. Рамзий маъно.

Ўз маъноси: *бу кеча базмда (ёрим) менга содиқлигини кўрсатиши учун ҳар лаҳзада май қадаҳини тутиб, умрни тугатди, тугатди.*

Бу кеча маъшуқа ёрга содиқлигини билдириши учун унга май тутяпти. Ҳар лаҳзада умри тугаётганлигига ишора қилиняпти.

Иккинчи маъноси, тасаввуфда қадах – ишққа етакловчи йўл. Май – ишқ рамзи.

Булар рамзий маънода бўлиб, май бу ерда ишқнинг тимсоли. Маъшуқа ошиқнинг қалбида ишқни шунчалик даражада орттирганки, ҳар лаҳзада қалбидаги ишқнинг ортишидан ошиқнинг умри поёнига етгандай.

Нашрдаги “Иймона, иймона” сўзлари орқали байт мазмуни бутунлай ўзгаради. Буни қуйидаги байтнинг насрий баёнидан англаш мумкин: *Бу кеча базмда (ёрим) менга содиқлигини кўрсатиши учун ҳар лаҳзада май қадаҳини тутиб, ишончи тўла(ди).*

Нашрдаги бу ҳолат аслиятдаги ҳолатни кўз олдимизга келтиришни тақозо қилади. Масалан, паймона сўзи М.Пирназаров кўрган 903/IV рақамли девон кўлөзмасида ҳам **پيمانہ** шаклида берилган¹⁴⁴. Нашрга тайёрловчи буни “Иймона, иймона” деб ўқийди. Аслида иймона сўзи **ایمانہ** бўлиб ёзилади.

В (270^б-271^а-бетлар) таянч ёрдамчи манбага Мутрибнинг Навоий ғазалига боғланган мухаммаси кўчирилган. Бу мухаммас Навоийнинг (“Наводир ун-ниҳоя”даги ғазалига боғланган. Ҳозир бу кўлөзма ЎЗР ФА ШИ асосий

¹⁴²Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 498.

¹⁴³ازبکی قاموس عربی- ازبکی قاموس (Тузувчилар: Э.Талабов, Қ. Ташметов). – Тошкент: Ўқитувчи. 1986. –Б. 30.

¹⁴⁴ Пирназаров М. Мутриб Хонахробий (Рисола-мажмуа). Тошкент-2001. –Б. 1-2.

фондида 1195 ҳамда 11675 рақами остида сақланади) ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган ғазалига боғланган. Мухаммасда бир қанча сўзлар рисола-мажмуа матнида лексик ўзгаришга учраган. Масалан, мухаммаснинг иккинчи бандидаги “Нукта”, “Зарбафт”, “Шуъойй”, “Шабрав” сўзлари нашрда қуйидагича таҳрир қилинган:

*Йигиб кўнглига шавқат нуктасини ул пари пайкар,
Солиб бошига минг зийнат била зулфидин маъжар,
Қилурга тийра кулбамни шамъи хуснидин анвар,
Чекиб мужгон жабравлар киби жон қасдига ханжар.
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.*

(Рисола-мажмуа. 37-бет).

Нашрдаги сўзларнинг луғавий маъноси: “Нукта” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, 1. Нукта; 2. Хол, доғ дегани. “Зулф” бу аёллар сочи маъносини беради. “Шамъи” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, қуёш маъносига эга. “Шабрав” сўзи эса “Жабрав” деб хато ўқилган.

Ушбу банд таянч ёрдамчи манбада қуйидагича тўғри кўчирилган:

*Йигиб кўнглига шавқат нуктасини ул пари пайкар,
Солиб бошига минг зийнат била зарбафтдин¹⁴⁵ маъжар¹⁴⁶,
Қилурга тийра кулбамни шуъойй хуснидин анвар,
Қилиб¹⁴⁷ мужгон шабравлар¹⁴⁸ киби жон қасдига ханжар.
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.*

“Нукта” араб тилидан олинган бўлиб, нозик маъноли сўз, чизиқ, маъноси чуқур ва чиройли сўз каби маъноларни берса, “Зарбафт” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, зардан тўқилган мато мазмунига эга. “Шуъоъ” сўзи шуъла, ёруғлик дегани. “Шабрав” сўзи кечаси кезувчи, тункесар; ўғри, тунги босқинчи маъносини ифодалайди. Сўзларнинг маъносидан ҳам англаш мумкинки, рисола-мажмуа матнидаги бу ўзгачалик шоир айтмоқчи бўлган мазмундан анча йироқлашган.

¹⁴⁵ Зардан тўқилган мато(кийимлик); зарбоф, зарварақ, кимхоб.

¹⁴⁶ Тўсик.

¹⁴⁷ Банддаги “Қилиб” сўзи Мутриб девонига “Чекиб” каби котиб томонидан ўзгартирилиб кўчирилган. Навоий девон кўлёмаси кўчирилган вариант асосида тикланди.

¹⁴⁸ 1. Кечаси кезувчи, тункесар; 2. Ўғри, тунги босқинчи маъносини беради.

2. Рисола-мажмуадаги шеърларнинг қўлёзма баёз ҳамда мажмуалардаги матни асосида қилинган таҳлил.

Таянч ёрдамчи манбаларда учрамайдиган шеърларнинг маълум бир қисми қўлёзма баёзлар ва қўлёзма мухаммасотлардан ўрин олган. Бу шеърлар ҳам шоирнинг илмий-ижодий лабораторияси маҳсулидир. Мутрибнинг рисола-мажмуага кўчирилган 15 та ғазали ва 1 та мухаммаси бизга маълум бўлган 1152, 6932, 6951, 6952, 1184, 6969 рақамли қўлёзма баёзларга ҳамда 1134 рақамли қўлёзма мухаммасотда учрайди. Ваҳоланки, бу шеърлар М.Пирзанаров кўрган 1909 йилдаги Мутриб қўлёзма девонига ҳам киритилган бўлиши мумкин. Бироқ бу манба йўқлиги сабабли ушбу шеърлар бизга маълум бўлган бошқа қўлёзма баёзлар орқали қиёсланди.

1152 рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзмасидан Мутрибнинг “*Ул сиймбар ўзгаларга ёр экандур, билмадим*” мисраси билан бошланувчи ғазали ўрин олган. Бу ғазалнинг аслиятдаги ва рисола-мажмуа(33-бет)даги матни солиштирилганда, қуйидагича фарқлар кўзга ташланди:

*Ишқ аро айлаб мани доим хирад бегонаси,
Бир фусункор золим манго дучор экандур билмадим.*

1152 (512^a-бет) рақамли қўлёзма мажмуада байт қуйидагича берилган:

*Ишқ аро айлаб мани доим хирад бегонаси,
Бир фусунгар золиму маккор экандур билмадим.*

Ушбу ғазал Ферузнинг рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун: - V - - /- V - - /- V - - /- V -) вазнидаги “*Ул санамга ўзга руҳбон бор экандур билмадим*” (504^b) мисраси билан бошланувчи 9 байтли ғазалига назира сифатида ёзилган. Нашр вариантыдаги “Бир фусункор золим манго дучор экандур, билмадим” мисрасида вазн сакталиги юзага келган. Биринчидан, нашр вариантыда бу мисрадаги “маккор” сўзи “манго” тарзида хато табдил қилинган. Иккинчидан, байтга аслиятда йўқ “дучор” сўзи кўшилиб қолган. Аслиятдаги “фусунгар” сўзи эса “фусункор” шаклида нотўғри ўқилган. Бу сўз форс тилидан олинган бўлиб, афсунчи, авроқчи; найрангбоз; хийлакор маъноларини беради.

Ғазалнинг тўртинчи байтидаги “Жонима” сўзи нашрга “Қонима” бўлиб ўзгартирилган,

*Шавқ васлидин чекарман бир нафас юз турфа гам,
Орзуси қонима озор экандур билмадим.*

Агар байтда “Қонима” сўзи қўлланилса, байт мазмуни ўзгаради.

Ғазалнинг еттинчи байтида “Изҳор” сўзи учрайди. Бу сўз нашрга “Озор” шаклида хато берилган:

*Кўйи ишқида тану жонимни барбод айласам,
Нозу афсуни манго озор экандур билмадим.*

1152 рақамли қўлёзма мажмуада:

*Кўйи ишқида тану жонимни барбод айласам,
Нозу афсуни манго изҳор экандур билмадим.*

Биринчидан, шу ғазалнинг саккизинчи мисрасида “Озор” сўзи қофия вазифасида келган. *Иккинчидан*, шоирнинг маҳоратини намоён қиладиган жиҳатлардан бири ғазал қофияларини қўллашда такрорга йўл қўйилмаслигидадир. Агар ушбу сўзлар такрорга йўл қўйилса, демак ё котиблар томонидан хатолик бўлади, ёки ноширлар. Бу байтдаги ҳолат ноширлар хатоси эканига шубҳа йўқ. Чунки аслиятда اظهار (изҳор) берилган.

Байтда англашилган маъно: *(ёр) ишқи йўлида(азобиди) тану жонимни(вужудимни) барбод айласам, унинг ноз ва найранги менга (бўлган муҳаббатини) зоҳир қилиши, кўрсатиши экан, билмадим.*

Агар нашрдаги байтни таҳлилга тортсак, ошиқ ёри ишқида бутун вужудини барбод айлагани, маъшуқа эса ноз ва найранги орқали унга озор қилмоқчи эканлиги мазмуни англашилади. Мазмундаги асл маъно эса (Маъшуқанинг ошиқ муҳаббатига ошқори) акс этмай қолади.

Ғазалнинг мақтаъ қисмидаги “Ҳолат” ҳамда “Чоғ” сўзлари нашрга куйидагича берилган:

*Тийги фурқатдин ўлар ҳодига етган чошдаким,
Мутрибо саргаштага дилдор экандур билмадим.*

1152 рақамли қўлёзма мажмуада:

Тийги фурқатдин ўлар ҳолатга етган чоғдаким,

Мутрибц саргаштага дилдор экандур билмадим.

“Ҳолат” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, 1. Ҳол аҳвол; 2. Тузилиш маъноларига эга. “Чоғ” сўзи байтда пайтни билдирувчи мазмунида келган. Нашрдаги “Ҳоди” сўзи тўғри йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи, етакчи маъноларини беради. “Чош” сўзи “Чоғ” сўзининг этимологик ўзгаришга учраган шакли бўлиши ҳам мумкин. Аммо шоир аслиятида جاغداكيم (чоғдаким) бўлиб келган. “Ҳолат” сўзининг “Ҳоди” каби берилиши байт мазмунига таъсир этиб, вазн сакталигини юзага келтирган.

Байтда англашилган маъно: *айрилиқ азобидан ўлар ҳолатга етган пайтимда, (ул ёр) боши айланган Мутрибга маҳбуба экан, билмадим.*

6932 рақамли қўлёзма баёзга Мутрибнинг рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф (фоийлотун, фоийлотун, фоийлотун, фойилун: -V--/ VV--/VV--/VV-) вазнида ёзилган “*Мани ё раб, бу кеча лутф ила жонона етур*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазали рисола-мажмуага кўчирилган матни билан қиёсланганда улар орасида қуйидаги фарқлар борлиги аниқлашди.

Ғазалнинг тўртинчи мисраси рисола-мажмуада:

*Йиғларам субҳу масо кўйида Яъқуб каби,
Гўйиё Юсуф мисоли моҳи канъона етур* (Рисола-мажмуа (17-бет).

6932(150^{а/б}-бетлар) рақамли қўлёзма баёзда:

*Йиғларам субҳу масо кўйида Яъқуб каби,
Гўйиё Юсуф Мисри шаҳи Канъона етур.*

Ғазалнинг тўртинчи байтида ҳам шунга ўхшаш матний фарқлар кўзга ташланади:

*Нуктидин нафси кўнглумни шод айлагали,
Анбар афшон икки сўйи паришона етур.*

6932(150^{а/б}-бетлар) рақамли қўлёзма баёзда:

*Накҳатидин нафси кўнглуми шод айлагали,
Анбарафшон ики гисўйи паришона етур.*

“Накҳат” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, хушбўй хид маъносини беради. Бу сўз нашрга “Нукти” шаклида хато кўчирилган. “Кўнглими” сўзидаги “-и” нашрга “-ни” каби берилди. Иккинчи мисрадаги “Анбарафшон”

сўзи “Анбар афшон” шаклида ажратиб ёзилган. “Гисуйи” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, ўрилган соч мазмунини беради. “Суийи” сўзи байтда “Суви” маъносида бўлиб қолган. Шоир бу билан маъшуқасининг анбар сочувчи ўрилган икки сочли ёр тасвирини гавдалантирган.

6952 (73^b-74^a-бетлар) рақамли кўлёзма баёзга Мутрибнинг ҳазажи мусаммани солим вазнидаги “*Жон қасдин айлаб, эй пари, ҳар лаҳза фаттон кўзларинг*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазали рисола-мажмуа (31-бет)да ҳам учрайди. Ғазалнинг биринчи ҳамда иккинчи мисрасидаги “Фаттон”, “Пайкон” сўзлари нашрга “Фиғон”, “Пайҳон” каби ўзгарган. Ушбу байт қуйидагича:

*Жон қасдин айлаб, эй пари, ҳар лаҳза фаттон кўзларинг,
Ҳар дам танимга солгуси юз захми пайкон кўзларинг.*

“Фаттон” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, фитна қилувчи, мафтун этувчи, ўзига тортувчи, жозибали каби маъноларга эга. “Фиғон” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, нола, оҳу зор мазмунини беради. Байт мазмунини “Фаттон” сўзи тўлдиради. Ношир “Фаттон” сўзининг ёзилиш шакли билан “Фиғон” сўзининг ёзилиши бир-бирига яқин бўлганлиги сабабли байт мазмунига аҳамият бермасдан “Фиғон” деб ўқиган (فغان/فتان). “Пайкон” сўзи нашрга “Пайҳон” бўлиб, яъни “коф” ҳарфининг “ҳе”га ўзгариши ундош товушининг алмашинувига сабаб бўлади. Араб графикасидаги ҳарфларнинг бир-бирига ўхшаш ёзилиши бу ҳолни юзага келтирган бўлиши ҳам мумкин.

Ғазалнинг тўртинчи байтида ҳам юқоридаги ҳолат такрорланган. Масалан,

*Ҳоки раҳингга юз қўйиб, гар нола_ зор айласам,
Новак равон айлаб қилур ким, тийра барон кўзларинг.*

Кўлёзма баёзда:

*Ҳоки раҳингга юз қўюб, гар нолайи зор айласам,
Новак равон айлаб қилурким, тийра буррон кўзларинг.*

Нашрда “Ҳоки” сўзининг “Ҳоки” шаклида келиши лексик хато, “Қўйиб” сўзининг тарихий шакли “Қўюб”дир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарихий сўзлари аслидагидек сақланиши мақсадга мувофиқ. “Қилурким” сўзининг

“Қилур ким” шаклида ажратиб ёзилиши улубий хатони юзага келтирган. “Нолайи зор” бирикмасидаги “-йи” изофаси қўйилмаган. Бу эса вазн сакталигини юзага келтирган. Иккинчи мисрадаги “Буррон” сўзи “Барон” шаклида берилади. “Буррон” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, кескир, ўткир маъноларини беради. “Барон” сўзи эса унга, унинг устига каби маъно англатади. Бу сўзларнинг ҳам ёзилиш шакли бир хил *بران/بران*. Шоир “Буррон” сўзини бежизга келтирмаган. Бу ерда ошиқ маъшуқасининг қора ўткир кўзини назарда тутяпти. Сўзлар ёзилиши бир хил бўлсада, байтда англашилган маъно шунга мос тарзда берилиши лозим.

Ғазалнинг ўн биринчи мисраси нашрда қуйидагича таҳрир қилинган:

*Токи юз минг холин тамошосин таманно айласам,
Билмон не журмимдин ___ саргашта ҳайрон кўзларинг.*

Кўлёзма баёзда:

*Ногаҳ юзинг холин тамошосин таманно айласам,
Билмон не журмимдин қилур саргашта ҳайрон кўзларинг.*

Байтда англашилган маъно: *ногаҳ юзингдаги холингни тамошо қилишни орзу айласам, (сени) маҳлиё кўзларинг нима хатойим борлигини билмай саргардон қиладур.*

Нашрда: *токи юз минг холингни тамошо қилишни орзу айласам, (сени) маҳлиё кўзларинг нима хатойим борлигини билмай саргардон _____.*

“Қилур” сўзи нашрдан тушиб қолган.

Нашрдаги байт мазмунида ошиқ қачондир маъшуқа юзидаги юз минг холини тамошо қилишни орзу айласа, у(маъшуқа)нинг маҳлиё бўлган кўзларидан ошиқ нима хатоси борлигини билмай саргардон бўлгани маъноси англашилади. Маъшуқанинг юзидаги юз минг хол борлигини хаёл қилишни ўзи, ёрнинг юзи фақат холдан иборат деган тасаввур ҳосил қилади. Бу каби таҳрирлар эса шоир асарлари туб мазмун моҳиятининг буткул йўқ бўлиб кетишини англатади.

Ғазалнинг мақтаъ қисми ҳам нашрда қуйидагича ўзгаради:

*Гарчи ҳаёт афзолик саҳбосидин истар эсам,
Мутрибга айлар юз туман офат намоён кўзларинг.*

Кўлёзма баёзда:

*Гарчи ҳаёт афзо лабинг сахбосидин истар эсам,
Мутрибга айлар юз туман офат намоён кўзларинг.*

Нашрда “... афзо лабинг...” бирикмаси “Афзолик” шаклида берилади. Бу икки сўз бир-бирига бирикуви натижасида юзага келиб, байт мазмунига ҳамда вазнига таъсир этган.

Ҳар бир ижодкор асарларини ўрганишда, энг аввал матнга бўлган масъулиятни ҳис қила билиши лозим. Акс ҳолда ўрганилаётган асар мазмунига жиддий таъсир этади. Мутриб Хонахаробнинг А.Абдуғафуров, Б.Давлатов, П.Бобожонов, Ю.Рўзматов, М.Пирназаров томонидан газета ва журналларда эълон қилинган шеърлари ҳамда 2001 йилда нашр қилинган М.Пирназаровнинг “Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа)”га кўчирилган юзга яқин Мутриб асарлари қайта нашрталаб эканлигини таъкидлаш лозим.

3.2. Шоир асарлари илмий-танқидий матнини яратиш тамойиллари

Мумтоз асарларнинг илмий-танқидий матнини яратиш лирик ҳамда тарихий асарларнинг нисбатан мукаммал матнлари юзага чиқишининг асосидир. Бу борада Е.Э.Бертельс¹⁴⁹, М.Осмонов¹⁵⁰, Д.С.Лихачёв¹⁵¹, И.Султонов¹⁵², Ҳ.Сулаймонов¹⁵³, П.Шамсиев¹⁵⁴, С.Ғаниева¹⁵⁵, Л.Халилов¹⁵⁶, М.Рашидова¹⁵⁷, Ф.Исҳоқов¹⁵⁸ каби матншунос олимлар томонидан дастлабки

¹⁴⁹ Бертельс Е.Э. Фирдавсий. Шахнаме. Критический текст. Т.1, под редакцией. – М., 1960, с. 9.

¹⁵⁰ Осмонов М. – Н.О. Разночтения и описки в списках “Шахнамы” и их фиксация в критическом тексте. Письменные памятники Востока. Ежегодник, 1968. М., 1970, 137-бет.

¹⁵¹ Лихачёв Д.С. Текстология на материале русской литературы X–XVII в. в. –М.-Л.: Академии Наук СССР, 1962. –С.602.

¹⁵²Султонов И. Навоийнинг “Мезонул-авзони” ва унинг критик тексти. Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1947.

¹⁵³Сулейманов Х.С. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологического наук. – Ташкент – Москва. 1961.

¹⁵⁴Шамсиев П. Алишер Навоий “Саб”аи Сайёр” достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида. Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1952; Шамсиев. П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масаллари. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1969 йил; Шамсиев П. Научно-критический текст. – Тошкент, 1970.

¹⁵⁵Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий матн/Тайёрловчи С.Ғаниева. –Тошкент: ЎзФА, 1961. – 306 б;

¹⁵⁶ Халилов Л. Алишер Навоий “Тарихи мулки аъжам” асарининг тесктологик тадқиқи. Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1997. –Б.114.

¹⁵⁷ Рашидова М. Алишер Навоий “Назм ул жавоҳир” асарининг матний тадқиқи. Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1991.

¹⁵⁸ Исҳоқов Ф. Гулҳаний “Зарбулмасал”ининг илмий-танқидий матни. Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1997.

ишлар амалга оширилган. Мутахассислар ҳар бир ўрганилаётган асар матнига доир ўзгаришларни аниқлаб, илмий-танқидий матн яратишнинг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиққанлар.

Маълумки, матншунослик фани муайян манбалар асосида аниқ, тарихий фактларга асосланган ҳолда иш кўради. Қўлёзма манбаларни ўрганиш, илмий истифодага киритиш, илмий-танқидий матнларни тузишда белгиланган тизим асосида ёндашиш ўзига хос ўрин тутди. Бунда мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, маълум бир тамойиллар, илмий тасниф ва тавсифлар асосида тадқиқот олиб бориш талаб этилади.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган тадқиқотлардаги илмий-танқидий матн тамойиллари устоз матншунос олимларимизнинг илғор тажрибаларига таянилиб, амалга оширилмоқда. Бироқ шу кунга қадар қабул қилинган тамойиллар қатъий ўзгармас бир қолип сифатида ишлаб чиқилмаган. Аслида, П.Шамсиев, С.Ғаниева, И.Султонов каби матншунос олимларимиз тажрибалари асосида юзага келган тамойиллар кейинги тадқиқотчилар учун нисбатан умумий тамойил вазифасини ўтаб келмоқда.

“Тамойил” сўзи усул, ёндашув каби маъноларни англатади. Қўлёзма манбаларнинг нисбатан мукамал вариантини тиклашда илмий-танқидий матннинг ўрни муҳим. Ўз навбатида илмий-танқидий матннинг маълум бир тизимга асосланган илмий тамойиллар асосида тузилиши мақсаднинг аниқ рўёбга чиқишига имкон беради.

Матншуносликка оид назарий тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, илмий-танқидий матнни яратишда қуйидаги уч тамойил қўлёзма манбанинг нисбатан тўлиқ вариантларини ишлаб чиқишга замин яратади:

1. Умумийлик тамойили.
2. Алоҳидалик тамойили.
3. Хусусий тамойил.

Умумийлик тамойили. Бирор бир қўлёзма манба устида илмий изланиш олиб бориш жараёнида тадқиқотчи матншунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан аввал ўрганилган тадқиқотларда эришилган илмий натижалардан,

хусусан, тамойиллардан истифода этиши мумкин. Бу тамойил аввал хусусий кўринишга эга бўлиб, кейинчалик ҳамма учун умумий бўлган тамойилга айланади. Бундай тамойиллар ҳамма қўлёзма асарлар илмий-танқидий матнини яратиш учун замин бўла олади. Рус матншуносларидан Е.Э.Бертельс¹⁵⁹, Д.С.Лихачев¹⁶⁰ларнинг тадқиқотларида ҳамда П.Шамсиев томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар ҳозирги кунда ҳам қўлёзма манбаларнинг илмий-танқидий матнини яратишда фойдаланиб келинмоқда. Мавжуда Ҳамидова ҳам 1994 йилда “Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи¹⁶¹” мавзусидаги докторлик ишида ҳам бу тамойилларга алоҳида эътибор қаратади ва улардан ўзининг тадқиқотида фойдаланади. Жумладан, олима “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матнини тузишда мавзунинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўзининг ўн учта тамойилини ишлаб чиқади. Фатхулла Ғанихўжаевнинг 1998 йилдаги “Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони ва унинг илмий-танқидий матни¹⁶²” номли тадқиқотида ҳам бу тамойиллар асос вазифани ўтаган. Бундан ташқари, Ю.Турсуновнинг “Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн”¹⁶³ асари илмий-танқидий матнини яратишда ҳам бу умумий тамойиллар етакчилик қилган.

Тамойилларнинг иккинчи гуруҳи бўлган *алоҳидалик тамойили* уникал бир ҳодисадир. Бир асарнинг йиллар ва асрлар давомида қайта-қайта кўчирилиши натижасида муаллиф вариантыдан катта тафовутлар асосида йироқлашув жараёни юзага келади. Бунда асарнинг муаллиф вариантыга яқин вариантини тиклаш учун барча манбаларнинг қиёсий-матний тадқиқи амалга оширилиши талаб этилади. Филология фанлари доктори Р.Зоҳидов Сўфи

¹⁵⁹ Бертельс Е.Э. Навоий, М. – Л., 1948 й., -Б. 3; Е.Э. Бертельс. Фирдавсий. Шахнаме. Критический текст. Т.1, под редакцией. – М., 1960, с. 9.

¹⁶⁰ Лихачев Д.С. Текстология на материале русской литературы X–XVII в. в. –М.-Л.: Академии Наук СССР, 1962. –С.602.

¹⁶¹ Ҳамидова М. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1994.

¹⁶² Ғанихўжаев Ф. Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони ва унинг илмий танқидий матни. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1998. –Б 77.

¹⁶³ Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Илмий-танқидий матн (Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Ю. Турсунов). –Тошкент, Фан. 2021. –Б.87.

Оллоҳёр “Сабот ул-ојизин” асарининг илмий-танқидий матни учун 25 та (15 та қўлёзма ва 10 та тошбосма) турли даврларда кўчирилган қўлёзма ва тошбосма манбалари мисолида ўрганиб, ҳамма учун умумий бўлган *хиллаш*, *таснифлаш*, *қиёслаш*, *саралаш*¹⁶⁴ каби тўртта тамойилни ишлаб чиқади. Бу ўз навбатида “Қўлёзмаларнинг шартли хронологик нисбати”¹⁶⁵ни юзага келтиради.

Тамойилларнинг учинчи гуруҳи бўлган *хусусий тамойил* қандай юзага келиши мумкин, деган савол бўлиши табиий. Бу жараён бир асарнинг муаллиф даврида кўчирилган турли вариантлари асосида ҳар бир ўрганилаётган асар текстологиясидан келиб чиқиб амалга оширилади. Масалан, юқорида қайд этилган Мавжуда Ҳамидова, Фатхулла Ғанихўжаев, Юсуф Турсунов каби олимлар тадқиқотларида ҳам бундай ҳодиса юзага келганини таъкидлаш керак. Булар фақат П.Шамсиев тамойилларидан ташқари ўзларининг янги тамойиллари билан илмий-танқидий матн яратишнинг қулай ва осон бўлган энг мақбул вариантларини ишлаб чиқишган. Шу билан бирга мумтоз адабиётимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ижодкор Мутриб Хонахароб асарларини ўрганиш, у қолдирган мероснинг илмий-танқидий матнини яратиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидандир. Дастлаб шоир асарлари 1950 йилдан жорий нашрларда эълон қилина бошланган. Ҳозирги кунга келиб, шоир ижоди юзасидан амалга оширилган ишлар у қадар кўп эмас. 2001 йил М.Пирназаров томонидан нашрга тайёрланган “Мутриб Хонахаробий (Рисола-мажмуа)” рисоласи шоир ижодини тарғиб қилишга доир эътиборга молик ишлардан. Ушбу нашрда шоирнинг юзга яқин шеърлари жорий имлога табдил қилиниб, нашр этилган. Бироқ бу нашрдаги шеърларни уларнинг қўлёзма вариантлари билан қиёслаганда, нашрда жиддий матний нуқсонлар борлиги кўзга ташланади. Масалан, матнда сўзларнинг тушиб қолиши, сўзларни нотўғри ўқилиши ҳамда байтларнинг тушиб қолиши шулар

¹⁶⁴ Зоҳидов Р. “Саботул ојизин” асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 194.

¹⁶⁵ Ўша диссертация.

жумласидандир. Профессор Н.Жабборов ўзининг “Матн тарихини ўрганиш – илмий ҳақиқат мезони” номли мақоласида ҳар бир асарнинг дастлаб матншунослик изланишлари бўлмаса, адабиётшунослик тадқиқотлари аксар ҳолларда ўз аҳамиятини йўқотади. Агар адабий манбани яхлит бир иморатга қиёсланса, матншунослик унинг пойдеворидир. Адабиётшунослик ана шу пойдевор устига қурилмоғи зарур. Акс ҳолда у пойдеворсиз иншоот сингари омонат бўлиб қолади¹⁶⁶” каби фикрлари бунинг исботидир. Шундай экан, ҳар бир асарни дастлаб текстологик жиҳатдан ўрганиш, унинг нисбатан тўлиқ вариантларини юзага келтириш матншуносликнинг долзарб муаммоларидан эканлиги айни ҳақиқатдир.

Мутриб Хонахароб асарлари илмий-танқидий матнини яратиш учун ўзбек матншунослигида шу кунга қадар йиғилган тажрибаларни инобатга олиб, қуйидагилар асосида *хусусий тамойиллар* ишлаб чиқилди:

1. *Девоннинг илмий-танқидий матнини тузиш учун девон қўлёзмаларини лотин алифбосининг дастлабки уч ҳарфи – А, В, Д кабилар билан белгилаш* (Дастлаб бу тамойил П.Шамсиев тадқиқотларида қайд қилинган¹⁶⁷) *тамойили*;

Манбаларнинг шартли белгилари:

- қўлёзма – 2679/II, Мулла Абдулкарим девон кўчирган – А.

- қўлёзма – 903/IV, Мулла Каримберган девон кўчирган – В.

- қўлёзма – 906/VII Мулло Болтаниёз усто Қурбонниёз мулаққаби бин Харрот кўчирган – Д.

2. *Шоир шеърлари сарлавҳаларини мувофиқлаштириш тамойили*:

- шеърларга қўйилган сарлавҳаларнинг “2 қасида Мутриб Хонахароб” каби берилиши керак бўлган ўринда “Қасида Мутриб” ҳолатида кўчирилган. Қасидага қўйилган рақам ҳамда шоирнинг “Хонахароб” тахаллуси тушиб

¹⁶⁶Жабборов Н. Матн тарихини ўрганиш – илмий ҳақиқат мезони// Илмий мақолалар тўплами: Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари. – Наманган, 2020. – Б. 50-57.

¹⁶⁷ Шамсиев П. Алишер Навоий “Саб”-и Сайёр” достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида. Филол. фан. номз. дисс. ... – Тошкент, 1952; Шамсиев. П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1969 йил; Шамсиев П. Научно-критический текст. – Тошкент, 1970; Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент, Фан. 1986. –Б.20.

қолган. А(135^б-бет). Ёки яна бир ўринларда “126-Ғазали Мутриб”, “Мусаддас” шаклларида ҳам учрайди. А(126^б ҳамда 132^а саҳифалар).

- асосий матнга ёки хошияларга кўчирилган шеърларнинг баъзи ўринларида сарлавҳа берилмаган. Масалан, А(129^а-бет) таянч манбада 134-ўриндан кейин келган “*Бу кеча ақлимни торож айлади бир гулўзор...*” мисраси билан бошланувчи 11 байтли ғазалга “135-ғазали Мутриб Хонахароб” сарлавҳасини қўйиш керак. Бу тартиб В(251^а-бет), D(224^б-бетлар) таянч ёрдамчи манбаларда сақланган, яъни сарлавҳа қўйилган.

- таянч манбада учрамайдиган ғазал, мухаммас, мураббаъларни киритганда сарлавҳалар қўйиш лозим. Масалан, 1134 рақамли қўлёзма мажмуага шоирнинг 5 та мухаммаси ўрин олган. Бу мухаммаслар *А таянч манбада* ҳамда *В, D таянч ёрдамчи манбаларда* учрамайди. Ушбу мухаммасларга навбатдаги рақамни қўйиб, “17-Мухаммас Мутриб Хонахароб” каби сарлавҳалаш лозим.

3. *Девондаги шеърларнинг алифбо тартибида жойлашувини қайта кўриб чиқиш тамойили.*

Баъзи ўринларда ғазалларнинг алифбо тартибидаги жойлашувида хатолик бор:

- ﺩ (дол) ҳарфига ёзилган ғазаллар жойлашуви орасига ﺩ (зол) ҳарфига ёзилган 7 байтли ғазал кўчирилган. Масалан, “*Баҳра рухсори роҳат мурғи дилим парвона шуд...*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли форс-тожик тилидаги ғазалдан кейин “*Жумлайи неъматдин нигоро оби ҳайвонинг лазиз...*” деб бошланувчи 7 байтли туркий ғазал ўрин олган. Бу ғазалдан кейин яна 10 та ﺩ (дол) ҳарфига ёзилган форс-тожик ҳамда туркий тилдаги ғазаллар берилади. Бундан кўринадики ﺩ (дол) ҳарфига ёзилган ғазаллар орасига ﺩ (зол) ҳарфига ёзилган ғазал ноўрин жойлаштирилган. А таянч манба (63^{а/б}-65^а саҳифалар).

- گ (гоф) ҳарфига ёзилган ғазаллар орасида ҳам юқоридаги ҳарфлар жойлашуви сингари ک (коф) ҳарфидаги ғазал кўчирилади. Масалан, “*Бир нафас ушшоқ хайлидин мани ёд этмадинг...*” мисраси билан бошланувчи 7

байтли ғазалдан кейин “Шукрим, бу кеча ул сарви хиромон келажак...” каби 6 та ғазал берилиб, ундан кейин яна “Очгил юзинг, эй дилбар, ул сарви равонга ўхшадинг...” мисраси билан бошланувчи ғазал ўрин олган. Бу орада яна “Бир дам мурувват йўқмудур ўлтурди ҳижрон, эй гўзал...” ҳамда “Сайри гулиан айларга, эй гўзал, хиромон қил...” каби ۋ (лом) ҳарфи билан тугайдиган иккита 7 байтли ғазал, ундан кейин “Мани аввал гул ҳуснинга зор этмакни машқ этдинг...” мисраси билан бошланувчи ғазал жой олган. А таянч манба (146^a-156^b саҳифалар).

4. Қўлёзма мажмуалар ва баёзлардаги шеърларни таянч манба учун тиклашда шартли белгиларни қўйиши тамойили.

Бу ҳолатда қўлёзма мажмуа ва баёзларнинг аслидаги тартиб рақами сақланиши мақсадга мувофиқ. Чунки манбалар сони кўп бўлиши эвазига чалкашликлар юзага келиши мумкин. Булар:

- қўлёзма мажмуалар – 1152, 1134, 1127, 1129.

- қўлёзма баёзлар – 6816, 6927, 6928, 6932, 6951, 6952, 6969, 6939, 6971, 6976, 6990, 7023, 7039, 7122, 2024, 2025, 2028, 2036, 5894/II, 5894/III, 5894/IV, 5894/V, 5884/V, 1125, 1126, 1128, 1172, 1176, 1177, 1179, 1182, 1184, 1185, 1186, 1190, 1191, 1192, 1195, 1196.

- тошбосма манбалар – 12561, 14420, 9543.

5. Қўлёзма мажмуа ва баёзлардан олинган шеърларни илмий-танқидий матнга киритиши тамойили;

А таянч манбада учрамайдиган ғазалларни илмий-танқидий матн таркибига киритганда араб алифбоси тартибида кўчирилган ҳарфларнинг охирги сонидан келиб чиқиб, ҳозирги жорий алифбодаги ҳарфлар кетма-кетлиги асосида рақамлаш лозим. Масалан, А таянч манбадаги ۋ (алиф) ҳарфига ёзилган ғазаллар сони 39 та. Янги топилган ۋ (алиф) ҳарфига ёзилган ғазаллар сони 5 тани ташкил этади. Булар 40^a, 41^b, 42^d, 43^e, 44^f каби жойлаштирилади.

ت (те) ҳарфига ёзилган ғазаллар 2 та (1таси форс-тожик тилида, 1 таси туркий тилда): 31^a, 32^b.

د (дол) ҳарфига ёзилган ғазаллар 2 та: 36^a, 37^b.

ر (ре) ҳарфига ёзилган ғазаллар 1 та: 89^a.

س (син) ҳарфига ёзилган ғазаллар 2 та: 11^a, 12^b.

ق (қоф) ҳарфига ёзилган ғазаллар 1 та: 10^a.

ك (коф) ҳарфига ёзилган ғазаллар 1 та: 7^a.

گ (гоф) ҳарфига ёзилган ғазаллар 2 та: 38^a, 39^b.

ل (лом) ҳарфига ёзилган ғазаллар 9 та: 24^a, 25^b, 26^d, 27^e, 28^f, 29^g, 30^h, 31ⁱ, 32^j.

م (мим) ҳарфига ёзилган ғазаллар 11 та: 104^a, 105^b, 106^d, 107^e, 108^f, 109^g, 110^h, 111ⁱ, 112^j, 113^k, 114^l.

ن (нун) ҳарфига ёзилган ғазаллар 12 та: 121^a, 122^b, 123^d, 124^e, 125^f, 126^g, 127^h, 128ⁱ, 129^j, 130^k, 131^l, 132^m.

و (вов) ҳарфига ёзилган ғазаллар 3 та: 26^a, 27^b, 28^d, 29^e, 30^f.

ى (и) ҳарфига ёзилган ғазаллар 2 та: 57^a, 58^b.

А таянч манба ҳамда В, D таянч ёрдамчи манбаларга мураббаъ жанридаги шеър учрамайди. Янги топилган мураббаъ сони 1 та: 1^a.

А таянч манбада жами 16 мухаммас бор. Янги топилган мухаммаслар сони эса 6 та. Булар: 17^a, 18^b, 19^d, 20^e, 21^f, 22^g.

Жами шеърлар сони: 60 та.

Юқорида келтирилган шеърлар қаторида “Хоразм хабарлари” газетасига кўчирилган 2 та мусаддас (72 мисра), 6 та маснавий (124 мисра)лар ҳисобга олинмади. Сабаби бу шеърлар матнининг асли ўқиб бўлмас даражада шикастланган.

6. Матн таркибида товуш ўзгаришлари ҳамда грамматик услубий хатоликларга учраган сўзларни бир тизимга солиш тамойили. Масалан,

- ايتدى “этди” ва ايتتى “этти” сўзлари ҳам икки хил кўринишда кўчирилган.

414-ғазалнинг биринчи мисраси: *Мани бир сурати зебо кўрингач беқарор этди...* А (208^b-бет) таянч манба. В (259^b-бет) ҳамда D (266^b-бет) таянч ёрдамчи манбаларда эса “*этти*” шаклида учрайди.

422-ғазалнинг биринчи мисраси: *Манга бир дилбари раъно ажаб ноз эттиву кетти...* А (209^б-бет). В(260^{а/б}-бет), D(276^б-бет) таянч манбаларда ҳам А таянч манбадаги вариант сақланган.

Мутриб асарлари тил хусусиятларида “-ға”, “-а” жўналиш келишиги қўлланилган. Бироқ котиб манбани кўчиришда “-ға” жўналиш келишигини “-ға” ҳамда “-га” шаклида берган. Бир хиллик сақланмаган. Масалан, 10-ғазалнинг ўн биринчи мисраси: *Кўргач хиромон қоматинг савдойи зулфингга мани...* А (84^б-бет). В ҳамда D таянч ёрдамчи манбаларда бу ғазал учрамайди.

96-ғазалнинг учинчи мисраси: *Тор зулфингга асир этдинг, даме зофил топиб...* А(118^б, 119^а-бетлар). В (219^б-220^а-бетлар), D (248^б-бет) таянч ёрдамчи манбаларда ҳам “зулфингга” каби кўчирилган.

256-ғазалнинг бешинчи мисраси: *Қилсам қошинг ҳижрониға бу дам сужуд, эй нозанин.* А(263^б-бет). В(238^б-бет), D(269^а-бет) таянч ёрдамчи манбаларда ҳам “ҳижрониға” каби учрайди.

“-ға” жўналиш келишиги ўрнида “-а” шаклининг қўлланилиши ҳам учрайди. Бироқ “-а” ни “-ға”га ўзгартириш вазнга таъсир этади. Қуйида ражази мусаммани солим вазнида ёзилган ғазалдан мисол келтирдик:

453-ғазалнинг бешинчи мисраси: *Лутф ила мажнун кўнглима ҳар тун рухи гулзоридин...* А(219^а-бет). В(261^б-бет) таянч ёрдамчи манбада ҳам А даги вариант сақланган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал йўқ.

- шоир шеърларида “-ни” тушим келишиги ҳамда “-нинг” қаратқич келишиги фаол қўлланилган. Бироқ шеърларни кўчирган котиб “-нинг” қаратқич келишиги ўрнида “-ни”ни ноўрин қўллаган ўринлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, 350-ғазалнинг тўққизинчи мисраси: *Дамо-дам муддаийни сўзи бирла жаҳли қатлимга...* А (186^{а/б}-бетлар), В (250^{а/б}-бетлар). 1152(583^б-бет) рақамли қўлёзма мажмуада эса “-нинг” қаратқич келишиги берилган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал йўқ.

357-ғазалнинг ўн учинчи мисраси: *Хиромон қоматингга тушса Мутрибни кўзи, эй шўх...* А (189^а-бет), В (250^б-бет). 1152 (656^а-бет) рақамли қўлёзма мажмуада “-нинг” сақланган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал йўқ.

“Мудайни”, “Мутрибни” кабилардаги “-ни” тушим келишигига нисбатан “-нинг” қаратқич келишиги мослашувли бирикма ҳисобланиб, бу ҳол мазмунни янада тўлиқ тушиниш имконини беради.

Л.Халиловнинг қуйидаги фикрлари ушбу мулоҳазаларимизнинг далилидир: *“Ганда ўрин ва жўналиш келишигидаги сўзларнинг грамматик хусусиятлари бошқа бўлганлиги туфайли бу келишикларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш хатодир”*¹⁶⁸.

- изофалар тушиб қолган ўринлар ҳам бор. Бу эса шеър вазнига таъсир этади. Масалан, 129-ғазалнинг ўнинчи мисраси: ***Бода*** *васлингга, эй гул, бўлмишам беҳад хумор...* А(126^б-бет). В, D таянч ёрдамчи манбаларда бу ғазал йўқ.

Аслида, ***Бодайи*** *васлингга, эй гул, бўлмишам беҳад хумор...* каби берилса вазн сақланади.

Ушбу ғазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. بادۀ сўзидаги “و” изофа белгиси берилмаган. Яна бир мисол, ражази мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган 262-ғазалнинг ўн учинчи мисрасидаги ***شعله*** сўзига ҳам юқоридаги каби “و” изофа қўйилмаган: *Ишқ ичра жоним ўртади бу ***шула*** хуснинг сани...* А (167^{а/б}-бетлар). В (240^{а/б}-бетлар) ҳамда D (259^б-бет) таянч ёрдамчи манбаларда қуйидагича тўғри кўчирилган:

*Ишқ ичра жоним ўртади бу ***шулайи*** хуснинг сани...*

Бу каби фарқлар шеърлар матнида нисбатан кўп учрайди. Буни ҳам тизимлаштириш лозим.

7. *Араб, форс, туркий тилларга оид сўзларни эски ўзбек ёзуви имло қоидалари асосида ёзиш тамойили.*

Мутриб шеърлари матнида араб, форс, туркий тилларга оид сўзлар эски ўзбек ёзуви имло қоидаларига тўлиқ амал қилинмаган. Булар асосан “Тоф” ҳарфини ўрнида “Коф”, “Зойиъ (зоиёъ) сўзидаги “зод” ҳарфи ўрнида “зо”, “Кўнглум” сўзидаги “вов” ҳарфининг бошқа ўринда “и” бўлиб кўчирилиши ва

¹⁶⁸Халилов. Л. Алишер Навоийнинг “Тарихи мулки Ажам” асарининг тестологик тадқиқи. Диссертация. (филология фанлари кандидати илмий даражаси олиш учун ёзилган). –Тошкент, 1975. –Б.39.

хоказоларда кўзга ташланади. Сўзларнинг бир хилда кўчирилмаслиги шоир тил хусусиятининг йўқолишига сабаб бўлган. Бу каби фарқларни илмий-танқидий матнда акс эттириш шарт эмас. Бу ҳақда матншунос П.Шамсиев: “Котибнинг очиқ кўруниб турган хатоларини ҳам бет остида қайд эта беришининг кераги йўқ”¹⁶⁹ деган мулоҳазаси ўринлидир. Шунинг учун шоир шеърлари илмий-танқидий матнини яратишда араб, форс, туркий тилларга оид сўзларни эски ўзбек ёзуви имло қоидаларига амал қилиб, сўзларнинг ёзилиши, сўзларда акс этган унлилар бир хиллигини бир тизимда сақлаш лозим бўлади.

Тадқиқотда Мутриб шеърлари матнидаги араб, форс, туркий тилларга оид сўзларнинг эски ўзбек ёзуви имло қоидаларига амал қилинмаган ўринларга махсус эътибор қаратилди. Мулоҳазаларимиз асоси сифатида, дастлаб [г] товушини берадиган сўзларнинг “ک” (коф) ҳарфи билан ёзилган ўринлардан мисоллар келтирамиз. Масалан,

- كل (ф.)

143-ғазалнинг учинчи мисраси:

كل كبی عارض آچیب مهرو فا فاش ایتکلی

(Гул каби ораз очиб меҳру вафо фош этгали...). А (130^б-бет).

- کریان (ф.) ҳамда كل عذار (ф.-а.).

116-ғазалнинг мақтаъ қисми:

عشق ایچرا کریانمن ایشیت ای کلعزار ای کلعزار

(Ишқ ичра гирёнман эшит, эй гүльүзор, эй гүльүзор...). А (123^б, 124^а-бетлар).

- كل رنگ (ф.).

219-ғазалнинг бешинчи мисраси:

نوش ایتیب میی كل رنگ عاشقانه سوز باشلاب

(Нўш этиб майи гүлранг ошиқона сўз бошлаб...). А(150^{а/б}-бетлар).

- كر (ф.).

184-ғазалнинг олтинчи мисраси:

¹⁶⁹ Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Тошкент, Фан. 1986. –Б.20.

كل پايمال مقد مينك كر بولسه خندان لبلارينك

(Гул поймол мақдаминг гар бўлса хандон лабларинг...). А (143^a-бет).

“گ” (гоф) ҳарфи қўлланилиши керак бўлган барча ўринларда “к” (коф) ишлатилган. Бу ҳол маънога таъсир этиши мумкин: Гул-кул, Гирибон-кирибон, Гулўзор-кулўзор, Гулранг-кулранг, Гар-кар каби.

Яна шунга ўхшаш бир фарқли ўринни келтириб ўтсак:

- ضايع (а.) (зойиъ, зоиёъ) сўзидаги “ض” (зод) ҳарфи А таянч манбада “ظ” (зо) билан кўчирилган. Масалан, 113-ғазалнинг ўн учинчи мисраси:

وه كه ظايع قيلما غمزنك اوقلاريني اوزكاغه

(Ваҳки, зойиъ қилма ғамзанг ўқларини ўзгага...). А (123^a-бет).

Бу сўз В (250^a-бет) ҳамда D(222^a-бет) таянч ёрдамчи манбаларга тўғри кўчирилган.

- شكوفته (ф.) (шукуфта) сўзи тарзида و (вов) ҳарфи берилмасдан кўчирилган. Шу билан бирга ушбу мисрадаги غنچه (ғунча) сўзидаги изофа ҳам тушиб қолган. Масалан, 1-қасиданинг тўққизинчи мисраси:

آجيب لب غنچه شكوفته لاركيم لاله فاش ايلاب

(Очиб лаб ғунча_ шукуфталарким лола фош айлаб...). А (135^b-бет).

Бу қасида ҳазажи мусаммани солим (V---/V---/V---/V---) вазнида ёзилган.

- بتر (ф.) сўзи А таянч, В таянч ёрдамчи манбада بتار (батор) шаклида, яъни ا (алиф) ҳарфи билан берилган.

194-ғазалнинг саккизинчи мисраси:

سالدى منكا آندين بتار يوز شور سوداعارضينك

(Солди манга ондин батор юз шўри савдо оразинг...). А (144^b-б.), В (232^a-б.).

1152 (429^b-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзма мажмуага тўғри кўчирилган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал учрамайди.

- сўз охиридаги [а] товушининг ифодаланишида ҳам фарқлар кўринади, яъни у “ه” ёки “ا” ҳарфлари билан ёзилган. А таянч манбада “ичра” сўзи ايچره ҳамда ايچرا каби икки хилда учрайди.

5-мусаддас тўртинчи банд:

پریشان حال اولوب صبح مسا عشق ایچره زارینک من

(*Паришон ҳол ўлуб, субҳу масо ишқ **ичра** зорингман...*). А (232^б, 233^а-бетлар).

Шу мусаддаснинг бешинчи банди:

مرادیم کلشنی دهر ایچرا کلزار جمالینک دور

(*Муродим гулшани даҳр **ичра** гулзор жамолингдур...*). А (ўша саҳифа).

- **كونكلم** сўзи **كونكلم** шаклида ҳам учрайди. “و” харфининг “ى” га ўзгариши маънога таъсир этмасда, бир хиллик сақланмаган. Масалан,

289-ғазалнинг учинчи мисраси:

شاد اولمىن **كونكلم** منى بىر لحظه هجران ايلكىدين

(*Шод ўлмайин **кўнглум** мани бир лаҳза ҳижрон илкидин...*). А (174^б-бет).

103-ғазалнинг мақтаъ қисми:

نيچوك شاد اولسون اى مطرب حزين **كونكلم** بو غملاردين

(*Нечук шод ўлсун, эй Мутриб, ҳазин **кўнглим** бу гамлардин...*). А (119^б-бет).

- **يوزونك** ҳамда **يوزينك** сўзлари ҳам шундай ёзилган:

441-ғазалнинг биринчи мисраси:

جانا **يوزينك** كوركان چاغى بى اختيار اتدينك منى

(*Жоно, **юзинг** кўрган чоғи беихтиёр этдинг мани...*). А (116^б-бет).

Шу ғазалнинг ўн биринчи мисраси:

كوركاچ **يوزونك** تابانى نى ناكه چمن سيرانيدا

(*Кўргач **юзунг** тобонини ногаҳ чаман сайронида...*). А (ўша саҳифа).

8. Шеър матнларида юзага келган тафовутларни бартараф этишда ишора белгилардан фойдаланиш тамойили.

Мутриб шеърлари матнида мингдан ортиқ матний фарқлар учрайди. Бу матний фарқлар, асосан, байт, сўз, бирикма ва кўшимчаларнинг тушиб қолиши, нотўғри кўчирилишида кўринади. Буларни, яъни сўз ва бирикмаларнинг мазмунан бир-бирига яқин вариантлари танланганда шоир услуби, мантиқий изчиллик ҳамда вазн энг асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Рус матншуноси Д.С.Лихачевнинг қуйидаги фикрлари буни тасдиқлайди: “Ёдгорликлар тексти уларнинг фақат таиқи белгиларига қараб эмас, балки

мазмунининг ўзгаришига ва зоявий йўналишига қараб ҳам ўрганилиши лозим¹⁷⁰”.

Қуйида шоир шеърлари матнидаги тафовутларни ишора белгилари асосида беришни лозим топдик. Бу ишора белгилар шоир асарларининг илмий-танқидий матнини тузишда муҳим аҳамиятга эга.

Булар:

- *тушиб қолган байтлар учун сатр аввалига икки юлдуз “**” қўйиши лозим.*

Тикланган манба олдидан “Т:” шакли кўрсатилади. Илмий-танқидий матн яратишда қўйиладиган бу ишора белгиси фарқ кўрсатилган матн остида қайд қилингани мақсадга мувофиқдир. Масалан,

1152 (439^б, 440^а-бетлар) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” кўлёзма мажмуада “*Ваҳки, ҳажридин туганмас нолайи зорим манинг*” мисраси билан бошланувчи 11 байтли ғазал кўчирилган. Бу ғазал А (141^{а/б}-бет) таянч, В (230^б, 232^а-бетлар) таянч ёрдамчи манбаларга 7 байти кўчирилиб, қолган 4 байт тушиб қолган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал учрамайди. Тушиб қолган байтлар қуйидагича:

يا رب ايتكايمو مشاميم نى معطر بير كيچه

كلشنى وصى بيله زلفِ نكونساريم منينك

*Ё раб, этгайму, машомимни муъаттар бир кеча**,*

Гулишани васли била зулфи нигунсорим манинг.

حسرتى وصى دا جانيم چقفوسى دوروه نيتاى

ايلامس لطف كرم بير لحظه دلداريم منيك

Ҳасрати васлида жоним чиқғусидур ваҳ, нетай,

Айламас лутфу карам бир лаҳза дилдорим манинг.

ناليشيم نى عشق ارا عيب ايلامانك لار وه نيكم

كوييده برباد ايرور ناموس ايله عاريم منيك

Нолишимни шиқ аро айб айламанглар ваҳ, неким,

Қуйида барбод эрур номус ила орим манинг.

¹⁷⁰Лихачёв Д.С. Текстология на материале русской литературы X–XVII в. в. –М.-Л.: Академии Наук СССР, 1962. –С.51.

ايلابان لطفُ عنايتِ مطربي سرکشته ني

محرم ايتک ی وصلی غه یاری وفاداریم منیک

*Айлабон лутфу иноят Мутриби саргаштани,
Маҳрам этгай васлига ёри вафодорим манинг.*

177/ 8, 9, 10, 11. А (141^{a/6}-б), 160 / 8, 9, 10, 11. В (230^b, 232^a-б.) да тушган.

***D. T: 1152 (439^b, 440^a-б.).

Хива Ичонқалъасида сақланаётган 5894/II (245^b-б.) рақамли “Баёзи ашъор”даги “*Етди ҳаловат жонима хуришд рухсорин ўпиб*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал А (92^b-бет) таянч манбада 6 байт қилиб берилган. Мақтаъдан олдинги байт эса тушиб қолган. В (208^a-бет) таянч ёрдамчи манбада бу ғазал олти ярим байт, яъни ўн уч мисраси (“*Жони ҳазинимдин чиқиб, кўрган ҳамано ҳузни гам*” мисраси тушиб қолган) кўчирилган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал йўқ:

جان. حزينم دين چقيب كوركن همانا حزن. غم

مسرور ايرورمن بونفس طاوس رفتارين اويوب

*Жони ҳазинимдин чиқиб, кўрган ҳамано ҳузни гам**,
Масрур эрурман, бу нафас товуси рафторин ўпиб.*

37/6 А (92^b-б.) да тушиб қолган.

30/7^a В (208^a-б.) да тушиб қолган.

***D. T: 5894/II (245^b-б.).

- мисра тушиб қолган ўринларни бир юлдуз “*” билан белгилаш.

“*Сабр айладим ҳижронинга, эй меҳрибон, эй меҳрибон*” мисралари билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг А (173^a-бет) таянч манбага иккинчи ҳамда учинчи мисраси кўчирилмай қолган. В (243^a-бет) таянч ёрдамчи манбага олти ярим байт, яъни “*Қилдим дуолар жонинга, эй меҳрибон, эй меҳрибон*” мисраси тушириб қолдирилган. Ғазал 1186 (88^b, 89^a-бетлар) рақамли қўлёзма баёзга тўлиқ кўчирилган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал учрамайди.

صبر ايلاديم هجرانينكا اي مهربان اي مهربان

* قيلديم دعالارجانينكا اي مهربان اي مهربان

Сабр айладим ҳижронинга, эй меҳрибон, эй меҳрибон,

Қилдим дуолар жонинга, эй меҳрибон, эй меҳрибон*.

* فرقت غمیدین بیر نفس عالم کوزیمکا تارايرور

یتیمی قولوم دامانینکا ای مهربان ای مهربان

Фурқат гамингдин бир нафас олам кўзумга тор эрур*,

Етмай қўлум домонинга, эй меҳрибон, эй меҳрибон.

279/1^б А (173^а-б.), 273/1^б В (243^а-б.)да тушган. ***D. Т: 1186 (88^б, 89^а-б.).

279/2^а А (173^а-б.)да тушган. ***D. Т: В (243^а-б.), 1186 (88^б, 89^а-б.).

- сўзлар ва қўшимчаларнинг тушиб қолиши “ - ”:

Шеърлар таркибида сўз ва қўшимчаларнинг тушиб қолиши ҳам бошқа фарқлардан кам эмас. Бу сўз ва қўшимчалар ҳам шоир яшаган даврда кўчирилган қўлёзма баёз ва мажмуалар матнидан тикланди. Бундай фарқларнинг юзага келишида девон матнининг муаллиф назорати остида кўчирилмаганлиги сабаб бўлади. Шу билан бирга котиб билим савия даражаси ҳам бунга боғлиқ. Қуйида сўз ва қўшимчаларнинг тушиб қолган ўринларни қайд қилганда илмий-танқидий матн учун “-” ишора белгиси берилади. Масалан, В (205^б-бет), D (239^б-бет) таянч ёрдамчи манбаларга, 1152 (37^а-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзма мажмуага “Мушаббак айлаган жисмимни пайконингга салламно” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал кўчирилган. Бу ғазалнинг тўртинчи мисрасидаги “Исёним” сўзидаги “-им” эгалик қўшимчаси А (86^б-87^а-бетлар) таянч манбадан тушиб қолган. Бу қўшимча В, D таянч ёрдамчи ҳамда 1152 рақамли манбалар асосида тикланди:

منى اۆل وصالينک محرمى ايلارکا عهد ايلاب

نى ايرکن جرم عصيانيم پشيمانينکغه سلّمنا

Мани аввал висолинг маҳрами айларга аҳд айлаб,

Не эркан журми исёним пушаймонингга салламно.

19/2^б А (86^б-87^а-б). عصيان پشيمانينکغه سلّمنا نى ايرکن جرم

Т: В (205^б-б.), D (239^б-б.), 1152 (37^а-б.).

В (120^б-бет) таянч ёрдамчи манбага кўчирилган “Недур” радифли 7 байтли ғазалнинг биринчи мисрасида “ичра” сўзи учрайди. Бу сўз А (119^б-бет) таянч манба матнидан тушиб қолган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал йўқ.

جانا منى عشق ايچره زار آيلا ب سنكا مطلب نيدور

لعلي نك شر ابيغه خمار آيلا ب سنكا مطلب نيدور

*Жоно, мани ишқ ичра зор ойлаб санго матлаб недур⁺,
Лаълинг шаробига хумор ойлаб санго матлаб недур.*

105/1^a А (119^б-б.). جانا منى عشق ___ زار آيلا ب سنكا مطلب نيدور

***D. T: В (120^б-б.).

“Нетдим, эй гардун, сани кажравлик изҳор айладинг” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазал А (144^a-бет) таянч манбага бир қанча сакталиклар билан кўчирилган.

Ушбу ғазалнинг учинчи мисраси “Бу нафас тўти мақолим ___ жудо айлаб сани” мисрасидаги “мақолимдин” сўзида “-дин” қўшимчаси тушиб қолган, “Мани” сўзи эса “сани” бўлиб кўчирилиши ғазал мазмунига ҳамда вазнига таъсир этган. 1152 (386^б-бет) рақамли қўлёзма мажмуага “Бу нафас тўти мақолимдин йироқ айлаб мани”, В (232^a-бет), D (255^a-бет) таянч ёрдамчи манбаларга эса, “Бу нафас тўти мақолимдин жудо айлаб мани” каби кўчирилган. Кўринганидек В, D таянч ёрдамчи манбаларда тўғри берилган. Ушбу байт қуйидагича:

بو نفس طوطى مقاليم دين جودا ايلا ب منى⁻

دايما بتياره ناكس لار بيله يار ايلا دينك

Бу нафас тўти мақолимдин жудо айлаб мани⁺,

Доимо бутёра нокаслар била ёр айладинг.

187/2^a А (144^a-б.). بو نفس طوطى مقاليم ___ جودا ايلا ب سنكى

171/2^a В (232^a-б.), 77/2^a D (255^a-б.). جودا ايلا ب منى ___ بو نفس طوطى مقاليم

T: 1152 (386^б-б.).

Ушбу ғазалнинг бешинчи мисрасида ҳам “-дин” қўшимчаси А таянч манбадан тушиб қолган:

بزم وصلى دين دل ناشاد ديمى شاد ايتماين⁻

عشق ارا رنج مشقت لارغه دوچار ايلادينك

Базми васлидин дили ношодими шод этмайин...

Ииқ аро ранжу машаққатларга дучор айладинг.

187/3^a A (144^a-б.) دل ناشاد ديمى شاد ايتماين بزم وصى ___

T: B (232^a-б.), D (255^a-б.). 1152 (386^b-б.).

A (185^b-бет) таянч, B (250^a-бет) таянч ёрдамчи манбаларга кўчирилган “Ноз ила гулиан сари қилсанг хиром, эй сиймтан” мисраи билан бошланувчи ғазалнинг саккизинчи мисрасида жиддий хатога йўл қўйилган. А қўлёзма девонга “Хавф этар ___ доим ___ манга кўпрак эрур” мисрасида “-ман” кўшимчаси ҳамда “афсунинг” сўзи тушиб қолган. В таянч ёрдамчи манбада эса фақат “афсунинг” сўзи (*Хавф этарман доим _____ манга кўпрак эрур*) тушган. 1152 (624^b-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзма мажмуада эса қуйидагича тўғри берилган:

خوف ايتارمن دايم افسونينك منكا كوپراک ايروور

قىلمه غاي ناكس مبدا بزم وصلينك نى وطن

Хавф этарман, доим афсунинг манга кўпрак эрур,

Қилмагай нокас мабодо базми васлингни ватан.

348/4^b A (185^b-б.) خوف ايتار ___ دايم ___ منكا كوپراک ايروور

310/4^b B (250^a-б.) خوف ايتارمن دايم ___ منكا كوپراک ايروور

***D. T: 1152 (386^b-б.).

- байт таркибидаги сўз ва қўшимчаларнинг ўзгариши, қўшилиши “+”:

Мутриб шеърлари матнида бир сўзнинг иккинчи сўз таркибига қўшилиб кетиши, сўзларнинг ортиқча берилиши, нотўғри кўчирилиши кабилар ҳам кўзга ташланади. Бу хатолар шеър қолипидида сакталикни юзага келтиради. А таянч манбадаги бу ҳолат В, D таянч ёрдамчи манбалардагига нисбатан кам бўлса-да, илмий-танқидий матн учун сўзларнинг энг мақбул вариантларини танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Байт таркибидаги сўз ва қўшимчаларнинг ўзгарган ҳамда қўшилган ўринларида “+” ишора белгиси қўйилиб, манбалардаги фарқлар акс этган байт мисраларини бериш *a* ва *b* шаклида ҳамда кўчирилган ғазалнинг тартиб

рақами матн остида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Масалан: А (149^а-бет) таянч манбага “*Чиқмас гами пинҳонинг, эй ороми дил, ороми дил*” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг тўққизинчи мисрасидаги “Озори” сўзи “Оз ила” каби кўчирилган. Ушбу сўзни 6816 (224^а-бет), 1179 (2^б, 3^а-бетлар) рақамли қўлёзма баёзларга кўчирилган вариант асосида тикланди:

آزار هجرانينک ارا ايکي ليينک صهباسيدين

يوق قطرة احسانينک اى آرام دل آرام دل

*Озори ҳижронинг аро икки лабинг саҳбосидин⁺,
Йўқ қатрайи эҳсонинг, эй ороми дил, ороми дил.*

216/5^а А (149^а-бет) ازايله هجرانينک ارا ايکي ليينک صهباسيدين

***B, D.

T: 6816 (224^а-б.), 1179 (2^б, 3^а-б.).

А (149^а-бет) таянч манбага кўчирилган “*Мандин гами фурқатни ол, очиб жамол, очиб жамол*” мисралари билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг тўртинчи мисрасида “Эй” сўзи қўшилиб қолган. 6928 (161^б-162^а-бетлар), 6816 (226^а-бет) рақамли қўлёзма баёзларда тўғри берилган.

ايلا ب خرامان بزميمه يوزمينک ادا'نازايله

اظهارايتب فيض. وصال آچيب جمل آچيب جمل

*Айлаб хиромон базмима юз минг адоу ноз ила,
Изҳор этиб файзи висол, очиб жамол, очиб жамол⁺.*

217/ 2^б А (149^а-бет) اظهارايتب اى فيض. وصال آچيب جمال آچيب جمل

***B, D.

T: 6928 (161^б-162^а-б.), 6816 (226^а-б.).

D (243^б-бет) таянч ёрдамчи манба, 1152 (134^б-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзма мажмуадаги “*Тушди ҳажрингдин дили жон ичра ўт*” мисраси билан бошланувчи 6 байтли ғазалнинг еттинчи мисрасида “бор эрур” бирикмаси учрайди. Бу бирикма А (95^б-бет) таянч, В (210^{а/б}-бетлар) таянч ёрдамчи манбага “*борида*” бўлиб кўчирилган.

نى كناهيم پارايرورهردم سالور⁺

درد عشقينک جسم ويران ايچره اوت

*Не гуноҳим бор эрур, ҳар дам солур⁺,
Дарди шиқинг жисми вайрон ичра ўт...*

47/4^a A (95^b-бет), 43/4^a B (210^{a/b}-б.) نى كناهيم باريدا هر دم سالور

T: D (243^b-б.), 1152 (134^b-б.).

A (178^b-бет) таянч манбага кўчирилган “*Жоно, не деб юзингни мандин ниҳон этарсан*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг иккинчи мисрасида “ҳажр” сўзи учрайди. Бу сўз Лаффасийнинг “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” 12561 (74^{a/b}-бетлар) рақамли тазкирасига “ичра” бўлиб тўғри кўчирилган. В, D таянч ёрдамчи манбаларда бу ғазал учрамайди.

جانا نى ديب يوزينكى مندين نهان ايتارسن

⁺ درد فراقينك ايچره بغريمى قان ايتارسن

*Жоно, не деб юзингни мандин ниҳон этарсан,
Дарди фироқинг **ичра** бағримни қон этарсан⁺.*

315/1^b A (178^b-б.) درد فراقينك هجر بغريمى قان ايتارسن

***B, D.

T: 12561 (74^{a/b}-б.).

“*Хусн аҳлини кўзгусидур, эй шўҳи якто, оразинг*” мисраси билан бошланувчи 11 байтли ғазалнинг ўн бешинчи мисраси A (144^b-бет) таянч манбага “*Кўҳи ғамингда йиғлабон тун-кун яқомни чок этиб*”, В (232^a-бет) таянч ёрдамчи манбада эса “*Кўйи ғамингда йиғлабон тун-кун яқомни чок этиб*” каби кўчирилган. D таянч ёрдамчи манбада бу ғазал йўқ. 1152 (429^b-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзма мажмуага кўйидагича тўғри берилган:

⁺ كوينك غمدا يغلبان تونكون يقامنى چاك ايتب

ايلارمن هر دم جستجو قلماق تاماشا عارضينك

***Кўйинг ғамида** йиғлабон тун-кун яқомни чок этиб⁺,
Айларман ҳар дам жустужў қилмоқ тамошо оразинг.*

195/8^a A (144^b-б.) كوهى غمينك دا يغلبان تونكون يقامنى چاك ايتب

186/8^a B (232^a-б.) كويى غمينك دا يغلبان تونكون يقامنى چاك ايتب

***D.

T: 1152 (429^б-б.).

Музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф(- -V/ -V-V/ V- -V/ -V-) вазнида ёзилган “*Бўлсун салом беадад, эй шоҳи анбиё*” мисраси билан бошланувчи ғазалнинг бешинчи мисраси А (83^а-бет) таянч манбага “*Ул оқшоми ки Ҳақ амри бирла айладинг уруж*” тарзида, “ки” кўшимчасининг ортиши ҳамда “бирла” сўзига “р” ҳарфининг кўшилиши эвазига вазн бузилган. В (204^а-бет), D (239^а-бет) таянч ёрдамчи манбаларда бу мисра “*Ул оқшомки Ҳақ амри била айладинг уруж*” каби учрайди. 1152 (29^а-бет) рақамли “*Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий*” кўлёзма мажмуада қуйидача тўғри кўчирилган:

+ اول آقشامى حق امرى بيلا ايلادىنك عرج

تتكرى ميستر ايلادى عالى مكان سنكا

*Ул оқшоми Ҳақ амри била айладинг уруж⁺,
Тангри муяссар айлади олий макон санго.*

6/3^а А (83^а-бет). اول آقشامى كه حق امرى بيرا ايلادىنك عرج

6/3^а В (204^а-бет), 6/3^а D (239^а-бет). اول آقشامى كه حق امرى بيلا ايلادىنك عرج

T: 1152 (29^а-б.).

“Фидо” радифли 7 байтли ғазалнинг бешинчи мисрасидаги *قتليم* (қатлим) сўзи А (87^а-бет) таянч манбага *اقليم* (иқлим) тарзида кўчирилган. В (205^б-бет), D (239^б-бет) таянч ёрдамчи манбаларга ҳамда 1152 (45^а-бет) рақамли “*Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий*” кўлёзма мажмуага “қатлим” бўлиб тўғри кўчирилган:

+ هرزمان ناوك اورار قتليم اوچون جادوكوزينك

قيل ترحم ناوكينك غا قطره قانيم فدا

*Ҳар замон новак урар қатлим учун жоду кўзунг⁺,
Қил тараҳҳум новакиннга қатрайи қоним фидо.*

20/3^а А (87^а-бет). هرزمان ناوك اورار اقليم اوچون جادوكوزينك

T: В (205^б-бет), D (239^б-б.), 1152 (45^а-бет).

“Иқлим” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, минтақа, қитъа деган маъноларга эга. “Қатлим” сўзи ўлдирмак, сўймоқ маъноларини ифодалайди.

Айни байтдаги “қатлим” сўзи мисра моҳиятига мос тушади. Кейинги мисрада (Қил тараҳҳум новакинға қатрайи коним фидо) моҳият ойдинлашади: *ёрнинг жоду кўзи ўқ отиши натижасида ошиқнинг “қатл”га ҳам рози эканлиги, новакига қатра қони фидо бўлиши тасвири келтирилади.*

Мутақаррир санъатини ифодалаб келган “*Гулишани васлингга тун-кун бўлмишам, эй гулғузур, Интизору, интизору, интизору, интизор*” мисралари билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг тўққизинчи мисрасида куйидагича фарқлар кузатилди. А (125^а-бет), В (223^а-бет) таянч, таянч ёрдамчи манбада:

*Нўш этарман захри гамни рўзи шаб,
Бешумору, бешумору, бешумору, бешумор.*

Д (250^б-бет) таянч ёрдамчи манбада:

*Нўш этарман бу қил тараҳҳум тун-кун ҳижрон захрини,
Бешумору, бешумору, бешумору, бешумор.*

Ушбу байт ҳар манбага ҳам хато кўчирилган. Бизнингча, байтдаги бу хатоликни котибнинг эътиборсизлиги билан изоҳлаш мумкин. Зеро, шоир асар матни ва унинг вазнига жиддий муносабатда бўлиши аён.

Бу ғазал мисрасининг нисбатан тўғри варианты 1152 (243^{а/б}-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзма мажмуага кўчирилган:

*نوش ایترمن قیل ترحم تونکون هجران زهرنی⁺
بیشمارُ بیشمارُ بیشمارُ بیشمارُ*

*Нўш этарман, қил тараҳҳум, тун-ку(н) ҳижрон захрини⁺,
Бешумору, бешумору, бешумору, бешумор.*

Ғазал рамали мусаммани маҳзуф(мақсур): -V--/-V--/-V--/-V-)вазнида ёзилган.

202/5^а А (125^а-б.), 136/5^а В (223^а-б.). *نوش ایترمن زهرغم نی روزشب*

95/5^а D (250^б-б.). *نوش ایترمن بو قیل ترحم تونکون هجران زهرنی*

Т: 1152 (243^{а/б}-б.).

1152 (94^а-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзма мажмуага Мутрибнинг “Айлаб” радибли ғазали кўчирилган. Бу

ғазалнинг учинчи мисрасидаги “майи лаъли” бирикмаси А (92^а-бет) таянч манбада “мани лаъли” каби кўчирилган. В, D таянч ёрдамчи манбаларда бу ғазал йўқ. Ушбу байт қуйидагича:

مىي لعلی بيله تاتانگچه مغرور ايتيب اولشوخ⁺

بارى غملارنى جان كونكلومه بالكل حرام ايلاب

*Майи лаъли била то тонггача мағрур этиб, ул шўх,
Бори ғамларни жон кўнглума билкулл ҳаром айлаб.*

35/2^а А (92^а-б.). منى لعلی بيله تاتانگچه مغرور ايتيب اولشوخ

***В, D.

T: 1152 (94^а-б.).

(Ул шўх лабининг қизиллиги билан то тонггача мағрурланиб, барча ғамларни жон кўнглумга бутунлай ҳаром (манъ) айлади).

Шоир “майи лаъли” бирикмаси орқали икки хил маънони қўллаган. Биринчидан, лабининг қизиллиги, иккинчидан, маст қилувчи лаб маъносида. Бу орқали шоир ийҳом санъатидан моҳирона фойдаланган.

Агар “мани лаъли” бирикмаси орқали ғазал мисраларини таҳлилга тортсак, маъно бироз ўзгаради. Бу мисрада шоир “Ул шўх, мани лаъли лаби билан то тонггача мағрур этиб, барча ғамларни жону кўнглумга бутунлай ҳаром (манъ) айлади” – мазмуни ифодалаш ифодашилади. Ҳар икки вариант ҳам байт мазмунига дахл қилмайди. Бироқ мумтоз адабиётимизда “майи лаъли” бирикмаси анъанавий бирикма сифатида кўп қўлланилади.

Рамали мусаммани маҳзуф (мақсур) вазнида ёзилган “*Жонфизо лаълидин ҳосил бўлди кеча комимиз*” мисралари билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг бешинчи мисраси А (132^а-бет) таянч, В таянч (226^б-бет) ёрдамчи манбаларга қуйидагича кўчирилган:

*Соқийе келтурса солиб жоми марғуб эмдиким,
Шамъи ҳуснидин мунаввар бўлди тийра шомимиз.*

Ушбу мисра D (262^а-бет) таянч ёрдамчи манба ҳамда 1152 (331^а-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” қўлёзма мажмуага қуйидагича тўғри кўчирилган:

+ ساقيا كيلتور لبالب جام مرغوب ايمدى كيم
شمع حسنيدين منور بولدى تيره شاميميز

*Соқие, келтур лаболаб жоми марғуб эмдиким⁺,
Шамъи ҳуснидин мунаввар бўлди тийра шомимиз.*

239/6^a A (132^a-б.), 153/6^a B (226^b-б.). ساقيا كيلتور سا ساليب جام مرغوب ايمدى كيم

T: D (262^a-б.), 1152 (331^a-б.).

“Соқие, келтур лаболаб жоми марғуб эмдиким” мисрасидаги “лаболаб” сўзи ошиқ ҳолатини тўғри англаш имконини яратади. Ошиқ соқийдан кўнгилни май “ишқ” билан лиммо-лим тўлдириши учун жомни тўла тақдим қилишини хоҳлайди. Кўриб турганимиздек, ушбу байт мазмуни биринчи келтирилган байт мазмунидан поэтик жиҳатидан устун ҳамда муаллиф айтмоқчи бўлган фикр сақланган.

A (155^a-бет) таянч, B (236^b-бет) таянч ёрдамчи манбаларга кўчирилган “*Биҳамдилаҳки, бу дам бахтдин комим раво топдим*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг тўртинчи мисраси “*Ғалат эркан бу сўзим, сан нигорим бовафо топдим*” каби кўчирилган.

Ушбу байт 1191 (152^{a/b}-бетлар) рақамли қўлёзма баёзга тўғри кўчирилган:

بوکيم ديرلار وفا ومهر يوق حسن اهلى کونکلى دا
غلط ايرکن بوسوزکيم من نکاريم دين وفا تاپد يم

*Буким дерлар, вафову меҳри йўқ, ҳусн аҳли кўнглида,
Ғалат эркан бу сўзким, ман нигоримдин вафо топдим⁺.*

236/ 2^b A (155^a-б.), 229/6^b B (236^b-б.). غلط ايرکن بوسوزيم سن نکاريم با وفا تاپد يم

***D.

T: 1191 (152^{a/b}-б.).

Котиб биринчи байт мисрасини хато кўчириши ғазал мазмунида ғализликни юзага келтирган. Иккинчи берилган байтда ғазал мазмуни тўлиқ сақланган. Байтдаги маъно: *ошиқнинг бу дунёда кимгадир вафо борлигини исботлаш тасвири ва буни асослашда эса ўз ёри орқали иқрор бўлганлиги мазмуни англашилади.*

“*Бугун, эй меҳрибоним, юз очиб кел, интизорингман*” мисраи билан бошланувчи 9 байтли ғазалнинг ўн биринчи мисраси A (186^a-бет) таянч

манбага “*Очиб хуришид ёнглиг юзини кулбам сари, эй шўх*” бўлиб кўчирилган. Бу мисрадаги “юзини” сўзи В (250^а-бет) таянч ёрдамчи манба ҳамда 1152 (592^{а/б}-бетлар) рақамли кўлёзма мажмуага қуйидагича тўғри кўчирилган:

آچب خورشيد يانكليغ يوز منى كليم سارى ايشوخ
خرام ايتسنگ اياقینگه تنى جاني نثارينك من

Очиб хуришид ёнглиг юз, мани кулбам сари, эй шўх⁺,
Хиром этсанг аёқингга тани жони нисорингман.

آچب خورشيد يانكليغ يوزينى كليم سارى ايشوخ 349/ 6^а А (186^а-б.)

***D.

T: В (250^а-б.), 1152 (592^{а/б}-б.).

“*Гулгун кийибмиш ул парирў қади дилжу устина*” мисраси билан бошланувчи 7 байтли ғазалнинг иккинчи мисрасидаги “қахр” сўзи А (197^а-бет) таянч, В (254^а-бет) таянч ёрдамчи манбаларга “қад” бўлиб кўчирилган. Бу сўз 1152 (693^б, 694^а-бетлар) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” кўлёзма мажмуада ҳамда 1177 (4^{а/б}-бетлар) рақамли кўлёзма баёзда қуйидагича учрайди:

كلكون كيب ميش اول پريرو قد دلجواوستينه
قهر ايله چين سالميش بوكون اول چين ابرواستينه

Гулгун кийибмиш, ул парирў, қади дилжу устина,
Қаҳр ила чин солмиш бугун ул чин абру устина⁺.

قد ايله چين سالميش بوكون اول چين ابرواستينه 375/1^б А (197^а-б.), 366/1^б В (254^а-б.).

***D.

T: 1177 (4^{а/б}-б.), 1152 (693^б, 694^а-б.).

Ғазал *ражази мусаммани солим* вазнида ёзилган. Агар ушбу мисрада “қад” сўзи бўлса вазн бузилади ва маъно ўзгаради. “Қаҳр” сўзи эса ҳар икки томонлама мос тушади. Шоир бу ғазалида китобат санъатидан моҳирона фойдаланган.

Кўнгил олувчи ул пари(пайкар) устига гулранг, пуштиранг (кўйлак) кийганмиш. Аччигланиб, қошларини (чин абру) чимириб (устига кийган кийимга қараб), назар (чин) солганлиги англашилади.

“Кун эмас рӯшнолиғ ичра чарх уза рухсорича” мисраси билан бошланувчи (8 байт) ғазалнинг мақтаъ қисмидаги охирги мисра А (204^а-бет) таянч манбага “Ваҳки, таъсир айла, таъсир айламас зулфининг бир торича...” бўлиб кўчирилган. В (252^а-бет) таянч ёрдамчи манбага ҳамда 1152 (777^б-бет) рақамли кўлёзма мажмуага қуйидагича тўғри берилган:

جنت ایچرا مطربا مینک حورِ غلمان صحبتی
+ وه که تاثیر ایلامس دور زلفی نینک بیرتار یچه

*Жаннат ичра Мутрибо, минг ҳури гилмон суҳбати,
Ваҳки, таъсир айламасдур, зулфининг бир торича*⁺.

402/8^б А (204^а-б.). وه که تاءثیر ایلا تاءثیر ایلا ماس زلفی نینک بیرتار یچه.

***D.

T: В (252^а-б.), 1152 (777^б-б.).

А (213^а-бет) таянч, В (262^а-бет) таянч ёрдамчи манбаларга кўчирилган “Ваҳки, дилдор ўлмаса, базм ичра соғарни нетай” мисраси билан бошланувчи 9 байтли ғазалнинг ўн бешинчи мисрасида қуйидагича сакталиқ юзага келган:

*Сайри гулиан этмасам ул сарви гуламдомсиз,
Бог аро гулни не айлай, сунбули тарни нетай.*

Ушбу байт 1152 (806^б-бет) рақамли “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” кўлёзма мажмуага ҳамда 5894/III (2^а-бет) рақамли кўлёзма баёзга қуйидагича тўғри кўчирилган:

+ سیر کلشن ایتمسم اول سروی کل اندام اولما سا
باغ ارا کل نی نه ایلاى سنبل ترنی نیتای

Сайри гулиан этсам, ул сарви гуландом ўлмаса⁺,
Бог аро гулни не айлай, сунбули тарни нетай.

432/6^а А (213^а-б.), 335/6^а В (262^а-б.). سیر کلشن ایتما سم اول سروی کل اندام سیز.

***D.

T: 5894/III (2^а-б.), 1152 (806^б-б.).

Биринчи байт мазмуни: *гулиан сайрини ихтиёр этмасам-у лекин ул гуломдомсиз, (усиз) бог ичидаги гулни, сунбулни нима қиламан, мазмуни англашилган.*

Иккинчи байтда: *гулшан сайрини ихтиёр этсаму, лекин ул гуломдом бўлмаса, (усиз) бог ичидаги гулни, сунбулни нима қиламан, деяпти.*

Кўринадик, иккинчи байтда ғазал мазмуни сақланган. Қуйида ҳам шунга ўхшаш бир мисолни келтирамиз.

“*Гулшани васлингни дилбар, жаннат-ул маъво билай*” мисраси билан бошланувчи 5 байтли ғазалнинг иккинчи мисраси А (215^а-бет) таянч манбага “*Шамъи хуснингдин тажалли юзини пайдо қилай*” мисрасидаги “юзини пайдо қилай” бирикмаси В (263^б-бет) таянч ёрдамчи манба, 1152 (871^а-бет) рақамли кўлёзма мажмуа, 1177 (150^б-бет) рақамли кўлёзма баёзларга “*нурини пайдо қилай*” каби тўғри кўчирилган. Бу вариант ғазал мазмунини поэтик жиҳатдан бойитган:

کلشن. وصلینک نی دلبر جنت الما و ا بیلا ی
+ شمع حسنینک دین تجکی نورینی پیدا قیلا ی

*Гулшани васлингни дилбар, жаннат-ул маъво билай,
Шамъи хуснингдин тажалли нурини пайдо қилай* +.

439/1^б А (215^а-б.). شمع حسنینک دین تجلی یوز ینی پیدا قیلا ی

***D.

Т: В (263^б-б.), 1177 (150^б-б.), 1152 (871^а-б.).

Ушбу ғазалнинг учинчи мисрасида “кўзгудек, чеҳрангни” бирикмаси учрайди. Бу бирикма А таянч, В таянч ёрдамчи манбаларга “кўзгудек меҳрингни” бўлиб ўзгарган. Тўғри вариант эса қуйидагича:

+ کوز کودیک چه رنک نی پنهان ایتمه مندین بیر نفص
لحظه لحظه کوز لاریم نینک تیره سین روشن قیلا ی

